МАҲМУДОВА ДАРМОНЖОН БОЗОРБОЕВНА

# ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**МАҲМУДОВА ДАРМОНЖОН БОЗОРБОЕВНА**

-13799/96-

# ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«MALIK PRINT CO»
ТОШКЕНТ – 2021

Мазкур монографияда меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ижтимоий-педагогик муаммо эканлиги ва меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш соҳасидаги ижтимоий-тарихий тажрибалар хусусида фикр юритилган. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнининг мазмуни, меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг усул ва методлари ёритиб берилган. Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик жараённи тажриба-синовдан ўтказиш методикаси, Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг таҳлили хусусида сўз боради.

Маъул муҳаррир:
педагогика фанлари доктори профессор **Р.Г.Сафарова**

**Тавризчилар:**
педагогика фанлари доктори профессор **Ш.Қ.Мардонов**
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD).доц., **А.А.Тургунов**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги 6- сонли қарори билан нашр этилди.*

ISBN 978-9943-7653-6-8

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .......... 4
**I БОБ. МЕҲНАТ ВА КАСБ КЎНИКМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.......... 7**
1.1-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида .......... 7
1.2-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш соҳасидаги ижтимоий-тарихий тажрибалар .......... 18
**II БОБ. МЕҲНАТ ВА КАСБ КЎНИКМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ .......... 39**
2.1-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнининг мазмуни .......... 39
2.2-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг усул ва методлари .......... 60
2.4. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг таҳлили .......... 86
Хулоса .......... 86
Иловалар .......... 89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .......... 92
.......... 114

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш, уларнинг меҳнат ва касб кўникмаларини тадқиқ этиш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ педагогика фанида бу борада ўзининг мантиқий ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Жумладан, меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоийлаштиришнинг дидактик тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда.



# I БОБ. МЕҲНАТ ВА КАСБ КЎНИКМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида

Шахс тараққиёти, унинг ижтимоий ҳаётга мослашуви бир қатор педагогик қонуниятлар асосида амалга ошади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида, унинг асосий субъекти бўлган инсонни ҳам тараққиётнинг асосий омили – онг, тафаккур, ақл-заковот ва умуммеҳнат кўникмалари етаклайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамият тараққиёти инсон меҳнатига боғлиқ. Меҳнат туфайли тараққиёт вужудга келади ва давом этади. Инсон меҳнати эса онг, ақл-заковат маҳсулидир. Бундай онгли, ақлий ва жисмоний меҳнат кўникмалари таълим-тарбия жараёнида шакллантирилади. Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар жамият ва инсоният ҳаётини ривожлантиришга хизмат қиладиган умуммеҳнат кўникмаларини эгаллашга йўналтириладилар. Меҳнат таълим-тарбияси ҳақидаги қарашлар, назарий фикрлар ўзининг турлича талқинларига эгадир Ўзбек тилининг изоҳли луғати[106-110].

Меҳнат таълим-тарбияси нима? У қандай педагогик тизимни ташкил этади? Ўқувчи ва уни умуммеҳнат кўникмаларини эгаллашга йўналтириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги саволларга педагогика фанида жавоб излаш эҳтиёжи вужудга келди. Ўқувчининг онги, ақл-заковати ўсиши, кенгайиши билан унинг меҳнат ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Барча даврларда жамият тараққиётида меҳнат таълим-тарбияси асосий ўрин эгаллаб келган. Чунончи, XX асрнинг 20-40 йилларида меҳнат ҳамда умумполитехник таълимга алоҳида эътибор қаратилган меҳнат мактаблари ташкил этилган.

Бугунги кунга келиб, меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Инсониятнинг барча муваффақиятлари асосида умуммеҳнат кўникмалари ётади.

XXI аср меҳнат таълим-тарбияси, умуммеҳнат, технологик кўникмаларни ривожлантиришни тақозо қиладиган даврдир. Чунки

ҳозирги замонда жамиятнинг ўз аъзолари олдига қўяётган янги талаби асосида меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш алоҳида ижтимоий-педагогик аҳамият касб этмоқда. Меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантиришнинг янги қирралари, жиҳатларини, айниқса, унинг миллий ва умуминсоний жиҳатларини ўрганиш, таълим жараёнига татбиқ этиш педагогика фанининг муҳим вазифаларидандир. Умуман олганда меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантириш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш орқали ижтимоийлаштириш ҳақидаги турли хил фикрлар, қарашлар, назарияларга ижодий ёндашадиган бўлсак, меҳнат таълим-тарбиясининг жамият ижтимоий тараққиёти билан ўзаро чамбарчас боғликликда ривожланиб бориши устувор мақсадлардан биридир. Жамият ҳаётининг тараққиёти билан боғлиқ тарзда меҳнат таълим-тарбияси ҳам ривожланиб, янгича ижтимоий-педагогик аҳамият касб этиб бориши лозим. Аммо биз тадқиқ қилишга интилаётган меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш муаммоси ижтимоий педагогикада алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб, янги жамият барпо этилаётган шароитда, бу масалага давр талаби, руҳи нуқтаи назаридан ёндашиш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Эндиликда меҳнат таълим-тарбиясининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини ўрганиш ниҳоятда зарурдир. Меҳнат таълим-тарбиясининг алоҳида кўринишлари, типлари, шакллари қанчалик хилма-хил бўлмасин, асосий мақсад жамият ҳаётини ривожлантиришга қодир бўлган баркамол шахсни шакллантириш ва ижтимоийлаштиришдан иборатдир. Меҳнат таълим-тарбияси натижаси кишилик жамиятининг равнақ топиши ва бойиши, барқарорлигининг муҳим омилидир.Юқорида таъкидланганидек, меҳнат таълим-тарбияси жамият талаблари билан боғлиқ тарзда ўзгариб, ривожланиб борувчи ижтимоий-педагогик ҳодисадир. Акс ҳолда жамият ҳаётида энг сара кадрларга бўлган эҳтиёж қондирилмайди. Яъни, жамиятда ишлаб чиқариш ва фан ривожини таъминловчи кучлар етишмай қолади. Меҳнат таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган мамлакатларда ривожланиш жадаллашади. Чунки, бундай давлатларда жамият, ишлаб чиқариш ва фан-техника соҳаларини сара кадрлар билан таъминлаш имконияти вужудга келади.



Шахс - давлат - жамият - таълимнинг ўзаро узвий алоқадорлиги ва яхлитлиги ўқув жараёнида ўқувчини ижтимоийлаштириш самарадорлиги орқали таъминланади. Шахс - давлат - жамиятнинг ўзаро мувозанати ҳам ўқувчиларда меҳнат ва касб кўникмалари воситасида уларни ижтимоийлаштириш орқали вужудга келади.

Бугунги кунда одамларда имон, диёнат, меҳр-муҳаббат, оқибат, қадр-қимматнинг бир мунча бўшашиб кетганлиги, порахўрлик, гиёҳвандлик, алдамчилик каби жиноятнинг турли кўринишлари, ўғрилик, разиллик, ваҳшийлик, ўзаро урушлар, экстремистик, террористик ҳаракатларни келтириб чиқармоқда. Кўпгина мамлакатларда “тартибсиз жамият”га хос дунёвий можаролар, муаммолар кенгайиб бораётганлиги меҳнат таълим-тарбиясининг яхши йўлга қўйилмаганидандир.

Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоийлаштириш учун унинг замонавий моделини ишлаб чиқиш зарур. Чунки, умумий ўрта таълим мактабларида барча ўқув фанлари ўқувчини меҳнатнинг қадр-қимматини англаш, меҳнатсевар бўлишга ундайди. Уларда муайян касб-ҳунарга ҳурмат уйғотади. Муайян меҳнат ва касб кўникмасига эга бўлмасдан туриб, шахс жамият ҳаётини ривожлантиришга ҳисса қўша олмайди.

Мактаб меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштирувчи таълим-тарбия маконидир. Ўқувчиларни узлуксиз тарзда меҳнат ва касбга йўналтириш жараёнигина жамият ҳаётини фаровон қилувчи омилдир. Узлуксиз касбий таълим-тарбия туфайлигина жамиятдаги одамлар орасида фаровонлик ва осойишталик таъминланади. Ўзбекистон жамияти кенг ва кўп қиррали ижтимоий макон бўлиб, хилма-хил соҳалар, жабҳалардан ташкил топгандир. Инсон меҳнатини талаб қилувчи барча жабҳалар ушбу жамиятнинг асосини ташкил этади. Бу жабҳалар нафақат бир-бирини тақозо этади, балки бир-бирини тўлдиради, бойитади. Меҳнат таълим-тарбияси натижасида шахсда шакллантирилган касбий кўникма ва малакалар бу жабҳаларни бир-бирига боғловчи ҳалқа бўлиб ҳисобланади.

Демак, меҳнат таълим-тарбияси ҳамда унинг натижасида ҳосил бўлган меҳнат ва касб кўникмалари жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантирувчи муҳим манба, восита ҳисобланади.

Шу маънода меҳнат таълим-тарбияси ривожланган иқтисодиёт – сиёсат – маърифат – маданият – маънавият – ижтимоий ҳуқуқ, ижтимоий жиҳатдан шаклланган жамият ҳаётига тайёр шахс яхлит тарзда жамият ҳаётининг негизини ташкил этади. Шу билан бир қаторда таълим-тарбия, шахс маънавияти, унинг касбий маҳорати жамият аъзолари орасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ижтимоий-педагогик омил ҳисобланади.

Бугунги кунда меҳнат таълими янгича мазмун касб этмоқда, унинг янги шакл ва воситалари, технологияларини белгилаб бериш тақозо этилмоқда. Ўқувчи-ёшларда тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланишга иштиёқ, ишлаб-чиқаришни ривожлантириш, ихтирочилик кўникмаларини шакллантириш зарурияти вужудга келмоқда.

Таълим жараёнида ечимини кутаётган муҳим муаммолардан бири, ўқувчини ижтимоийлаштириш муаммосидир. Бунинг учун ўқувчи муайян ҳунар ва касбнинг моҳир вакили бўлиши керак. Шунга кўра, ўқувчини муайян касбга йўналтириш орқали унда меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантириш зарур.

Муайян касбга йўналтириш орқали меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёни ўқувчиларда меҳнат ва касбга қизиқиш ҳосил қилиш, уларни касб-ҳунарга оид ахборотлар билан қуроллантириш, касб танлаш, касб танлашга йуналтиришга оид педагогик ҳаракатларни қамраб олади. Ҳалқнинг тарихий тараққиёт йўли меҳнат билан боғлиқ. Кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бошлаб инсонлар меҳнат фаолияти билан шуғулланганлар. Кишилар дастлабки даврларда фақат кун кечириш учун меҳнат билан шуғулланганлар. Кейинчалик бойлик орттириш, бунёдкорлик, ижодкорлик меҳнати, Ватан равнақини кўзлаган меҳнат фаолиятлари устуворлик қила бошлаган. Бу эса шахснинг ижтимоийлашиш эхтиёжи туфайли вужудга келган.

XII-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳунар эгаллашга бўлган интилиш кучайган. Болаларни ёшликдан бошлаб касб-ҳунарли қилиш мақсадида ўз касбининг усталарига шогирд сифатида берганлар. Чунки, Шарқ халқлари авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой маданий меҳнат анъаналари, ҳунармандчилик тарихига эга.

Республикамиз ҳудудида ҳунармандчилик икки минг йиллик тарихга эга. IX-XII асрларда ҳунармандчилик кенг ривожланиб,



ҳозирги Республикамиз ҳудудида яшовчи халқларнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий, савдо алоқалари авж олган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, шаҳарларда 32 хилдан ортиқ ҳунармандчилик соҳалари мавжуд бўлган. Бу шаҳарларда яшайдиган аҳолининг аксарият қисми ҳунармандлар бўлган[72].

X асрда яшаб ижод қилган улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий ҳам ёшларни ҳалол меҳнат қилиш ва касб-ҳунар эгаллашга ундайди. Унинг фикрича, инсон - “ожиз банда”, “ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот” эмас, балки у энг олий камолот бўлиб, “ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борлиқдир”. [20] Форобий ёшларда меҳнат ва касб-ҳунар кўникмалари, улар билан боғлиқ ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб: “Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшолар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди.

Касб-ҳунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳлларида, ахлоқ-одоб, расм-русм, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиши учун инсондаги зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарлар ўртасида назарий фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир” деб ёзган эди[20].

Ёшларнинг касб-ҳунар кўникмаларини эгаллашлари зарурлиги буюк табиб Абу Али Ибн Сино (980-1037) асарларида ҳам атрофлича ёритилган. Унинг фикрича болага ёшлигидан бирор касб-ҳунарни ўргатиш лозим. Бола касб-ҳунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг ўз касб-ҳунаридан ҳаётда фойдаланиш, яъни ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришга ўрганиши керак. У: “Ёшларга илм бера бориб, уларга ҳунар ўргатмоқ муҳим маъсулиятли ишдир. Ҳунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай ножуя хатти-ҳаракатлардан холи бўладилар”[123] деб ёзган эди.

Буюк мутафаккирлар ҳар доим ўз асарларида меҳнат, касб-ҳунарнинг муқаддаслиги, унинг жамият ҳаётини ҳаракатлантирувчи куч эканлигини эътироф этиб келганлар. Улуғ шоир А.Навоий ўз асарларида илм-ҳунар ва меҳнатни улуғлайди, ёшларни уни эгаллашга ундайди. Жумладан «Ҳайратул аброр» [123] асарида деҳқон

меҳнатига катта баҳо беради.

Аждодларимизнинг ёшларни касб-ҳунар кўникмаларини эгаллаш орқали жамиятда муносиб ҳаёт кечаришга чорлашлари бугунги кунда ҳам алоҳида қимматга эга.

Халқимизнинг буюк мутафаккирлари ҳамда маърифатпарварлари ёшларни касб-ҳунар эгаллашга ундаш, унинг аҳамияти, унинг таълим-тарбиядаги ўрни ҳақида қимматли фикрлари, қарашларини баён қилганлар, бу фикрлар бугунги кунда ҳам умумий ўрта таълим мактабларида ёшларда касб-ҳунар ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоийлаштиришда муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Инсоният ўз ривожланиши жараёнида ўқувчиларда касб-ҳунар кўникмалари орқали уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга катта эътибор билан қараб келишган. Улар касб-ҳунар кўникмаларини ҳосил қилиш учун раҳбарлик, устозлик мактаблари ташкил этилган, раҳнамолик қилинган, йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Касб-ҳунар кўникмаларини ҳосил қилиш орқали шахсни жамият ҳаётига тайёрлашга барча мамлакатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бундай педагогик ҳаракат жамият эҳтиёжлари доирасида амалга оширилади. Бу ўринда ижтимоий буюртма устувор аҳамият касб этади. Ўқувчи шахсининг муайян касбий билим, кўникма ва қизиқишларини ташхис орқали аниқлаш тажрибасининг асл илдизлари узоқ ўтмишимизга бориб тақалади. Эрамизгача бўлган биринчи уч минг йилликда қадимги Вавилонда мирзалар тайёрловчи мактабда битирувчилар синовдан ўтказилган. Ўша даврлар инсонларнинг билим даражасидан келиб чиқилганда касбий тайёргарлик кўрган мирза Месопотамия цивилизациясида алоҳида мавқега эга бўлган шахс бўлган. Синов даврида унинг барча арифметик амалларни бажара олиш даражаси текширилган[123].

Қадимий Мисрда муайян касбни эгаллаш истагини билдирган шахслар алоҳида суҳбатдан ўтказилганлар. Уларнинг алоҳида ўзига хос бўлган қизиқишлари, қобилиятлари ва дастлабки меҳнат кўникмалари аниқланган. Уларнинг меҳнат қилиш, эшитиш, сукут сақлаш қобилиятлари махсус усуллар ёрдамида синаб кўрилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, синовнинг ўзига хос усуллари шахсни жамият ҳаётига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган[105].



1908 йилнинг январида Бостон (АҚШ) шаҳрида, ўсмирларга ўз ҳаёт йўли ва меҳнат турини танлашга ёрдам берувчи ёшларни касбга йуналтириш маркази ўз ишини бошлаган. Бу ташкилот ёшларни муайян касб-ҳунарга йўналтириш ишлари билан шуғулланган. Бундай ташкилотлар Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда ҳам ташкил этилган.

Шу даврда Англияда махсус вазирлик рухсати билан 17 ёшдан кичик бўлган ўқувчиларнинг касб танлашига маслаҳат ёки кўпроқ амалий характердаги маълумотлар билан ёрдам кўрсатувчи муассасалар ҳам очилган. Бу ерда 1911 йилда меҳнат биржаларининг таълим муассасалари ҳамкорлигини йўлга қўювчи махсус ахборотномаси таъсис этилган.

1922 йилда Германияда ёшларни касбга йўналтириш ва уларга маслаҳат бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинган.

Россияда эса ёшларни касбга йўналтириш ишлари XX асрнинг дастлабки йилларида амалга оширила бошланди. Москвадаги “Ўқитувчилар уйи”нинг Педагогика музейида турли типдаги мактаблар ўқувчиларининг касб танлашига оид қатор изланишлари амалга оширилган. Бунда асосий эътибор қайси касб-ҳунарга талаб мавжудлиги, уларни танлашда ўқувчилар нималарга таянишлари ўрганилган.

1927 йилда Ленинградда ташкил этилган касбий маслаҳат ташкилотида илмий-амалий изланишлар амалга оширилган.

Касбга йуналтириш ишларининг илмий-педогогик асосларини ишлаб чиқишга психолог П.П.Блонский[31], А.С.Макаренко[90] каби рус олимлари муҳим ҳисса қўшганлар. Улар ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларининг психологик-педагогик асосларини ишлаб чиқиш, бу тизимни тараққий эттириш, унинг кейинги ривожи учун илмий асосланган тавсиялар яратдилар. Ўша даврда касбга йўналтириш ишлари политехник таълим, меҳнат таълим-тарбияси билан узвийликда амалга оширилган.

Ўтган XX аср 30 йилларининг бошларида касбий маслаҳат ва касбга йўналтириш Марказий лабораторияси ташкил этилган, 1932 йилга келиб собиқ иттифоқда бундай лабароториялар сони 50 дан ошган эди.

Ўтган XX аср 50 йилларининг бошларида Республикамизда ўқувчи-ёшларни касбга йуналтиришга бўлган эътибор кучайди.

Бунинг натижасида муайян йўналишдаги илмий-педагогик ёндашувлар вужудга келди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳамда жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда меҳнат ва касбга йўналтириш ишлари муайян режа асосида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, меҳнат ва касбга йўналтириш соҳасида ҳам муайян ёндашувлар, қарашлар вужудга келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[11] белгиланган йўналишлар билан боғлиқ ҳолда, ўқувчиларда меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантириш орқали уларни ижтимоийлаштириш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шунга кўра ушбу масала долзарб педагогик муаммо сифатида ўз ечимини кутмоқда.

Ҳозирги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида эркин, фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол қатнашишга тайёрлаши лозим бўлган таълим-тарбия жараёнининг ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан ўқувчиларга илм-фан асосларини ўргатиш, уларда юксак онглилик ва фуқаролик ҳиссини таркиб топтириш, миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларини сингдириш, ижтимоий ҳаёт ва меҳнат, касб танлашга тайёрлаш таълим жараёнининг муҳим вазифаларидандир.

Касбни тўғри танлаш инсон турмушидаги муҳим қадамдир. Шахснинг бутун ҳаёти давомидаги муваффақиятлари кўп жиҳатдан у қанчалик тўғри касб танлаганлигига боғлиқ.

Тўғри касб танлаш ҳар бир мактаб ўқувчисининг қизиқишлари, мойиллиги, қобилияти ва имкониятларига боғлиқ. Шахснинг амалга ошираднган фаолияти унинг соғлиги, жисмоний кучи, билимларни қанчалик ўзлаштирганлиги ва ҳиссиётларига мутаносиб бўлиши керак. Булар келажакда ижтимоий фойдали меҳнат унумдорлигини таъминлаш имконини беради.

Инсон бажараётган ишларига ижодий муносабатда бўлиб, меҳнат унумдорлигини доимо ошириб борса, танлаган касбига қизиқиш билан қараса, ўз ишининг ижтимоий аҳамиятини тушунса, унинг муайян меҳнат турига оид кўникмалари такомиллашса у ўз меҳнати самарасидан қониқиш ҳосил қилади.

Ўқувчилар онгли равишда, ижтимоий аҳамиятини англаган ҳолда касб танлашлари мақсадга мувофиқ. Уларнинг касб кўникмала-



ри жамият манфаатларига мос бўлиши, шу билан бир қаторда шахсий эҳтиёж ва манфаатларини ҳам қондириши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқувчилар мактабда ўзлари танлаган касбларининг илмий асосларини эгаллашга киришадилар. Бугунги кунда барча касбларнинг илмий асослари жадал такомиллашиб бормоқда. Меҳнат ва махсус касбий кўникмаларни шакллантириш имкониятлари тобора кенгаймоқда.

Фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал тараққий этаётганлиги жамият аъзоларидан интеграл билимларга эга бўлишни талаб қилмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг бир томондан эҳтиёж ва қизиқишлари, иккинчи томондан жамият талабларига мос келадиган касбларни танлашлари учун мактаб таълими жараёнида қулай имкониятлар яратилиши лозим. Мактабда технологик таълим бериш жараёнида ўқувчиларни касбга йўналтириш устида мунтазам иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Касбга йўналтириш ўқувчиларга технологик таълим бериш жараёни билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ўқувчи-ёшларда жамият ҳаётини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган меҳнат турларига нисбатан ижобий майл уйғотиш муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Ижодкорлик шахс фаолиятининг ўзига хос жиҳатидир. У шахсни ҳар томонлама ривожлантириш имкониятига эга. Бизнинг жамиятимизда инсонни ҳар томонлама камол топтириш учун ижодий имкониятлар ва ресурслар етарли даражададир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни таълим жараёнида ижодий меҳнатга қизиқтириш муҳим аҳамиятга эга. Улар дастлаб ўйинлар жараёнида жамият аъзоларига хос бўлган ижтимоий меҳнат кўникмаларини эгаллашга киришадилар. Бу жараёнда ижодий фаолият кўрсатишга интилиш, катталар меҳнатига тақлид қилиш, ижтимоий меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришлари учун ўқитувчилар таълим жараёнида қулайлик яратишлари лозим. Таълим жараёни ўқувчиларни меҳнат фаолиятига ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш учун қулай восита сифатида хизмат қилади.

Меҳнат кўникмаларини тушунарли, қулай ва образли шаклларда ўқувчиларга сингдириш, уларни ўраб турган, жамият аъзолари фойдаланаётган барча нарсалар инсон меҳнати билан вужудга келганлиги, меҳнатсиз жамият ҳаётида фаровонликни таъминлаб бўл-

маслигини англатиш зарур. Ўқувчиларни касбга йўллашда уларнинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, истеъдодларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчиларда касблар, уларнинг ижтимоий аҳамияти, иқтисодий моҳияти ҳақидаги билим ва тасаввурлар ҳамда умумтехнологик кўникмаларни ҳосил қилмасдан, уларда касб танлаш соҳасида эркинликни таъминлаб бўлмайди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини завод, фабрикалар, фирмалар, қишлоқ хўжалик объектлари билан бевосита таништириш орқали уларни касбга йўналтириш зарурлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу ҳолат жамиятда янги касбларга нисбатан эхтиёжнинг кучаяётганлиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келмоқда.

Бугунги кунда республикамизда юзлаб қўшма корхоналар вужудга келтирилиб, янги меҳнат турларини эгаллашга эхтиёж туғилмоқда, янги касблар вужудга келмоқда. Бу эса, ўқувчиларни мазкур каблларга йўналтириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ўқитувчилар нафақат технологик таълим дарсларида балки турли ўқув предметларини ўқитиш жараёнида мавзу тақозоси билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларни янги касбларнинг тавсифномалари, уларнинг ижтимоий аҳамияти билан таништириб боришлари лозим. Янги касблар фермерчилик, тижоратчилик, дизайнерлик, маркетинг хизмати билан шуғулланувчилар, автомобилсозлар, компьютер технологияларига талаблар йил сайин ортиб бормоқда.

Ўқувчилар йўналтирилган касбларни амалда танлашлари, унга меҳр қўйишлари, сирларини эгаллашга интилишлари, ушбу касб ҳақида аниқ билим ва тасаввурга эга бўлишлари керак. Бунга таълим жараёнида касблар ҳақида аниқ маълумот бериш орқали эришилади ҳамда касбий билимлар, уларнинг илмий асослари, айникса, жамият учун ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат билан чамбарчас боғланган технологик таълим асосларини чуқур ва мустаҳкам эгаллаш натижасидагина эришиш мумкин.

Ҳар қандай касбнинг муҳим жиҳати, унинг ижтимоий фойдали аҳамият касб этишидадир. Шунга кўра, ўқувчиларда меҳнатсеварлик, меҳнат қадриятларига ҳурмат, муайян касбга нисбатан муҳаббат уйғотиш уларни касб танлашга тайёрлашнинг дастлабки



муҳим босқичидир. Мактабда ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш одатда бошланғич синфлардан бошланади. Ана шу пайтдан эътиборан ўқувчиларни бўлғуси касбни танлашга тайёрлаш амалга оширилиши лозим. Бунда уларнинг қизиқишлари, майллари, қобилиятлари ва имкониятларини мунтазам равишда ўрганиш зарур. Касб танлашда хато қилмаслик учун ўқувчиларга ўқитувчилар ва ота-оналар яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ўқувчилар ақлий, жисмоний, ахлоқий, меҳнатга оид ва шу билан бирга технологик билимларни ўзлаштириб, шу асосда ўзларини касбий фаолиятга тайёрлашлари мумкин. “Ким бўлсам экан?”, “Қандай касбни эгалласам яхши бўлади?” муаммоси билан биргаликда ҳал қилиниши аҳамиятлидир. Таълим жараёнида касбга йўналтиришга оид ишларни мунтазам ва изчиллик асосида олиб борилиши керак.

Сўнгги йилларда республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтириш соҳасида мактаб, оила ва ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланмоқда. Бу соҳада мавжуд бўлган тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш эхтиёжи вужудга келмоқда.

Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш муаммосига оид эълон қилинган асарларнинг танқидий таҳлили ва мавжуд тажрибаларни умумлаштириш натижасида ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш муаммосини илмий жиҳатдан ечиш зарурияти мавжудлиги аниқланди. Бунинг учун:

а) ўқувчиларни замонавий касбларга йўналтириш орқали уларни ижтимоийлаштириш жараёнини педагогик жиҳатдан асослаш;

б) Республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳамда мил-лий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларни касбга йўналтириш орқали ижтимоийлаштириш тизимини белгилаш;

в) ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимо- ийлаштириш вазифаларини муваффақиятли ечиш учун 5-7; 8-9-синф ўқувчиларининг умуммеҳнат, технологик ва касбий билим, кўникмалари ўртасидаги узвийликни таъминлаш йўлларини аниқлаш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда иқтисодий жиҳатларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам иқтисодий билим асослари,



-13799/96-
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

технологик таълим асослари каби дарсларда замонавий касбларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти билан ўқувчиларни яқиндан таништириш тизимини белгилаш талаб этилмоқда. Шунингдек, замонавий ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни салоҳиятли, малакали мутахассислар билан таъминлаш муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратиш ҳам уларни ижтимоийлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

## 1.2-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш соҳасидаги ижтимоий-тарихий тажрибалар

Бугунги кунда ўқувчи-ёшларни ижтимоийлаштириш педагогиканинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Таълимнинг муҳим мақсадларидан бири – ўқувчиларни чуқур таҳлил асосида ўз-ўзини касбий аниқлашга йўналтиришдан иборат.

Касб танлаш ёки ўз-ўзини касбий жиҳатдан аниқлаш шахснинг жамиятдаги мавжуд мавқеини ойдинлаштиришига имкон беради. Бу эса ривожланаётган шахс ҳаётидаги асосий ечимлардан бири ҳисобланади. Касб танлаш инсон учун жуда кўп нарсаларни аниқлаш имконини беради. Айниқса, қандай касб эгаси бўлиши, қандай ижтимоий гуруҳга мансублиги, қаерда ким бўлиб ишлаши, қандай ҳаётий услубни аниқлаши кабилар шулар жумласидандир.

Ўқувчиларнинг касб танлаш мавқеини аниқлашнинг турли вариантлари мавжуд. Уларнинг барчаси касбий ўз-ўзини аниқлаш шахснинг танлов имкониятига эгалигини ифодалайди. Бунда таҳлил натижасида шахснинг ўзи ҳис этган ички имкониятлари амалда намоён бўлади. Касб танлаш ва ўқувчининг касб талабларига жавоб бериши орасидаги мутаносиблик муҳим аҳамият касб этади. Касб танлаш ҳодисасининг мазмуни иккиёқлама характерга эга. Бир томондан касб танловчи субъект, иккинчи томондан қайси касбни танлаши муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда субъект ҳам, объект ҳам кенг кўламли тавсифга эга. Бу эса ўз навбатида касб танлашнинг кўпқиррали ҳодиса эканлигини ифодалайди.

Касб танлаш турли босқичларга эга бўлган жараёндир. Мазкур босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Ижтимоий вазият, ўз муҳити ва воситалари, мансублик даражаси ташқи шарт-



шароитлар билан боғлиқ. Бу ўринда касб танловчи субъектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчининг касбий мавқени эгаллаши ўзига хос жараён сифатида баҳоланади. Бу эса шахснинг касбий фаолият кўрсатиш даврини яхлит тарзда ўз ичига олади. Касбий режалардан бошлаб касбий фаолиятга чиқишгача бўлган давр ушбу босқични ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, шахснинг касбий мавқени аниқлаш жараёни инсоннинг ҳаёт йўлини ўзида мужассамлаштиради. Мазкур босқичнинг бошланиши эса касбий танлаш жараёни ҳисобланади.

Педагогика ва психологияга оид манбаларда касб танлашнинг қандай шаклланиши ҳақида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Жумладан Авесто[22] хамда Ю.М.Асадов[26,27], Р.З.Асамова [28], Ш.Баротов[29], А.В.Беляев[30], П.Блонский[31], А.Ирисов[49], Е.А.Климов[53,54], А.Маслоу[59], О.Мусурмонова [64], С.Нишонова[65], М.Очилов[69], Р.Сафарова[75] Franco Clemente [89], С. Хасанов[92], Б.Х.Ходжаев[93], А.Зуннунов[105]каби олимларимиз томонидан тайёрланган манбалар мисол бўлиши мумкин.. Шунинг учун ҳам, бу масалада бир қатор нуқтаи назарлар илгари сурилган. Бу нуқтаи назарларнинг ҳар бирини ҳимоя қилиш учун ишончи далиллар мавжуд. Бу эса касб танлаш вазиятининг ўта мураккаблигидан далолат беради.

Бир қатор тадқиқотчилар касб танлашни фаолиятни танлаш жараёни сифатида таҳлил қилганлар. О.Абдуқуддусов[19], Б.А.Акбаров[23], Н.М.Борытко[32], К.Д.Давлатов[36,37], А.Жалолов[48], И.Каримов[51], Ш.Неьматов[66], Ю.М.Орлов[68], В.А.Ситаров[79], Ў.Тохиров[84,83] С.Усмонов[86], Х.Усмонов[87], Р.Р.Хакимов[91] М.М.Холмухамедов[94], С.Н.Чистякова[95], О.Қўйсинов[114-119]. Касбий жиҳатдан ўз-ўзини аниқлаш меҳнат кишисининг ривожланиш жараёни сифатида баҳоланади. Агар ўқувчи шахсининг руҳий-физиологик ривожланиши касб талабларига жавоб берса бундай шахс тўғри танловни амалга оширган ҳисобланади. Шундагина унинг ижтимоий мавқеи ва касбий фаолияти жамият равнақига хизмат қилади.

Кенг тарқалган ҳар бир нуқтаи назар шахс томонидан тўғри танланган асосий касб унинг касбий манфаатлари, қизиқишлари ва ҳаётий йўналишларини ифодалайди. Бир қатор мутахассислар касб танлашга шахснинг ижтимоий жиҳатдаги ўз-ўзини аниқлаш

имконияти сифатида ёндашадилар. Шунинг учун ҳам, касб танлаш муҳим ижтимоий вазифа бўлиб, танланган касбнинг ижтимоий тавсифи орқали ойдинлашади.

Касб танлаш соҳасидаги нуқтаи назарлар инсон ҳаётидаги муҳим ҳодиса сифатида изоҳланади. Ушбу ҳодиса аксарият руҳшунослар томонидан шахснинг ўз ҳаёт йўлини аниқлаш имконияти сифатида таҳлил этилади. Касб танлаш шахснинг мавжуд тажрибаси маҳсули бўлиб, касбий шаклланиш эса унинг истиқболини аниқлашга хизмат қилади. Бу фаолият инсоннинг ўзлигини намоён этиб, унинг бутун ҳаёт йўлини белгилашига асос бўлади.

Шахснинг касбий жиҳатдан ўз-ўзини аниқлашдаги фаоллиги, ўз-ўзини баҳолаши, биргаликда баҳолаш, жамиятдаги баҳоси унинг ҳиссий кечинмалари билан бевосита боғлиқ. Бу ўринда чуқур ўйланган фаровон ҳаёт ҳақидаги қарашлар, балки муваффақиятсизликлар ҳақидаги нуқтаи назарлар ҳам башорат қилиниши лозим. Ҳаёт маъносининг йўқолиши инсон ички оламининг зиддиятларга бой бўлиши касбий беқарорлик ҳам муваффақиятсизликка асос бўлишини ўқувчилар онгига етказиш лозим. Шунинг учун ҳам, ўқитувчилардан юқори даражадаги касбий маҳорат талаб этилади.

Ўқувчилар учун касбий жиҳатдан ўз-ўзини аниқлаш вазияти жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённи мураккаблаштирувчи ҳолатлардан бири – мазкур ҳолатнинг ўқувчиларнинг ички оламларига йўналтирилганлигидир. Шахсий сифатлар доирасида унинг ўз касбий мавқеини аниқлаши албатта онгли тарзда амалга ошиши муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларни касбий жиҳатдан ўз мавқеларини аниқлаш жараёнини маҳорат билан бошқариш, бу жараёнда янги педагогик технологияларни қўллаш алоҳида аҳамиятга эга. Педагог фаолиятининг маҳсули сифатида ўсиб келаётган ёшларнинг онгли, мустақил, ўз келажаклари ҳақида чуқур ўйлаган ҳолда касб танлашларига эришиш назарда тутилади.

Ўқувчи шахсининг касбий жиҳатдан ўз-ўзини аниқлаш жараёнига раҳбарлик қилиш ижодий жараён бўлиб, унда ностандарт вазифаларни ечиш назарда тутилади. Бу жараённи тартибга солиш алоҳида принциплар ёрдамида амалга оширилади. Бундай принципларни амалга татбиқ этиш учун ўқитувчининг ўз касбий идрокини ишга солиши зарур ҳисобланади.



Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи бир қатор касблар ва мутахассисликларни тайёрлашга бўлган заруриятнинг кучайганлигини кўрсатмоқда. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дастурларига ўқувчиларни муайян ихтисосликларга йўналтирувчи билимларни сингдириш ва бу соҳада кенг тарқалган педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни муайян касблар ва ихтисосликларга йўналтириш вазифаси янада долзарблашмоқда. Бунинг учун махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар раҳбарлигида ўқувчиларнинг лойиҳачилик лаёқатларини ривожлантириш устида тизимли ишларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларни касбий тайёрлаш жараёни олдига янги мақсадлар ва вазифалар қўйилмоқда. Мазкур мақсадлар доирасида ўқувчиларнинг умуммеҳнат ва махсус касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига замин яратилмоқда.

Таълим мазмунига янги касбий билим, кўникма ва малакаларнинг сингдирилишидан кўзланадиган асосий мақсад – ўқувчиларни янги ижти- моий-иқтисодий шароитларга мослаштиришдан иборат. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни табақалаштирилган ёндашув асосида онгли тарзда касбий ўз-ўзини аниқлашга йўналтиришга қаратилган.

Ўқувчиларнинг касбий-шахсий жиҳатдан ўз мавқеларини аниқлашлари кўплаб умумий жиҳатларга эга. Уларнинг иккита умумий фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Касбий жиҳатдан ўз мавқеини ойдинлаштириш нисбатан аниқ тушунча бўлиб, уни расмийлаштириш лозим. Ўзининг шахсий мавқеини аниқлаш эса, ўта мураккаб тушунча бўлиб, уни расмийлаштириш имконсиздир. Ўқувчиларнинг ўз касбий мавқеини аниқлаштириши ташқи, қулай шароитларга боғлиқ. Шахсий мавқеини аниқлаш эса, ўқувчининг ўзига боғлиқ ҳолатдир.

Ривожланаётган шахсни ижтимоийлаштиришга оид ёндашувлар кўплаб педагоглар ва психологларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Ўқувчиларнинг турли майлларини педагогик қўллаб-қувватлаш тизимида педагогик ҳамда психологик ёндашувларга уйғун тарзда таяниш талаб қилинади.

Ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш асосида уларни ижтимоийлаштириш жараёнининг таҳлили ва унинг мазмуни-

га нисбатан олимлар орасида турлича қарашлар мавжуд., Э.Ғозиев[120], Г.М.Андреева[25] С.Хасанов[92], Б.Х.Ходжаев[93], У.А.Қосимов[113], К.Ҳошимов[122]ларнинг таъбирича, ўқувчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш педагогик жараёндир. Ўқитувчилар ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида ижобий мавқени эгаллайдилар. Мазкур ўринда ўқувчиларнинг имкониятлари ўз-ўзини баҳолаш омили сифатида хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларга қувватлари ва лаёқатларини синаб кўришга кўмаклашади. Мазкур жараёнда ўқувчи ўз хатоларидан узоқлашишга ҳаракат қилади. Ўқитувчи буни ўз вақтида сезиши ва ўқувчини муваффақиятсизликларга учраган вазиятларда қўллаб-қувватлаши лозим.

Р.Сафарова[76], Б.Маъмуров[60], Х..Тожибоева[81]ларнинг таъкид- лашларича, ўқувчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш остида юқори касбий маҳоратга эга бўлган педагогларнинг ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолияти тушунилади. Шу маънода ўқитувчилар ўқувчиларнинг мавжуд муаммоларини ечишлари учун уларга огоҳлантирувчи характерда жадал тарзда кўмак кўрсатадилар. Бунда улар ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний саломатликлари ва турли майлларини ҳисобга олган ҳолда улар билан мулоқотга киришадилар, ўқув-билув жараёнида муваффақиятли ҳаракат қилишларига кўмаклашадилар. Шу асосда ҳаётий ҳамда касбий мойилликларини аниқлашга муваффақ бўладилар. Натижада ривожланаётган ўқувчи шахси ўқитувчилар томонидан ижобий тарзда қўллаб-қувватланадилар ва ижтимоий ҳаётга мослаштириладилар. Бунинг натижасида уларда ўз мақсадлари сари мустақил ҳаракат қилиш ва муваффақият қозонишга интилиш истаги вужудга келади.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш муаммосини назарий жиҳатдан асослаган мутахассислардан бири Н.Эгамбердиева[103], О.С. Газман[34] нинг таъбирича, ижтимоийлаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчиларга кўрсатиладиган кўмак улардаги муайян тўсиқлар, қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларда мавжуд бўлган аниқ лаёқатлар, қувватларни ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоийлаштириш жараёнида кўрсатиладиган педагогик ёрдамнинг йўналишларини белгилаши лозим. Бунинг натижасида ўқувчиларда мустақил фао-



лият кўрсатиш ва мазкур жараёнда муваффақиятларга эришиш майллари ҳосил бўлади.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг ғоявий асослари ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик фаолиятнинг меъёри сифатида турли назарий ёндашувлар таъсирида шаклланади. Мазкур ёндашувлар фалсафий, педагогик, психологик билимлар негизида вужудга келади.

Ўқувчи шахсининг мустақиллиги ҳақидаги етакчи ёндашувлар уларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай таълим жараёни ўқувчиларнинг мустақил ривожланишлари ва билим олишлари учун қулай шароитни вужудга келтиради. Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик фаолият уларга индивидуал ёндашиш асосида муайян вазиятларни ҳосил қилган ҳолда ташкил этилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятини ойдинлаштириш унинг мавжуд кўламини торайтирмайди, балки кенгайтиради. Муайян мақсадга йўналтирилган педагогик қўллаб-қувватлашгина аниқ натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Бундай фаолиятнинг мақсадлари, усуллари ва мантиқий асослари ўзаро мувофиқ келади. Чунки педагогик жараённинг муваффақияти кўп жиҳатдан шахсга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг амалга оширилишига боғлиқ. Замонавий педагогиканинг ўзига хос хусусиятидан бири ҳам ўқув-тарбия жараёнига фаолиятли ёндашувни татбиқ этишдан иборат.

Педагогиканинг психология, социология, антропология ҳамда фалсафа билан уйғунлашуви унинг марказида таълим жараёни субъектлари бўлган шахс ва унинг ижтимоий фаолияти туриши ифодасидир. Чунки ҳар қандай шахс ўзининг фаолияти орқали жамият ҳаётига мослашади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёни олдида турган муайян вазифаларни ечиш учун фаолиятнинг аниқ турларини амалга ошириш талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан қараганда шахсни ижтимоийлаштириш педагогикада алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришда ўқитувчи самарали ва ишчан мулоқот ўрнатиш жараёнининг марказида туради. У ўқувчилар

билан амалга ошириладиган диалогнинг асосий моҳиятини белгилаб берувчи шахс ҳисобланади.

Р.Х.Джураев[40], О.С.Газман[34], Р.Сафарова[75], Э.Ғозиев[120,121], Б.Маъмуров[60], М.Абдуллажонова [18], Х.Тожибоева[81], Х. Фрагулис[88], Н.М.Эгамбердиева[103], Г.Энтони[35], О.Хайитов[90], У.А.Ўринов[112]лар ижтимоийлаштириш муаммосини ўрганар эканлар, диалог жараёнида субъектларнинг эгаллаган мавқеига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини уқтирганлар. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: таълим жарёнида ўқувчиларни муваффақиятли ижтимоийлаштириши учун ўқитувчи қандай мавқени эгаллаши лозим?

Мазкур жараёнда ўқитувчининг педагогик мавқеини биринчи навбатда, таълим мақсади белгилаб бериши керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчилардан Ўзбекистон давлати ва жамиятининг таълим-тарбия тизими олдига қўйилаётган ижтимоий буюртмаси моҳиятини чуқур англаб етишлари талаб қилинади. Ўқитувчилар ижтимоий буюртманинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда муайян касбий майлларни шакллантиришлари ва уларнинг танловини педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари талаб этилади. Бу қатъий режалаштирилган муайян педагогик фаолият орқали амалга оширилади. Ўқувчиларда аниқ касбий майлларни ҳосил қилиш учун дастлаб уларда ўз кучига қатъий ишонч туйғуси таркиб топтирилади. Ўқувчиларда қатъий ишончни қарор топтириш жараёнида ижтимоийлаштиришнинг мазмун-моҳияти ойдинлашади.

Ўзининг алоҳида ривожланиш йўли, майллари ва индивидуал таълим траекторияси мавжуд бўлган ўқувчиларни ижтимоийлаштириш таълим жараёнида тезкор кафолатланган натижа олиш имконини беради.

Педагогик фаолиятни индивидуаллаштириш ва ижтимоийлаштириш масаласи уни самарали ечиш учун мазкур мақсадга йўналтирилган педагогик жараённинг мақсади ва воситаларини аниқлашни талаб этади. Агар бугунги кунда ўқувчиларни ижтимоийлаштириш Ўзбекистон таълим тизимининг асосий мақсади эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, педагогик фаолият жараёнида уларнинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу асосдагина ўқувчиларга ўзбекона ҳамда умуминсоний маданиятга оид билимларни сингдириш,



ўзбек халқининг ижтимоий тажрибасини тақдим этиш ва мазкур жамият учун мақбул бўлган хулқ-атвор кўникмаларини таркиб топтириш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий маданият Ўзбекистон жамиятининг асосини ташкил этади, ўқувчи эса, ижтимоийлашмасдан, яъни мазкур маданиятнинг

ўзига хос жиҳатларини ўзлаштирмасдан туриб жамият ҳаётига мослаша олмайди.

Агар таълимнинг мақсади ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ҳамда бу жараёнда уларни педагогик қўллаб-қувватлашдан иборат бўлса, улар муайян касбий майлларга эга бўлган ҳолда аниқ фаолият турларини ўзлаштиришга тайёрланишлари лозим. Улардаги касбий майллар шахсий, субъектив ва ижтимоий характерга эга бўлади.

Педагогик фаолиятни ўқувчиларни ижтимоийлаштириш мақсадларига йўналтириш асосида уларнинг истиқболдаги фаолият- ларининг натижаси ўқитувчилар ҳамда ота-оналар томонидан башорат қилинади. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, кўпгина ота-оналар ва ўқитувчилар битирувчиларнинг келажакда олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришларини ҳохлайдилар ва уларни шунга тайёрлаш мақсадини ўз олдиларига қўядилар. Шу мақсадда ўқитувчилар ўзлари назарда тутган олий таълим муассасаларига кириш имконини берадиган билимларни ўзлаштиришга хизмат қиладиган вазиятларни яратишга интиладилар. Бу жараёнда ўқувчиларнинг касбий майллари, қизиқишлари нафақат ота-оналар, балки синф раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларининг эътиборидан четда қолиб кетади[42; 33-б.].

Бугунги кунга келиб ижтимоий вазиятлар тубдан ўзгармоқда. Шунинг учун ҳам, аввалги ижтимоийлаштириш механизмлари таълим жараёнида кутилган самарани бермаяпти. Мазкур вазиятларда ўқитувчилар ўқувчиларнинг касбий майлларини аниқлаш асосида уларни ижтимоийлаштиришда муайян тўсиқларга дуч келмоқдалар. Шу билан бир қаторда, кўпгина ота-оналар ва ўқитувчилар ўқувчиларнинг майллари, лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоийлаштириш жараёнини ташкил этишни ҳохламаяптилар. Бунинг натижасида ўқувчилар муайян вазифаларни бажаришга мослашмаяптилар[42; 33-34-б.].

Ўқувчиларнинг касбий майлларини ҳисобга олган ҳолда ижти-

моийлаштириш шахсий, ижтимоий, иқтисодий, педагогик аҳамиятга эга бўлган зарурият бўлиб, бундай заруриятни амалга ошириш, биринчи навбатда, ўқитувчилардан алоҳида касбий тайёргарликка эга бўлишни талаб қилмоқда. Бунинг учун ўқитувчилар шахсни ижтимоийлаштириш принципларини яхши билишлари лозим. Шундагина ўқитувчилар ўқувчиларга ўз ҳаётий муаммоларини мустақил ечиш ва жамиятда эркин фаолият кўрсатиш кўникмаларини самарали шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги қийинчиликларини аниқ билишлари, улар билан дўстона мулоқот ўрната олишлари, саломатликларини муҳофаза қилиш кўникмасига эга бўлиш- лари, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари, ўз мавқеларини мустақил аниқлашлари, рўёбга чиқаришлари, ўз фаолиятларини ташкил этишлари ва ижтимоий ҳаётга мослашишларига кўмаклашишлари талаб этилади. Бунинг учун педагогика фанида ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ҳолатлар назарий жиҳатдан асосланиши ва ривожлантирилиши керак.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш лаёқатига эга бўлган ўқитувчилар биринчи навбатда, уларни бир бутун, яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида идрок эта олишлари керак. Ўқувчиларни яхлит ижтимоий педагогик ҳодиса сифатида идрок этмасдан туриб, ўқитувчи уларнинг муаммолари кўламини аниқлай олмайди. Ўқувчиларнинг муаммоларини аниқлаш асосида уларнинг қийинчиликлари, дуч келадиган тўсиқлари, уларни батараф этиш шарт-шароитларини ойдинлаштириш мумкин. Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида уларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали барча имкониятларини рўёбга чиқариш имконияти вужудга келади.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш билан боғлиқ педагогик вазифаларни ечишда уларнинг муаммоларидан лаёқатларини излаш жараёни сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ўринда назарий таҳлилий фаолиятдан аниқ вазиятларга чиқиш механизми сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тизимда таҳлил мавжуд воқеликнинг сабаб-оқибатларини аниқлаш имконияти сифатида намоён бўлади. Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнини лойиҳалаш эса мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг шарти сифатида мавжуд вазиятларни қайта қуриш ва муаммони ечиш жараё-



нида ўз-ўзини бошқаришга ўтиш имкониятини беради.

Ўқувчи учун муаммоларининг ечими нафақат босимларни босқичма-босқич бартараф этиш, балки унинг ҳолатини яхшилаш ҳамдир. Бироқ, мазкур ўзига хос жараён бир қатор машқларни мужассамлаштиради. У ўйин жараёнида зиддиятларни сунъий тарзда вужудга келтириш асосида махсус ташкил этилмаслиги керак, балки ўқувчи ҳаётий фаолиятининг аниқ вазиятларини намоён эта олиши лозим. Ўқувчи муаммоларини ечишнинг ҳар бир аниқ вазияти унинг фаоллиги натижасида вужудга келтирилади. Бу эса ўқувчининг ўзига нисбатан шахсий муносабатни амалга оширишга йўналтирилган ижобий тажрибасини ифодалайди. Ўқувчи ўқув-билув фаолиятининг субъекти сифатида муайян вазиятларни бошқариш кўникмасига эга бўлади. Бу жараёнда у мавжуд ҳолатни ўз ихтиёри, ҳохиш-истаклари ва фаоллиги билан қарама-қарши қўя олиши керак.

Ўқувчининг муаммоларини асосий омил сифатида ажратиш асосида уларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик кўмак ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш талаб қилинади. Муайян ўқитувчининг аниқ бир ўқувчи билан амалга оширадиган индивидуал фаолияти педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатини ажратиш имконини беради. Ўқитувчи ўқувчилар олдига муайян вазифалар қўйиши ва уларнинг жадал ривожланишларини таъминлаши лозим. Ўқувчиларнинг тараққиёти таълим-тарбия жараёнида уларнинг интериоризацияси жараёнида ривожланади. Барча ташқи таъсирларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчи сифат жиҳатдан янги меъёрларни ўзлаштиради ва уларга амал қила бошлайди. Ёшлари улғайган сари ўз мақсадлари, фикрлари, касбий танловларига эга бўлиб, фаол ҳаракатланадилар. Бунда уларни ҳаракатлантирувчи омиллар асосан ташқи таъсирлар эмас, балки ички қувватларнинг қўзғалиши билан белгиланади.

Ўқувчилар муаммоларга дуч келганларида улардаги ички қўзғалишлар улардан қутилиш истагини уйғотади. Ўқитувчи буни ўз вақтида илғаган ҳолда уларнинг муаммоларини дидактик вазиятларга кўчира олиши ва мазкур қийинчиликларни бартараф этишда ўқувчиларга кўмаклашиши керак. Дидактик вазиятлар ўқувчи муаммоларини ечишнинг маданий, педагогик характердаги воситасидир.

Педагогик қўллаб-қувватлаш ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик жараёнларда ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Таълим-тарбия жараёни ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини ечишнинг энг самарали воситасидир. Чунки таълим-тарбия ўқувчиларни самарали ижтимоийлаштириш жараёни бўлиб, педагогик қўллаб-қувватлаш эса ўқувчиларга индивидуал ёндашиш имкониятидир. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни уларни педагогик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган, аниқ мақсадга қаратилган педагогик фаолиятдир.

Педагогик қўллаб-қувватлаш ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган таълим жараёнида алоҳида ўринга эга. Педагогик қўллаб-қувватлаш ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ва индивидуаллаштиришни мувофиқлаштирувчи ўзига хос омилдир. Бу таълим жараёни субъектларининг ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида бир-бирларига интилишларини ифодалайди. Ўқувчи ҳаётий фаолиятининг таркибий қисми бўлган қийинчиликларни бартараф этиш ва ўқув-билув фаолиятини самарали ташкил қилиш орқали уларни ижтимоийлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда ўқитувчи ўз фаолиятини амалга оширишда тўсқинлик қиладиган омилларни бартараф этишга интилади. Шу асосда ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ҳамкорликдаги ўқув-тарбия жараёни ташкиллаштирилади. Унда ўқувчилар ўқийдилар ва ўзлаштирадилар, ўқитувчилар эса ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнини бошқарадилар.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида уларни педагогик қўллаб-қувватлаш таълим мантиқи билан педагогик фаолият орасида вужудга келадиган табиий ижтимоий зиддиятлардир. Таълим жараёнида ўқувчилар билан мулоқотга киришиш асосида ўқитувчи уларни миллий ҳамда умуминсоний маданият ёрдамида тарбиялайди. Худди мана шу ўринда ўқувчиларни ижтимоийлаштириш билан уларга индивидуал ёндашишнинг мантиқий асослари намоён бўлади. Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг моҳияти уларни фаоллаштириш мантиқини ифодалайди. Бундай тажрибалар ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан тақдим этилади. Ўқувчиларга индивидуал ёндашишнинг моҳияти эса, уларнинг эркин танловларни амалга оширишлари, ўз истакларига асосланган ҳолда шахсий фикрларини баён этишларини ифодалайди. Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида, биринчи навбатда, улар олдига қўйиладиган мажбуриятларни англашларига кўмаклашилади.



Педагогик ҳамкорликка асосланган ижтимоийлаштириш жараёнида танқидийлик устувор ўрин эгаллайди. Ўқитувчилар ҳамкорликдаги педагогик вазиятларга танқидий ёндашиш асосида ўқувчиларнинг муаммоларини таҳлил қиладилар ва уларни бартараф этиш йўлларини излайдилар. Муаммоларни ечиш жараёнида ўқувчиларни педагоигк қўллаб-қувватлаш вазияти вужудга келтирилмаса уларнинг муаммолари мураккаблашиб, мазкур зиддиятларни бартараф этиш имкониятлари пасаяди.

Таълим-тарбиявий вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш муаммоларнинг олдини олувчи, огоҳлантирувчи характер касб этади. Шу асосда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ҳамкорликка асосланган дўстона муносабат ўрнатиш имконияти вужудга келади.

Педагогик қўллаб-қувватлашнинг огоҳлантирувчилик аҳамияти ўқувчилардан уларнинг истакларига қарши ҳаракатларни талаб қилишдан иборат эмас. Ўқитувчининг қўллаб-қувватловчилик вазифаларини бажариши ўқувчиларни ўз олдида турган тўсиқлардан ва унинг яширин жиҳатларидан хабардор қилишдан иборат. Шундагина ўқувчи мулоқот ҳамда ўзаро муносабатларда ўқитувчи ва синфдошлари билан субъект-субъект муносабатларига кириша олади. Мазкур тўсиқларнинг шакли турли-туман бўлиши мумкин. Жумладан, муайян ҳодисанинг асосий моҳиятини тополмаслик, аниқ танловга эга бўлмаслик каби.

Ўқитувчи ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга киришар экан, дастлаб улар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириши ва барқарорлаштира олиши керак.

Ўқувчи ўзининг шахсий муаммоларини аниқ кўриб, ҳис этмагунига қадар ташқи ҳаракатларга жавоб қайтара олмайди. Ўқитувчилар ҳақида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Агар ўқитувчи ўқувчиларда мавжуд бўлган муаммолар кўламини тасаввур эта олмаса, ўз фаразлари, тахминлари асосида бирёқлама ҳаракат қилади. Ваҳолангки, ўқитувчининг бирёқлама тасаввурлари ўқувчиларнинг мавжуд муаммоларидан узоқ бўлиши ҳам мумкин. Бунда ўқитувчининг фаолияти педагогик ҳақиқатдан йироқ

бўлиб, ўқувчиларни ижтимоийлаштириш механизмларидан бехабарлигича қолади. Худди мана шу ўринда ўқитувчи билан ўқувчилар орасида бир-бирларидан узоқлашиш ва зиддиятлар вужудга келади.

Шу нарса аёнки, педагогик амалиёт тўғридан-тўғри педагогик билимлар билан боғланмаганлиги туфайли ўқитувчи ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга оид фаолиятни амалга оширишга қийналмоқда. Ўқитувчи ўқувчиларни самарали ижтимоийлаштириши ва уларнинг касбий танловларини амалга оширишларига кўмаклашиши учун педагогик билимларни чуқур идрок эта олиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларни самарали ижтимоийлаштириши учун ҳаётий вазиятларнинг тимсоллари ва моделларини лойиҳалаштириши ва ярата олиши лозим.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида уларни муваффақиятли қўллаб-қувватлаш учун ўқитувчиларда вазиятлар ҳақидаги моделлашган тасаввур шаклланган бўлиши талаб этилади. Бунинг учун олий педагогик таълим муассасаларида ўқитувчилар ўқувчиларнинг барча муаммоларига оид ижтимоий педагогика, психологияга оид билимлар билан қуроллантирилишлари лозим. Ўқувчиларнинг муаммолари ҳақидаги моделлашган тасаввур улар ҳис этган далиллар, ҳолатлар йиғиндиси эмас, балки муаммоларнинг манбаини ойдинлаштирувчи сабаб-оқибат боғланишлари, унинг мазмуни ва кўлами, унга жалб этилган одамлар ва фикрлар мажмуидир. Ўқувчиларнинг муаммолари ҳақидаги ўқитувчининг моделлашган тасаввури уни тўлиқ идрок этиш ва англаш, унинг ҳаётий фаолияти ҳақидаги аниқ далилларни кўз ўнгида гавдалантириш демакдир.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг муаммоларини ўрганиш асосида уларни ижтимоийлаштириш унинг сабаб-оқибатларини чуқур англаш, ўқитувчида ўқувчиларнинг муаммолари ҳақида ҳар томонлама чуқур кенг кўламли тасаввурнинг ҳосил бўлишига имкон беради. Шу тарзда ўқитувчи ўқувчиларни шахслараро муносабатнинг барча жиҳатларини амалга ошириш жараёнида ва ўқув-билув фаолияти давомида чуқур ўрганиш, унинг ижтимоийлашуви ва касбий танловларни амалга оширишига кўмаклашиш имкониятига эга бўлади. Бу ўқитувчига айрим бир қолипга тушиб қолган педагогик ёндашувлардан қутилиш имконини беради. Чунки бундай бирёқлама педагогик ёндашувлар ўқувчиларга ўқитувчиларнинг юзаки, бирёқлама қарашларига асос бўлиб келмоқда. Масалан, ўқувчиларнинг ўқув юкламалари билан ҳаддан ташқари банд бўлишлари ва толиқишлари уларда ялқовликни вужудга келтирса, турли таъсирларга сусткашлик билан муносабатда бўлиш ўқув материалларини мустаҳкам ўзлаштирмаслик, билимларнинг юзакилиги, хаёлларнинг мавҳумлиги натижасида содир бўлади.



Ўқитувчилар ўқувчиларнинг муаммоларига чуқур кириб боришлари натижасида мазкур муаммоларга уларнинг ўзлари нуқтаи назаридан туриб қарай бошлайдилар. Бунинг натижасида улар ўқувчилар билан тил топишадилар ва дўстона характердаги ҳамкорликка киришадилар. Ўқувчиларнинг муаммолари ҳақида моделлашган тасаввур ҳосил қилиш ўқитувчи учун ниҳоятда зарур бўлиб, бунинг натижасида таълим олувчиларни самарали ижтимоийлаштириш ва касбга йўналтириш имкониятлари кенгаяди. Бундай ёндашув асосида ўқувчилар учун ниҳоятда зарур бўлган ҳаётий вазиятларни моделлаштириш жараёни тезлашади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг муаммоларини тобора кўпроқ тушуна бошлайди ва уларга кўмаклашиш йўлларини излайди. Бунинг натижасида ўқувчилар ўз муаммоларини баъзан қисман, баъзан эса тўлиқ ечишга муваффақ бўладилар.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида педагогик қўллаб-қувватлашнинг моҳиятини аниқлашда уларни ижтимоийлаштириш ва мавжуд далилларга эътибор қаратишга ундовчи педагогик жараёнлар вужудга келтирилади. Улар сирасига:

– таълим-тарбия мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ва касбий танловни амалга оширишларини педагогик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган вазиятлар уларнинг муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилиши, бунинг учун ўқувчиларнинг муаммоли ҳолатлардан узоқлашишларига кўмаклашиш;

– ўқувчиларнинг тўлақонли ижтимоийлашишларига кўмаклашиш учун муаммоларнинг ечимига қаратилган таълимий вазиятларни вужудга келтириш, шу асосда уларда муаммоларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш тажрибасини шакллантириш;

– ўқувчиларнинг катталар билан ҳамкорлик қилишларини таъ-

минлаш ва бундай муносабатларни ижтимоийлашишнинг асосий омили сифатида талқин этиш;

– ўқитувчилар ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларининг ўқувчилар учун муайян аҳамият касб этишини таъминлашга эришишлари кабилар.

Ўқувчилар ва ўқитувчи орасидаги қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолият уларни боши берк вазиятлардан олиб чиқиб, бунинг натижасида муаммоли вазиятларда ўқувчи ўз-ўзига бўлган муносабатини аниқлайди. Бу фан ўқитувчиси билан ўқувчилар, синф раҳбари билан тарбияланувчилар орасидаги муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Ўқувчилар билан ўқитувчи орасидаги ҳамкорликни рўёбга чиқарувчи асосий воситалар сифатида билимлар, меъёрий кўрсаткичлар, фаолият моделлари, усуллари намоён бўлади. Ижтимоийлаштириш жараёнида мазкур воситалар ўқувчилардан узоқда мавжуд бўлмайди, унинг ўқув-билув фаолияти таркибини ташкил қилади.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида педагогик қўллаб-қувватлаш методидан уларга таълим-тарбия бериш воситаси сифатида ҳам фойдаланилади[72; 106-107-б.]. Бироқ, ўқувчиларни ижтимоийлашти-ришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг характери уларни ривожлантирувчи, келишувга асосланган муносабат шакли сифатида намоён бўлади. Бунинг натижасида ўқувчилар тўғри йўлни танлайдилар, ўз қарорларининг тўғрилиги учун масъулиятни зиммаларига оладилар.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида уларни педагогик қўллаб-қувватлаш натижасида аниқ натижаларни қўлга киритишга ўқитувчи ҳаракат қилиши лозим. Бундай натижаларни қўлга киритиш учун амалга ошириладиган ўқув жараёни ўқувчилар учун мароқли, самарали, тезкор ечимларни топиш имконини берадиган педагогик вазиятлардан иборат бўлиши керак. Бироқ, педагогик қўллаб-қувватлаш асосида эришиладиган натижалар ўқувчиларга ўз шахсий муаммоларини ечиш имконини бериши лозим. Бунинг учун ўқувчилар шахсий муаммоларини ечишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари, бунинг натижасида эркин касбий танловга эга бўлиш имкониятини қўлга киритишлари муҳимдир. Ўқувчилар ўқитувчининг қўллаб-қувватлаши натижасида аксарият нохуш ҳолатлардан узоқлашиш имкониятига эга бўладилар.



Бунинг натижасида улар ўзларининг шахсий ҳаракатлари, истиқболдаги ҳаётий режаларини лойиҳалаштириш имкониятини қўлга киритадилар. Мазкур жараёнда ўзлари дуч келадиган муаммоларни бартараф этиш асносида уларнинг оқибатларини башоратлаш, вужудга келадиган қийинчиликларга ечим излаш усулларини ўзлаштирадилар.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларни ижтимоийлаш-тириш жараёнида уларни қўллаб-қувватлаш натижасида таълим олувчилар ўргатувчи ҳамда тарбияловчи вазиятларга дуч келадилар. Бундай вазиятларда улар ўзларининг жараён субъектлари, жамият аъзоларига бўлган ижтимоий муносабатларини таркиб топтирадилар ва эркин касбий танловни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Муайян салбий ҳолатлар ва муносабатларнинг такрорланиши натижасида ўқувчилар мустақилликлари-нинг айрим жиҳатларини йўқотишга муваффақ бўладилар. Бундай вазиятларда ўқитувчиларнинг ўқувчилар мустақилликларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Бундай қўллаб-қувватлаш натижасида ўқувчилар ўз мустақилликларини мустаҳкамлайдилар ва дуч келган қийинчиликларни дадиллик билан бартараф этиш мавқеини эгаллайдилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларни ижтимоийлаштириш асосида уларнинг касбий танловга эга бўлишлари учун амалга ошириладиган педагогик қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифаси уларни индивидуаллаштириш ва ижтимоийлаштириш имкониятлари орасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат. Ўқувчилар ижтимоийлашиш натижасида жамият аъзолари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш, воқеаларни баҳолаш, ўзаро ҳамкорликка киришиш усулларини ўзлаштирадилар. Бу ўринда ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг уйғунлашган модели вужудга келади. Мазкур жараёнда ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ижтимоийлашиш ва индивидуаллашиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчиларнинг касбий ҳамда ҳаётий йўлларини танлашлари билан боғлиқ муаммолар улар ҳали ўз танловларининг оқибатларини бартараф этиш йўлларини англаб етмаган бир вақтда содир бўлади. Бу муаммолар иш фаолиятини бошлашлари, оила қуришлари, ижтимоий ҳаракатларни амалга оширишлари, моддий аҳволларини яхшилашлари ва маънавий ривожланишлари билан

боғлиқ. Дастлабки ўта муҳим мустақил қарорлар ўқувчиларнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган тажрибалари ва ўзлаштирган билимлари ҳамда ўзлари ва жамиятнинг истиқболи ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Болаларни меҳнат ва касб кўникмалари ёрдамида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалари Қурони Карим ва ҳадисларда ўз ифодасини топган. Алломаларимиз Кайковус, ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Баховуддин Нақшбандий, Алишер Навоийлар, ўз асарларида меҳнатни улуғлаганлар, ёшларни касб –ҳунарли бўлишга ундаганлар.

Аждодларимиз асарларида ёшларни ўз ҳаёт йўлларини танлашда хато қилишдан эҳтиёт бўлишга ундаганлар. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома”[50] асарида ҳунар эгаллаш ва у орқали жамиятга фойда келтириш ҳақида шундай дейилади: “Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур.

Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам ҳунар зевари бўлмаса, ундан баттарроқдур. Жаҳд қилғил, агар гавҳаринг ҳар нечаким асл бўлса, унга ғарра бўлмағил, нединким тан гавҳари ҳунар зевари била музайян бўлмаса, у ҳеч нарсага арзимагусидур. Андоқким дебдурлар:“Улуғлик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва насаб била бўлмас”.

Шу билан бир қаторда, улар ёшларнинг ўз келажаклари билан боғлиқ бўлган муаммоларни мустақил ечишлари зарурлигини ҳам уқтирганлар.

(1-иловага қаранг).

Ўрта асрда яшаб ижод этган Шарқнинг буюк алломаси Абу Наср Форобий[20] ўзининг қатор асарларида илм ва таълимнинг муқаддаслиги, хушахлоқлилик, садоқат, инсонийлик, меҳнат ва касб-ҳунар ўрганиш тўғрисидаги фалсафий, илмий ғояларни илгари сурди. Масалан: унинг “Рисола фит танбих асбоб ас-саодат” (“Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида” рисола), асарида ўзининг



яхши, мукаммал, бахтли жамият ҳақидаги орзуларини батафсил баён қилади. У номи кўрсатилган дастлабки асарида шундай ёзади: “Фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар...” [20; 79-б.].

Форобий “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола” асарида таълим-тарбия, меҳнат ва касб-ҳунар кишисининг фазилатлари тўғрисида шундай фикр юритади: “Таълим фақат сўз ва ўрганиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир. Агар улар шу касб-ҳунарга берилган бўлсалар, касб-ҳунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар” [20; 801-б.]. Демак, мутафаккир оқил жамият қуришда ҳам, баркамол шаклланган инсонларни тарбиялашда ҳам, миллат ва халқнинг равнақи ҳам касб-ҳунар ўрганиш ва ҳалол меҳнат қилиш зарурлигини уқтиради.

Марказий Осиёнинг, шарқнинг буюк алломаси, шуҳрати бутун оламга машҳур қомусий мутафаккир Абу Райҳон Беруний фан оламида, тафаккур хазинасида алоҳида ўринга эга бўлган илмий мерос қолдирди. Унинг “Минерология” (Қимматбаҳо тошларни билиш), “Ҳиндистон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”[21] каби асарларида тафаккурга, илмга, фалсафага, таълим-тарбияга, меҳнатга ва касб-ҳунарларни эгаллашнинг аҳамияти тўғрисида фикрлари баён қилинган.

Абу Райҳон Берунийнинг “Минерология” асарида, жумладан, шундай келтириб ўтилади: “Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши фароғат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо, улуғлик либосидан маҳрум, яланғочдир” [92; 21-б.]. Демак, меҳнатнинг таги роҳат, аммо, меҳнаткаш киши жуда катта амалдор бўла олмаслиги, жуда бой-бадавлат бўла олмаслиги мумкин, аммо, ҳузур-ҳаловатда яшайди. Беруний “Бизнинг мақсадимиз ўқувчиларни толиқтирмасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқийбериш зерикарли бўлади ва тоқатини тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ –роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади.

Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси келади. “Ҳар бир нарса роҳат бағишлайди” деб беҳуда айтилмаган”, -дейди у [92; 47-б.].

Шарқнинг улуғ билимдонларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” (Саодатга йулловчи билим) [104] номли асаридаги “Ойтўлди ўғли Угдулмишга панд беришини айтади” номли ҳикоятида касб-ҳунар ўрганиш соҳасида шундай ўгит ёзади: “Ўғил-қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу ҳунарлар билан феъл-атвор гўзал бўлсин” [103; 5-б.]. Демак, ота-оналарнинг бурчларидан бири фарзандлари ҳох ўғил бўлсин, ҳох қиз бўлсин, аввало, уларни ҳунарларидан хабардор қилсин, келгусида улар ана шуларни ўргангач, уларнинг феъл-атвори, одоб-ахлоқи ҳам гўзал бўлишига эришилади.

Маҳмуд Қошғарийнинг фикрича, тадбиркорлик, ўзаро аҳиллик, меҳнатсеварлик, қатьиятлилик қадим даврлардан бери инсоният улуғлаб келган хислатлардир. Маҳмуд Қошғарий[72] бу хислатларни юқори баҳолаб, ҳар бир кишига меҳнатнинг аҳамиятини уқтириб: “Эмгак экинда қолмас”- меҳнат бўш кетмайди” - деб ихлос билан қилинган меҳнатнинг зое кетмаслигини айтади[72]. Маҳмуд Қошғарий кишиларни бирлашиб, ўзаро кенгашиб меҳнат қилишга чорлайди.Олимнинг фикрича, кенгаш билан иш юритиш, ҳар бир ишда бошқалар маслаҳати ва тажрибасига таяниш яхши фазилатдир.

Амир Темур даврида қайта тикланган, Ўрта Осиёда ренессанс – сўнгги уйғониш даврининг маънавияти, маданияти йирик номоёдаларининг кўпчилиги ҳунар соҳиби ва касб эгаси бўлганлар. Масалан, совунгар – шоир Жавҳарий, тикувчи-шоир Мавлоно Ҳавофий, чодирдўз-шоир Мавлоно Мир Аргун Хамадуз, калавафуруш-Мавлоно Кабулий Газалфуруш, тасмадўз-Мавлоно Камардўз, бўйра тўқувчи уста Бисотий Самарқандий ва бошқалар устида ҳунарманд бўлиши билан бир қаторда ўз замонасининг етук алломалари ҳисобланганлар[92]. Ўша даврда ривожланган ва халқ орасида муқаддас қоида ҳисобланган “Илм ўрганишдан илгари, соҳиби ҳунар бўл”, деган ақида ҳозир ҳам муқаддасдир[92].

Соҳибқирон Темур ва темурийлар даврида маънавий-маданий юксалиш жуда кўп омиллар натижасида, яъни, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ғоявий жараёнлар уйғунлашиб, маданий юксалишга, руҳий тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилишига



олиб келди[105].

Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур Курагоний Сохибқироннинг фарзандлари бўлиб, ўзи ҳукмронлик қилган даврда Хуросон ва Мовароуннахрда маънавий тараққиёт, бинокорлик, меъморчилик ва санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди[123]. Мирзо Улуғбек ибн Муҳаммад Тарағай Соҳибқироннинг невараси бўлиб, отаси Шоҳрух Мирзо ва бобосининг бунёдкорлик ишларини бевосита давом эттирди ва илмий нужум, риёзиёт, фалакиёт, тарих, астрономия, фалсафа, мантиқ фанларнинг ривожланишига улкан амалий ҳисса қўшган буюк аллома ва давлат арбобидир. Унинг даврида Самарқандда расадхона қурилди, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар бунёд этилди, мадрасаларга ўша даврнинг йирик аллома ва фузалолари таклиф этилди ҳамда уларнинг илм-фан билан шуғулланишларига шароит яратиб берилди. У “Зижи Улуғбек – Зижи жадиди Курогоний”, “Рисолаи Улуғбек”, “Тарихий арба улус”, “Турт улус таърифи” каби йирик асарлар, кўплаб йирик илмий рисолалар муаллифи ҳамдир[123].

Хожа Мухаммад Баховуддин Нақшбандий (1318-1389), тасаввуф илмида “Нақшбандия” тариқатининг, яъни, бош ғояси “Дил-ба ёру-у, даст-ба кор” (Доимо кўнглинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин) бўлган тариқатнинг асосчисидир. Нақшбандлик тариқати давомчилардан ҳисобланган комусий олим Ёқуб Чархий (вафоти 1447) устози Хожа Баховуддин Нақшбандининг «Мендан нимайки сенга етган бўлса, сен бошқаларга етказ» деган ўғитларига содиқ қолиб, йирик асарлар яратди. У Куръоний Каримга тафсир ёзишидан ташқари «Рисолаи Унсия» (Дўстлик ҳақида рисола), «Ар-рисолат ул-Абдолия» (Абдол ҳақида рисола), «Рисола дар илмий Фаройиз». (Фарзлар ҳақида рисола), «Рисола ал-Акоид» (Акоид ҳақида рисола) каби кўплаб асарлар яратган йирик алломадир[72].

Темурийлар даврида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Қосимий Анвар, Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахшитош ал-Ғозий ас-Самарқандий, Хусайн Байқоро, Жалолиддин Мухаммад Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний, Камолиддин Хусайн Воиз Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Мир Муҳаммад ибн Саид Бурҳониддин-Ҳовандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд ал-Балхий-Мирхонд, Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Мумомиддин ибн Хўжа Жалолиддин Муҳаммад ибн Бурхониддин-Хондамир, Заҳириддин Муҳам-

мад Бобур каби йирик алломалар, қомусий, фузолалар ҳамда Камолиддин Беҳзод кабилар улуғ мусаввир, миниатюрасоз, иқтидорли санъаткорлар етишиб чиқди, яшаб ижод этди[105].

Умуман олганда, ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг меҳнат таълими ва тарбияси ҳақидаги педагогик қарашлари бугунги куннинг таълим соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг педагогик жараёнда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ бўларди.



# II БОБ. МЕҲНАТ ВА КАСБ КЎНИКМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

## 2.1-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнининг мазмуни

Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик фаолият ўзининг мазмунига эга (1-расмга қаранг). Ижтимоийлаштириш ўқув фанлари, технология таълими бўйича муайян билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади. Бунда ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш кўникмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. 8-9-синф ўқувчиларида ўз-ўзини тўғри баҳолаш қуйидаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади:

- ўз-ўзини ривожлантириш ва тўғри касб танлаш;
- истиқболда эгаллайдиган ижтимоий фаолиятини аниқ башорат қилиш.

Ўқувчилар касб танлашда дастлаб ахлоқий-ихтиёрий, кейин ақлий, энг сўнггида эса, ташкилотчилик сифатларига таянадилар. Ўқувчилар ҳам ўқитувчилар ҳам аксарият ҳолларда ўз-ўзини баҳолашнинг касб танлашдаги аҳамиятини англаб етмаяптилар. Уларнинг кўпчилиги ўз имкониятларини баҳоламасдан туриб юзаки тарзда касб танлаётганликларига гувоҳ бўламиз. Бу эса истиқболда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Унинг маънавий-маданий юксалишига путур етказади. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳақидаги тасаввурлари юзаки, режалари ва уй-хаёллари тахминий характерга эгалиги кузатилмоқда. Касб танлаш муаммоси биз кузатишга муваффақ бўлган ўқувчиларни жиддий ўйлантирмаяпти. (2-иловага қаранг).

Битирувчилар учун касб танлаш жиддий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қадамдир. Бироқ асосий муаммо шундаки ўқувчилар касбларнинг илмий асослари, амалий аҳамиятини яхши билмайдилар. Айниқса, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий аҳамияти ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиш муҳимдир.




**1-расм. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён модели**

Кўпгина ўқувчилар жамиятнинг ижтимоий талаблари, ундаги ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий ривожланиш тенденциялари ҳақида жуда кам маълумотга эгалар. Уларнинг жамият, унда шахснинг тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожланиши ҳақидаги билим ва тушунчалари кундалик муаммолар доирасидадир. Бу шундан далолат берадики, ўқувчиларга шахс ва жамият, унинг ижтимоий фаолияти ҳақида тизимли тарзда билим бериш ва тасаввур ҳосил қилиш зарур экан. Бу эса, ўқувчиларнинг тўғри касб танлашлари учун қулай имконият яратади.

Кўпгина ўқувчиларнинг ўзларига берган баҳолари бир хил ва бир-бирига яқин бўлиб, кузатишларимиз давомида бундай ўқувчиларнинг ўзига хос нуқтаи назари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил



қилиш жуда мураккаб бўлди. Баъзи бир ўқувчилар ўзларига берилган ҳар қандай ижобий баҳога лойиқ эмас эканликлари ҳам аниқланди. Уларнинг касб танлашга бўлган эҳтиёжлари жуда паст даражада эканлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Бундай лоқайдлик асосида касб танлаш жамият тараққиёти ва шахсий ҳаётларига салбий таъсир кўрсатишини аксарият ўқувчилар етарлича англаб етмаганлар.

Биз кузатишларимиз давомида ўқувчилар томонидан амалга оширилган ўз-ўзини баҳолашнинг қуйидаги кўринишларини аниқлашга муваффақ бўлдик (3-иловага қаранг):

– ўқувчиларнинг ўзларига берган баҳолари ўқитувчилар ва ота-оналарининг баҳоси билан тенг келиши; бу ҳолат ўқувчиларнинг турли ўқув машғулотларда муваффақиятга эришишларидан далолат беради.

– ўқувчиларнинг ўзларига берган баҳолари билан ўқитувчилар ва атрофдагиларнинг уларга берган баҳосининг мос келмаслиги; кўпинча ўқувчилар ўқув предметларидан олган билимлари ёрдамида касб танлайдилар, бунда улар ўзларининг мазкур касбга яроқли ёки яроқли эмасликлари масаласини эътибордан четда қолдирадилар.

– ўқувчилар ўз қизиқишлари, шахсий эҳтиёжларини етарли даражада баҳолай олмасликлари ёки жуда юқори баҳолашлари натижасида ота-оналар ва ўқитувчиларнинг берган баҳолари орасида номутаносибликнинг вужудга келиши; бундай шароитда улар таваккалчилик асосида касб танлайдилар.

Ўз-ўзини баҳолаш инсондаги табиий ҳолат эмас, бу кўникма таълим-тарбия ва ижтимоий муносабатлар жараёнида вужудга келади. Ўз-ўзини баҳолаш шахс тараққиёти маҳсулидир. Ўз-ўзини баҳолаш турли характердаги объектив даражаларга эга. Ўз-ўзини баҳолаш кўникмасининг тўлиқ, объектив ва мутаносиб тарзда шакллантириш ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнининг муҳим вазифаларидандир.

8-9-синф ўқувчиларида муҳим касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатларни шакллантириш лозим. Ўқувчиларни маълум миқдордаги ижтимоий-касбий билим ва тушунчалар билан қуроллантириш, шахсни меҳнат ва ижтимоий жараёнларнинг субъекти сифатида тушунишларига кўмаклашиш, ўзларини англашлари ва ўз имкониятларини амалий текшириб кўришлари учун қулай

педагогик шароит яратиш, ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнининг асосий вазифаларидандир.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш соҳасида ўзига хос вазият вужудга келди. Истиқболда жамиятнинг ёш аъзолари олдида уни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси турибди. Таълим жараёни мунтазам такомиллаштирилаётганлигига қарамасдан, ўқувчиларни ижтимоийлаш-тириш соҳасида ҳали кўплаб ишларни амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Амалиётдаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш натижалари мазкур муаммонинг ечими устида жиддий изланишлар зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун дастлаб мавжуд камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш лозим. Бунинг асосий сабаблари ўқувчилар муайян касбни ишонч ва қатъийлик билан танламаётганликларидадир.

Маълумки, 12-16 ёшларда шахс ўз нуқтаи назарларини аниқ белгилаб олиш имконияти ва салоҳиятига эга бўлади. “Мен ким бўлишим керак?”, “Қандай касб эгаси бўлишим лозим?”, “Қайси соҳада кўпроқ керакман-у, бу соҳада қандай муваффақиятларга эриша оламан?”. Ўқувчилар ўз олдиларига худди шу каби саволларни қўйишлари ва унга жавоб бера олишлари талаб этилади.

Бизнингча, касб-ҳунарлар олами жуда ҳам кенгдир. Бу олам ўз ичига юзлаб мутахассисликлар ва касб-ҳунар соҳаларини қамраб олади. Ҳар бир ўқувчи мактабда таҳсил олаётган вақтида касбий танлов муаммосига дуч келади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, аксарият ёшлар мактаб даврида касб танлашда хатога йўл қўйганликларини тан олмоқдалар. 5-9-синф ўқувчиларини одатда кўплаб касблар ўзига жалб эта бошлайди. Маълумки, меҳнатнинг турли турлари инсондан турли-туман, баъзан ўзаро бир-бирини инкор этадиган сифатлар ва кўникмаларни талаб қилади. Касблар ҳар бир шахсдан, биринчи навбатда, юксак маданият, меҳнат ва касб кўникмалари ва малакаларни талаб қилади. Муайян касбий нуқтаи назарга эга бўлмасдан туриб, шахс микросоциумда муносиб ўрин эгаллай олмайди. Албатта, ўқувчилик давридаёқ муносиб касб-ҳунар танлаш осон эмас. Бунинг учун ўқувчи ижтимоий, шахсий жиҳатдан чуқур танлов имконияти ва мустақилликка эга бўлиши лозим.



Ўқувчининг мустақил касб танлаши унинг самарали ижтимоийлашуви учун муҳим омилдир. Муносиб касб танлай олиш натижасида шахс ўзининг ҳаёт йўлини белгилайди. Натижада у жамият аъзолари орасида муносиб ўрин эгаллайди, ўз меҳнат фаолиятидан қониқиш ҳосил қилади.

Бугунги кунда жамият ва таълим тизими ўқувчи-ёшларнинг ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Улар олдида ўз кучлари ва салоҳиятларини меҳнат ва касбий фаолиятнинг турли соҳаларига сафарбар қилиш имконияти вужудга келмоқда. Ўқувчилар мактабда тўғри касб танловини амалга оширишлари учун фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, мактаб психологи уларга яқиндан ёрдам бериши керак. Тўғри касбий танлов бугунги кунда инсон ҳаёт йўлини белгиловчи асосий омил сифатида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Шахснинг кўпгина ижтимоий имкониятлари худди мана шу танлов натижасида рўёбга чиқади. Тўғри касбий танлов шахснинг жамиятда ўзини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратади.

Ҳар бир шахс ўзи мойил бўлган меҳнат ва касб кўникмаларини эгаллай олади. Бўлажак касбни тўғри танлаш ўқувчи учун муҳим аҳамиятга эга. Бунда у, биринчи навбатда, ўз майллари ва имкониятларига таяниши керак. Педагоглар ва психологларнинг таъкидлашларича, касб-кор танлаш даври шахснинг болалик даврига тўғри келади. Болалар дастлаб турли ўйинлар жараёнида ўзлари учун муайян касбий ролларни танлаб оладилар. Бунда уларга ўқитувчилар ва ота-оналар яқиндан ёрдам беришлари керак. Ўқитувчилар ва ота-оналар ҳар доим болаларнинг ўйин фаолиятини диққат билан кузатишлари лозим. Чунки, улар ролли ўйинлар ўйнаш жараёнида муайян меҳнат тури ва касбга хос бўлган кўникмаларни эгаллашга интиладилар. Масалан, савдо-сотиққа қизиқадиган, шу касбни эгаллашга мойил бўлган ўқувчилар столлардан пештахта, қоғозлардан пуллар ясаб ўйнашга интиладилар. Ўқувчилар 14-16 ёшларида муайян касбий танловга эга бўлишлари лозим. Асосан, битирувчи синф ўқувчилари бу соҳада қатъий бир қарорга келган бўлишлари шарт.

Ўқувчиларнинг умумий дунёқарашлари уларнинг истиқболдаги режаларида ўз аксини топади. Ўқувчиларнинг истиқболдаги ҳаётий режалари ниҳоятда кенг ва ҳиссиётларга тўлалигини куза-

тишларимиз натижасида аниқлашга эришдик (1-иловага қаранг).

Бу режалар одатда ўсмир ёшдаги ўқувчилар ҳаётининг барча қирраларини қамраб олганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун энг мураккаб ва кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий ҳолатлардан бири тўғри касб танлашдир. Келажакка руҳий ишонч ва қатъият билан интилиш, фикран намунали ижтимоий фаолият кўрсатиш орзуси аксарият ўқувчиларга хосдир. Ўқувчи жамиятдаги мустақил ҳаёти мазмунини олдиндан тасаввур қила олиши лозим. Бу эса, унинг тўғри касбий танлови билан боғлиқдир. Ўқувчи ўзининг келажакдаги ҳаёти ҳақида енгил-елпи тасаввурга эга бўлишига қарамасдан, касбий танлов унинг учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзига хос касбий танлов эса, ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигига боғлиқ. Ўқувчининг ўзига хослиги у ўзлаштирган дастлабки меҳнат ва касбий кўникмаларида ўз ифодасини топади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчилар ўз характер хусусиятлари ва темпераментлари билан бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Шу билан бир қаторда, уларнинг ҳар бири ўзига хос имконият, эҳтиёж, интилиш, қизиқиш ва ўзини англаш даражасига эга. Ўқувчининг ўзига хослиги унинг у танлаган ҳаёт йўли ва касб-корида намоён бўлади. Мактабда ўқиш даврида ўқувчиларда муайян дунёқараш ҳам таркиб топади. Чунки, улар бу даврда болаликдан катталикнинг дастлабки босқичига ўтадилар. Бу жараёнда аста-секин мустақиллик, масъулият, жамият ҳаётига фаол иштирок этишга интилиш, турли муаммоларнинг мақбул ечимини излаш, касбий нуқтаи назарга эга бўлиш кабилар таркиб топади. Ўқувчилар тўғри касбий танловга эга бўлиш натижасида ижтимоий ҳамда шахсий нуқтаи назарларини намоён қиладилар. Таъкидлаб ўтилганидек, шахснинг касбий танлови болаликда бошланиб, ўсмирлик даврида якунланади. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг касбий майлларини аниқлаш асосида уларни меҳнат фаолиятига йўналтириш амалий аҳамиятга эга. Қиз болаларда касбий мойиллик жадаллик билан ижтимоий эҳтиёжга айланади. Уларда касб танлаш ва уни эгаллаш ўз-ўзини касбий аниқлашдан бошланади. Бу даврда ўқувчилар келажакда амалга ошириладиган фаолият соҳаларини аниқ белгилаб олган бўлишлари керак.

Биз 7-9-синф ўқувчиларининг ўзлари танлаган ва келажакда фаолият кўрсатадиган касбларига бўлган муносабатларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Келгусида фаолият кўрсатадиган асосий касбни танлаш нафақат битирувчи синф ўқувчиларини ҳаяжонлантиради, балки, ўқитувчилар ва уларнинг ота-оналари учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу даврда ўқувчилар мактабни битиргач, қандай фаолият билан шуғулланишлари ҳақида аниқ нуқтаи назарга эга бўлишлари лозим. Келажакдаги режаларни қатъий белгилаш ўқувчининг ижтимоий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай режалар ижтимоий-руҳий етуклик кўрсатгичи ҳисобланади. Кўпгина ўқувчилар ўзлари аниқлаган режаларини зудлик билан ўзгартиришга қарор қиладилар. Бунда шахс фаолиятида ўзига хос ҳолат вужудга келади. Бу муайян ижтимоий мақсад, фаолият ва майллар билан боғлиқдир.

Ўсмирлик ёшида ўқувчиларнинг муайян касбни эгаллаш ҳақидаги орзулари уларнинг имкониятлари доирасида ўзгариб туради. Ўз режаларини амалий ҳаракатлари орқали намоён қилишга нисбатан интилиш вужудга келади. Баъзи ўсмирлар эса келажакда фаолият кўрсатадиган касблари ҳақида жуда кам ўйлайдилар. Кўпгина ёшларда муайян касбларга бўлган қизиқишларини турли омиллар, чунончи, атрофдаги одамлар, матбуот, сайру-саёҳатлар, машҳур шахслар таъсирида ҳосил бўлади. Улар бир вақтнинг ўзида кўп нарсаларга қизиқадилар ва кўпгина касбларга нисбатан йўналиш оладилар. Бу ёшда улар турли тўгаракларга катта қизиқиш билан қараган ҳолда қатнашадилар. Улар ўзлари қизиққан касбни эгаллашга нисбатан имкониятларини юқори баҳолайдилар. Тўгарак машғулотларида иштирок этиш натижасида ўқувчилар ўз имкониятлари ва камчиликларини тўғри баҳолаш кўникмасини эгаллайдилар. Тўгараклар ўқувчилар учун ўз фаолиятларини синаб кўриш ва орзулари рўёбга чиқиши учун энг яхши имкониятдир. Ўқувчи-ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган интилишларини сўндирмаслик керак. Бироқ, уларга бу йўлда дуч келадиган қийинчиликларни ўқитувчилар, ота-оналар, тўгарак раҳбарлари мунтазам англатиб боришлари лозим.

Кўпгина ўқувчилар 8-9-синфларда келажак ҳақида фаол ва мунтазам ўйлай бошлайдилар. Улар ўз орзуларининг ҳақиқатга айланишини хоҳлайдилар. Бошқа бир гуруҳ ўқувчилар эса, ўзларининг келажакдаги ҳаётини турли вариантларда тасаввур қиладилар. Яна

бошқа бир гуруҳ ўқувчилар ўзларининг имкониятлари танлаган касбларининг талабларига тўғри келиш-келмаслиги ҳақида ўйлай бошлайдилар. Бир гуруҳ ёшлар қайси ўқув юртида ўзлари танлаган касбни эгаллаш мумкинлиги ҳақида маълумот тўплай бошлайдилар. Ўсмирлар ўз синфдошларининг режалари билан ҳам қизиқадилар. Улар ўз шубҳалари, тахминларини ўзаро муҳокама қилиб, баъзилари орзуларидан тона бошлайдилар. Бир қатор ўқувчи-ёшлар алоҳида мавқега эга бўлган катта ёшдаги ўртоқларининг таъсирига ҳам бериладилар. Бу даврда ўқувчилар вақти-вақти билан ўзлари танлаган касблари ҳақида баҳслашадилар. Мактабни битириш арафасида ўсмирларнинг ўз келажаклари ҳақидаги қарашлари барқарорлашади.

Ўқувчиларнинг касбий ўз-ўзини аниқлаши муҳим жараён ҳисобланади. Технологик таълим ўқувчиларни касбга йўллаш вазифасини ҳам ўтайди. Шу билан бир қаторда, адабиёт, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси, иқтисодий билим асослари каби ўқув фанлари ҳам ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллашда муҳим ўрин эгаллайди. Касбга йўллаш жараёнининг муваффақиятли кечиши шундай ҳолатни таъминлайдики, ўқувчи у ёки бу касбни эгаллашга руҳан тайёр бўлади. Ўқувчиларнинг касб танлаши уларнинг ички, имкониятлари, эҳтиёжлари билан муайян касб талабларининг мувофиқ келишига ҳам боғлиқдир. Касб танлаш шахснинг ҳаётдаги асосий қарори ҳисобланади.

Касб танлаш психологик жиҳатдан икки йўналишдаги ҳолатни қамраб олади:

а) танлов субъекти - бу танлов қарорини берган шахс;

б) танлов объекти - бу ўқувчи томонидан танланган касб.

Касб танлаш бу айни бир вақтда содир бўладиган, меъёрланган ҳолат эмас. Касб танлаш ўзининг турли босқичларига эга. Бу босқичлар яхлит бир жараённи ташкил қилади. Ушбу босқичларнинг давомийлиги қуйидагиларга боғлиқ:

- ташқи шарт-шароитлар;
- танлов қарорини берган ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари.

Касбий ўз-ўзини аниқлаш шундай жараёнки, у мактаб таълимининг барча босқичларида давом этади. Бу жараён касбий мўлжаллардан тортиб, муайян фаолиятни эгаллашга киришишгача бўлган ҳолатларни қамраб олади. Бу жараён ўқувчига ўз-ўзини аниқлаш



имконини беради.

Касбий ўз-ўзини аниқлаш ҳолати асосан, 7-синфдан бошлаб содир бўлади. Бироқ бу жараён ўзининг босқичларига эга. Касб танлашнинг дастлабки босқичи кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга хосдир. Касб ҳақида жуда кам маълумотга эга бўлган ўқувчилар уларни тўла-тўкис бир-биридан фарқлай олмайдилар. Улар касбнинг ички имкониятлари ҳақида муайян вазият билан боғлиқ ҳолдаги тасаввурларга эга бўладилар. Бундай ҳолатларда касб танлашга оид режалар ҳам барқарор бўлмайди.

Касбий ўз-ўзини аниқлаш босқичи ўз ичига касбий режаларнинг туғилиши ва шаклланиши ҳамда меҳнатнинг турли соҳаларига нисбатан дастлабки йўналишни эгаллаш билан изоҳланади. Маълумки, касбий таълим мактабни битиргандан кейин муайян меҳнат турини пухта эгаллаш мақсадида амалга оширилади. Касбий мослашиш эса, фаолиятнинг ўзига хос услуби шаклланиши, ижтимоий муносабатларнинг эгалланиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, касбий ўз-ўзини аниқлаш мактабда бошланади. Касбий ўз-ўзини аниқлаш шахс ривожланишининг ижтимоий асосидир. Касбий ўз-ўзини аниқлаш жараёни икки асосий хусусиятга эга:

1) ўқувчи шахси мураккаб, ўз-ўзини бошқарувчи субъект сифатида намоён бўлади;

2) ўқувчилар бу жараёнда онгли тарзда касб танлаган ҳолда ижтимоий ҳаётга йўналтириладилар.

Бу жараён мактаб, оила, ижтимоий ташкилотлар, адабиёт, санъат кабиларнинг ёшларни касбга йўналтириш орқали ижтимоийлаштириш имкониятларини мужассамлаштиради. Касбга йўналтиришнинг бундай мужассамлашган имкониятлари ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ва уларга касбий маслаҳатлар бериш нуқтаи назаридан муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўқувчиларда касбий қизиқиш ва мойиллик уйғотиш уларни ишга жойлаштириш ва микросоциумда улар дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишлари учун ниҳоятда зарурдир. Ўқувчиларни касбга йўналтириш тизими педагогик-психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилганда уларнинг касбий жиҳатдан шаклланишлари учун кенг имкониятлар очади. Ўқувчи касбий фаолият майллари

ва мақсадларини аниқ намоён қила бошлайди. Бунда ўқувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчи шахси билан унинг эҳтиёжлари орасидаги алоқадорлик дастлабки амалий фаолият натижасидагина вужудга келади. Фаолият субъектларнинг меҳнат объектлари билан алоқадорликка киришиш шакли сифатида шахс тараққиётига таъсир кўрсатади. Шахс ташқи олам билан мунтазам алоқа ўрнатиши натижасида жамият аъзолари билан фаол мулоқотга киришади. Касбий ўз-ўзини аниқлаш жараёни ўқувчиларнинг амалий фаолият кўрсатишларига кенг йўл очади. Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини кенгайтириш эса, уларни барқарор касб-ҳунарга эга бўлишларини таъминлайди. Бундай фаолият жараёнида ўз-ўзини аниқлаш ижтимоийлашишнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Шахс фаолиятининг таркибий қисмлари касбий ўз-ўзини аниқлашида муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзининг характери ва ижтимоий вазифасига кўра турли-тумандир. Уларни иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1) шахснинг ўзига хос хусусиятлари; бу хусусиятлар, ўз навбатида, касб танлаш соҳасида тўғри қарор қабул қилиш имконини беради. Бироқ, шахснинг ўзига хос хусусиятлари бу жараённи тўғридан-тўғри фаоллатиришга хизмат қилмайди. Бундай индивидуал хусусиятлар жумласига эркин танлов, меҳнатсеварлик, бардошлилик, бунёдкорлик, қатъийлик кабилар киради. Мазкур сифатлар жумласига шахснинг етуклик даражаси ва ҳаётий тажрибаларини ҳам киритиш мумкин.

2) шахснинг ижтимоий йўналганлигини белгиловчи ҳолатлар; унинг ижтимоий йўналганлиги касб танлаш жараёнининг динамиклигини таъминлайди. Бундай ҳолатлар жумласига шахснинг касбий ўз-ўзини аниқлаш эҳтиёжи, ўқув ҳамда касбий қизиқишлар, ишончи, қадриятлари ва идеаллари ҳамда ҳаётий қадриятлар ҳақидаги тасаввурларини киритиш мумкин. Бу ҳолатлар билиш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда шахснинг фаолият соҳаси билан мослашади.

Битирувчи синф ўқувчилари муайян касб-ҳунар ҳақида маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда, кўплаб бошқа маълумотларни ҳам ўзлаштирадилар. Касб танлашнинг бир қатор қирралари мавжуд. Жумладан:



**1) Оиланинг катта аъзолари, ота-оналар, опа-акаларнинг нуқтаи назарлари.** Албатта, катталарнинг ўз касбларини давом эттириш истаклари муҳим аҳамиятга эга. Улар ўз фарзандлари, ука-сингилларининг ҳаётларини тўғри йўлга қўйишни хоҳлайдилар. Уларнинг микросоциумда муносиб ўрин эгаллашлари ҳақида қайғурадилар. Жуда камдан-кам ҳолатларда оила катталари, айниқса, ота-оналар ёш фарзандларига касб танлаш соҳасида эркинлик берадилар. Худди шундай касбий танлов соҳасида ўз фарзандларига эркинлик берган ота-оналаргина, улардан мустақиллик, масъулият, ташаббускорликни талаб қила оладилар. Кўпинча ота-оналар ўз фарзандларининг танлови билан чиқиша олмайдилар. Улар ўз режаларини қайта кўриб чиқишлари, бошқа касб танлашларини талаб қиладилар. Ўқувчиларнинг тўғри касб танлашлари ва жамиятда муносиб ўрин топишларига аксарият ҳолларда ота-оналар халақит бермоқдалар. Баъзи ота-оналар эса, фарзандлари улардаги етишмовчиликларни келажакда тўлдиришлари лозимлигини талаб қиладилар. Бундай ҳолларда ўқувчилар ўз имкониятлари ва эҳтиёжларини тўлиқ намоён қила олмайдилар. Ота-оналар уларнинг фарзандлари муайян касбда юксак чўққиларни эгаллашларини хоҳлайдилар. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда, ўқувчилар ота-оналарининг танловига рози бўлаяптилар. Улар ота-оналарининг ёрдамига таянган ҳолда у ёки бу ўқув юртини танламоқдалар. Ўқувчилар шуни ҳисобга олмаяптиларки, улар келажакда эгаллайдиган касбда ота-оналари эмас, балки ўзлари фаолият кўрсатадилар. Бундай вазиятдан чиқиш учун педагогик-психологик жиҳатдан самарали бўлган таклифларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш лозим.

**2) Ўқувчиларнинг ўртоқлари, тенгдошлари ва мактабдош-ларининг қарашлари.** 5-9-синф ўқувчиларининг дўстона муносабатлари жуда мустаҳкам бўлади. Уларнинг касб танлаш соҳасида бир-бирларига кўрсатадиган таъсирлари ҳам кучлидир. Тенгдошларининг бир-бирларининг касбий танловларини билишга бўлган қизиқишлари жуда юқори бўлади. Баъзан муайян гуруҳдаги ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари кўпчиликнинг касбий танловини белгилаши ҳам мумкин.

3) Муҳим йўналишлардан яна бири, **мактабдаги ўқитувчилар, тарбиячилар, синф раҳбарлари ва мактаб психологининг**

**нуқтаи назарлари**дир. Ҳар бир ўқитувчи, айниқса, синф раҳбарлари таълим жараёнида ўз ўқувчиларининг хулқ-атворларини кузатиб, унинг ўзига хос жиҳатларини ташхислаб, аниқлаб боради. Жумладан, ўқувчиларнинг қизиқишлари, талаблари, фикрлари, характер-хусусиятлари, қобилиятлари, тайёргарлик даражаларини аниқлайди. Ўқитувчилар, синф раҳбарлари, мактаб психологи ҳар бир ўқувчи ҳақида шунчалик кўп маълумотга эга бўладики, бундай маълумотлар, ҳаттоки, уларнинг ота-оналари ва ўзларига ҳам аён эмаслигини кузатишларимиз давомида аниқладик.

**4) Ўқувчининг шахсий-касбий режалари.** Ўқувчининг хулқ-атвори ва ҳаётида ўзларининг келажаклари ҳақидаги тасаввурлари муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг келажакда эгаллайдиган касблари ҳақидаги тасаввурлари, эгаллаган билим ва ўзлаштирган ахборотлари, касбий қизиқишлари, ўқитувчиларнинг касблар ҳақида берган маълумотлари, оммавий-ахборот воситалари, ҳаётий тажрибалари, оила ҳамда атроф-муҳитдаги кишилар таъсирида вужудга келади. Ўқувчиларнинг келажак ҳақидаги режалари ўзида уларнинг мақсадлари, муваффақиятга эришиш йўлларини ифодалаши керак. Биз кузатиш олиб борган мактаблардаги аксарият ўқувчилар бундай аниқ режага эга эмасликларига гувоҳ бўлдик. Бироқ, ўқувчиларнинг мавжуд бўлган режалари турли-тумандир.

5) Ўқувчиларнинг қобилиятлари. Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва талантлари нафақат ўқув жараёнида, балки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим аҳамиятга эга. Чунки қобилият шахснинг келажакдаги касбий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган, яққол кўринадиган жиҳатдир.

6) Ўқувчиларнинг жамият эҳтиёжларини англаш даражаси. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг жамият талаблари ва эҳтиёжларини аниқ тасаввур қила олишлари, уларнинг касбий танловида муҳим ўрин эгаллайди.

7) Ўқувчиларнинг касблар ҳақидаги маълумотлар билан қуролланганлиги. Бу касб танлашнинг муҳим омилидир.

8) Ўқувчининг мослашувчанлиги унинг ўқув ҳамда меҳнат фаолияти давомида шаклланади. Бу жараёнда у жамият ҳаётига тайёрланиб, мослашиб боради. Турли фаолият турлари билан шуғулланиш натижасида шахснинг қизиқишлари ва касбий йўналиши ҳам



ўзгаради. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун бу жуда муҳимдир. Улар мактабни битиргунга қадар қизиқишлари ва касбий йўналишлари барқарорлашади.

Ўқувчиларнинг мактабда тўғри касб танлашларига эришиш учун мазкур жараён ўқитувчи томонидан самарали бошқарилиши керак. Ўқувчиларнинг касб танлаш жараёнини бошқариш, ўз навбатида, жамиятни илмий асосда бошқаришнинг таркибий қисмидир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тўғри касб танлашларига эришиши учун бу жараённинг табиий ва ўзига хос омилларини яхши билиши керак. Шунингдек, у ўқувчиларни касбга йўллаш жараёни мазмуни, унинг таркибий қисмларини ҳам чуқур ўзлаштирган бўлиши лозим.

Бу жараённинг табиий омиллари жумласига: объектив тарзда амал қилувчи қонуниятлар, ўқувчининг шахсий ҳаёт тарзи, атроф-муҳит, таълим-тарбия, иқтисодий муҳит кабилар киради.

Ўзига хос субъектив омиллар сирасига: ўқувчининг имкониятлари, мослашувчанлиги, қизиқишлари, қобилияти, режалари, орзулари, майллари, характери, темпераменти, ўй-хаёллари, эҳтиёжларини киритиш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг касб танлаш жараёнини илмий асосда самарали бошқариши керак. Бунда касб танлаш жараёнининг ички ва ташқи омилларининг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш талаб этилади. Ўқувчиларнинг касб танлашларини бошқариш уларнинг билимдонлик даражасига асосланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Инсоннинг табиати ўта мураккабдир. Шахс ижтимоий ҳаётда кўплаб ижобий сифатларни ўзлаштириш, уни намоён қилиш билан бир қаторда, табиий жиҳатдан ўзига хосликка ҳам эга. Шахснинг бундай ўзига хослиги барча жабҳаларда намоён бўлади.

Ўқувчиларни касбга йўллаш жараёни уларнинг руҳий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолдагина самарали бошқарилиши мумкин. Чунки касбга йўналтириш жараёни ўқувчи шахсининг билимдонлиги характер жиҳатдан ўзига хослигига таянади. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини ўрганиши ва умумий тарзда таниши лозим.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқитувчилар аксарият ҳолларда икки, уч ўқувчини батафсил тавсифлаб бера оладилар. Қолган ўқувчиларни эса умумий тарзда тавсифлайдилар. Бу ҳол

ўқувчиларни касбга йўллаш орқали ижтимоийлаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Баъзи ҳолларда эса ўқитувчи ўз ўқувчиларини жуда яхши билиши, бироқ уларни тўлиқ тавсифлаб беролмаслигига ҳам гувоҳ бўдик. Улар ўз ўқувчиларининг мослашувчанлик даражаси, майллари, қизиқишлари, қобилиятлари, ўзига хос жиҳатларини аниқ тавсифлаб беролмадилар. Кўпгина ўқитувчилар муайян ўқувчи синф жамоасида қандай ўрин эгаллаши, синфдошлари орасида у қандай истиқболга эга, ўртоқлари бу ўқувчининг хатти-ҳаракатларини қандай боҳолайди, ўқитувчилар ва ўзи-чи, у келажакда жамиятда қандай ўрин эгаллаши мумкин, қандай касбни эгаллашга лаёқатли, унинг ривожланишида оила аъзолари ва атрофдагилар қандай ўрин эгаллаяпти, деган кўплаб саволларга тўлиқ жавоб бера олмадилар. Яна шу нарса аён бўлдики, мактаб раҳбарияти ўқитувчилар олдига бундай саволларни деярли қўймаётган экан.

Биз ҳолатнинг сабабларини ҳам излашга ҳаракат қилдик. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ўқувчиларни касбга йўллаш ишларида, уларни ҳар томонлама ўрганишга эътибор қаратилмаслиги;

– ўқитувчиларнинг бу соҳадаги педагогик-психологик тайёргарлигининг етарли эмаслиги;

– ўзларини қўшимча иш билан қийнамаслик истагининг устунлиги;

– ўқувчиларни ўрганиш методикасини етарли даражада ўзлаштирмаганликлари;

– бундай муҳим масаланинг мактаб раҳбарияти эътиборидан четда қолиб келаётганлиги кабилар.

Бугунги кунда мактаб битирувчиларининг шахсий сифатлари ҳам аниқ ва объектив баҳоланиши талаб этилмоқда. Ўқувчига берилган тавсифномада унинг шахсий сифатлари ва ривожланиш истиқболлари аниқ кўрсатилиши лозим. Аксарият тавсифномаларни ўрганганимизда ўқувчининг ўқув фаолияти, жамоат ишларидаги иштироки ва хулқ-атвори баҳоланганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўқитувчилар ўқувчиларга баҳо бераётганда улардаги қизиқишлар ривожининг динамикаси, ўқув ҳамда ижтимоий фаолиятга мослашувчанлигига эътибор қаратишлари лозим. Бунинг учун таълим жараёнида ўқувчиларнинг лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда улар-



нинг истиқболдаги тараққиёт йўлини лойиҳалаш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Агар ўқитувчи ўз ўқувчиларида муайян касбий қизиқишни олдиндан аниқлай олса, ўз ўқувчисининг қизиқишларини ривожлантириши, танлаган йўли тўғрилигига ишонтириши ва шу ўқувчига берилган тавсифномада таълим олувчининг касбий ривожланиш йўлини баён этиши зарур. Ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос хусусияларидан келиб чиққан ҳолда ундаги қобилият ва қизиқишларнинг очилишига кўмаклашиши талаб этилади. Ўқувчиларни касбга тўғри йўналтириш учун уларнинг ўзига хослигини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш муҳим шартлардан биридир.

Ўқувчиларнинг касб танлашида ўз-ўзларини англашлари муҳим аҳамиятга эга. У ўқувчининг касб танлашида шахсий ёндашувини таъминлайди. Бу жараёнда ўқувчи ўзини бошқалар билан қиёслайди. Ўз ютуқларини атрофдагиларни ютуқлари билан таққослаб кўради. У ўзини билиш билан бир қаторда, синфдошлари, атрофидагилар, умуман жамият аъзоларини ҳам ўргана бошлайди. Атрофдагилар, оила аъзолари ва ўқитувчиларнинг билим ва тажрибалари ўқувчига ўзини англаш имконини беради. Ўқувчи ўзини бошқалар билан қиёслаши натижасида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳамда ўзи ҳақидаги маълумотларни билиб олади. У ўзини ўзгалар билан қиёслаши натижасида ўз шахсиятини баҳолашга муваффақ бўлади.

Ўқувчи жамият ҳаётига мослашиши учун ўз кучи ва имкониятларини фаоллаштириши керак. Чунки ўз ижтимоий фаолиятини такомиллаштириш учун ҳар бир шахс дастлаб ўзлигини англаши лозим. У жамият ҳаётида фаол ўрин эгаллаши учун қайси иллатлардан воз кечиб, қайси сифатларини ривожлантириши зарурлигини англаб етиши талаб этилади. Ўқувчи ўзини англамасдан туриб ўз-ўзини такомиллаштириши ва ривожлантириши мумкин эмас. У ўзлигини англагандагина ҳар қандай ижтимоий фаолиятни сидқидиллик билан бажара олади.

Шахснинг ўзига бўлган талаблари у яшаётган жамият талабларидан келиб чиқади. Ўз навбатида, жамият талаблари эса, ўз-ўзини англаш ва ривожлантиришнинг асосий омилидир. Шахснинг ўз олдига қўйган талаблари унинг ёши ва билим даражасига мос келиши керак.

Педагогика ва психологияда шахснинг ўзига берадиган баҳоси унинг ўзлигини англашининг муҳим кўриниши сифатида эътироф

этилади. Ўзликни англаш шахснинг ўз “мен”ини тўлалигича ҳис этишидир. Ўзига тўғри ва аниқ баҳо бериш, ўзининг кучи, имконияти, шахсий сифатларини тўлиқ ва аниқ билиш демакдир. Ўқувчининг касбий жиҳатдан ўз-ўзини аниқлашида ўз-ўзини баҳолаши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу унга касбий талаблар билан ўз имкониятлари, қобилиятлари орасидаги мутаносибликни англаш имконини беради.

Ўқувчи касб танлаётганда дастлаб ўз имкониятларини баҳолай олиши керак. Биз кузатишларимиз натижасида сўралган ўқувчиларнинг аксарият қисми ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмасликларига гувоҳ бўлдик (3-иловага қаранг). Бу, ўз навбатида, бундай ўқувчилар ўзларини тўла англаб етмасликларидан далолат беради. Ўқувчининг ўзига берган баҳоси унинг ёши ва ҳаётий тажрибаларига ҳам боғлиқдир.

7-9-синф ўқувчилари билан ўрказган суҳбатларимиз шуни кўрсатдики, гўёки ўқувчилар бажариш қўлларидан келадиган касбларни танлаганлар. Бироқ, улар муайян касбга оид талаблар билан ўз имкониятлари орасидаги алоқадорликни тавсифлаб бера олмадилар. Ўқувчилар ўзларининг шахсий имкониятларини қисман биладилар ва баҳолайдилар. Улар касбий талаблар билан ўз имкониятлари орасидаги номутаносиблик микросоциумда уларга муваффақиятсизликлар олиб келишини тўлиқ тасаввур эта олмасликлари суҳбатларимиз давомида аён бўлди.

7-9-синф ўқувчиларининг ўзларини баҳолашларида ягона нуқтаи назар ва барқарор қарашлар мавжуд эмас. Кўриниб турибдики бу ўқувчилар ўзлари ва ўртоқларининг имкониятларини қатъий тарзда баҳолай олмайдилар. Улар билан турли муддатларда бир неча босқичларда ўтказилган суҳбатларимиз натижалари айни бир ўқувчи турли суҳбатларда ўзини турлича баҳолаганларини кўрсатди (3-иловага қаранг). Ўқувчилар гарчан бу жараёнга тайёр бўлмасаларда, улар ўз фаолиятларини баҳолашга эҳтиёж сезадилар. Ўқувчиларнинг ўзларини баҳолашга бўлган ички эҳтиёжи уларнинг тўғри шаклланишига туртки бўлади. Буни ўқитувчилар ўз вақтида фаҳмлаб, тўғри йўлга қўйишлари лозим.

Касбни тўғри танлаш меҳнат ва ижтимоий фаолиятда энг юксак кўрсаткичларга эришишга ёрдам беради, меҳнат жараёни ва унинг натижаларидан қониқиш эса шахсда ижодкорлик, ҳиссий



кўтаринкилик ва жамият ҳаётида фаровонликни таъминлашга кўмаклашади.

Фан, ишлаб чиқариш, техника ва технологияларнинг ривожланиши баробарида жамиятнинг ўз аъзоларига қўйган талаблари ортиб бормоқда. Бу эса, ўқувчиларни касбга йўллаш жараёнини ижтимоий-педагогик жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жамиятдаги иқтисодий-иқтисодий, маданий-маънавий ислоҳотлар ва фан-техника тараққиёти инсоннинг муайян касб эгаси сифатида фаоллашувини талаб қилмоқда. Жамиятнинг барча аъзолари ўз шахсий қобилиятларини намоён этишларига эҳтиёж туғилмоқда. Бунинг учун ўқувчиларни эркин, онгли касб танлашга йўллашнинг илмий асосланган тизими мактаб таълимига татбиқ этилиши лозим.

Ўқувчиларни онгли касб танлашга йўллаш масаласига уларни ҳар томонлама уйғун ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу шахсни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнатсеварлик, ақлий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан камол топтиришдан иборат бўлган ижтимоий-педагогик муаммодир.

Касб эгаллашгача бўлган тайёргарлик ўқувчиларни моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга ҳозирлашнинг умумий кўринишидир. Зарур технологик тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг муайян соҳаларини эгаллашга интиладилар. Бу эса, касбий таълим турини танлашда ўқувчининг қатъий қарорлар қабул қилишига имкон беради. Ўқувчиларни касбга йўналтириш – мактабдаги педагоглар жамоаси, ота-оналарнинг ҳамкорликдаги фаолиятидир.

Ўқувчиларда касбий қобилият ва қизиқишларни шакллантиришнинг технологик асослари бошланғич ишлаб чиқариш тайёргарлигини кенгайтириш билан узвий боғлиқ бўлиши уларни муайян касбга йўналтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Технологик таълим касбга йўналтириш ишлари билан уйғунлаштирилгандагина кутилган самарани беради. Бугунги кунда битирувчиларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тасодифий танлаганликлари аён бўлмоқда. Синф раҳбари ўқувчининг касбий қизиқиш ва танловини мунтазам назорат қилиши, бунинг учун уларга ҳар ўқув чораги якунида махсус варақани тўлдиртириб бо-

риши лозим.

Ўқувчилар технологик таълим дарсларида меҳнатнинг турли турларига оид билимларнигина ўзлаштирмай, махсус меҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни эгаллайдилар. Меҳнат таълими ўқитувчиси машғулотларни шундай ташкил этиши кераки, бу жараёнда ҳар бир ўқувчида муайян касбга оид билим, тушунчалар ҳамда умуммеҳнат кўникмалари ва касбга нисбатан муҳаббат, қизиқиш, уни эгаллашга эҳтиёж, интилиш таркиб топиши лозим.

Меҳнат таълими ўқитувчиси технологик таълим жараёнида ўқувчиларда фаоллик ва мустақилликни таъминлайдиган иш шакллари ва методларидан фойдаланиши лозим. Бундай ишлар сирасига лаборатория ва амалий машғулотлар, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари, ишлаб чиқариш саёҳатлари, тажриба дарслари киради. Булар мустақил кузатишлар, тажрибалар, таҳлиллар, ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқариш ва ижодий вазифаларни ҳал қилиш ҳамда бевосита ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатни ҳам ўз ичига олади.

Меҳнат ўқитувчиси технологик таълим жараёнида касб ва меҳнат турлари ҳақидаги маълумотларни муайян мавзуларга боғлаган ҳолда ўқувчиларга етказиши лозим. Чунончи, электротехника бўлимини ўрганиш давомида ўқитувчи электр қувватини ишлаб чиқариш, жамият ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётидаги ўрни, уни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиш жараёни, ушбу тармоққа оид касблар уч гуруҳдан иборат эканлигини аниқ мисоллар ёрдамида ўқувчиларга етказиши лозим. Чунончи, бу соҳага оид касблар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) электро техника ускуналари, машиналари, аппаратлари ва асбобларини ишлаб чиқарувчилар - технологлар; 2) электр қувватини узатувчи тизимларда хизмат қилувчи ходимлар; 3) электр таъминотини амалга оширувчи ходимлар.

Ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланган ҳолда ўтказиладиган машғулотлар орасида муайян касбларга оид тўгараклар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай тўгараклар аксарият ҳолларда меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Булар жумласига “Техник-ижодкорлик”, ”Ёш рассомлар”, “Ёш технологлар”, “Ёш физиклар” каби тўгаракларни киритиш мумкин. Ўқитувчи бундай тўгаракларда ўқувчиларнинг лойиҳачилик, техник-ижодкорлик, ихтирочилик каби қобилиятларини ривожлантириш устида тизимли иш олиб бориш имкониятига эга.



Меҳнат таълими ўқитувчиси ўз иш фаолиятида педагогик-психологик ташхисга алоҳида ўрин ажратиши лозим. Педагогик-психологик ташхис жараёнида ўқитувчи мактаб раҳбарияти ва психологи, ўқув-ишлаб чиқариш комплекси мутасаддилари билан ҳамкорликда ҳар бир ўқувчининг танлаган касби билан шахсий сифатлари орасидаги мутаносибликни аниқлаши керак.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўз касбий фаолияти жараёнида қуйидагиларни амалга ошириши керак:

– ўқувчиларни жамият ҳаёти ва тараққиёти учун зарур бўлган касб-ҳунар турлари билан таништириш;

– касбларнинг демографик хусусиятлари ҳақида маълумот бериш;

– ўқувчиларни касбга йўллаш бўйича педагогик-психологик характердаги маслаҳатлар уюштириш;

– ўқувчиларда уларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олган ҳолда муайян касблар бўйича барқарор қизиқишларни шакллантириш;

– ўқувчиларни ўз касбий фаолияти натижасида шуҳрат қозонган машҳур шахслар ҳамда уларнинг жамият ва инсоният тараққиётига қўшган ҳиссалари билан таништириш;

– ўқувчиларга касбларнинг жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан ривожлантиришдаги ўрни ҳақида малумот бериш;

– ўқувчиларнинг ота-оналари билан уларнинг фарзандларини муносиб касбга йўллаш бўйича суҳбатлар ўтказиш;

– ўқувчиларни нотўғри касб танлашнинг салбий оқибатларидан хабардор қилиш;

– ўқувчиларда дастлабки меҳнат ва касбий кўникмаларни шакллантириш ҳамда синаб кўришлари учун қулай шароитлар яратиш;

– ўқувчиларни тўғри касбга йўллаш мақсадида, уларнинг шахсияти, меҳнат тури ва касбларга бўлган қизиқишларини ўрганиши;

– ўқувчиларни касбга йўллаш жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида, мактабда муайян касблар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, анжуманлар, учрашувлар ташкил этиш;

– ўқувчиларнинг шахсий-касбий қизиқишларини аниқлаш мақсадида мунтазам педагогик-психологик ташхис ўтказиш кабилар.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг ўқувчиларни касбга йўллашга оид фаолиятини синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, мактаб раҳбарияти ва психологи, ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари маъмурияти фаолияти билан мужассамлаштирган ҳолда амалга ошириши керак. Ўқувчиларни касб-ҳунарга тўғри йўллашда меҳнат хонаси, лаборатория ва устахоналар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Меҳнат таълими ўқитувчиси уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки ўқувчиларда муайян меҳнат ва касб тури ҳақидаги билим, тушунча ва тасаввурлар уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар дастлаб шу ерда ҳосил бўлади.

Маълумки, меҳнат ва касб-ҳунарга бўлган муҳаббат, эътиқод, барча ўқув фанлари таркибида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам технология дарсларида фанлараро алоқадорликка алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш орқали ижтимоийлаштиришга оид фаолиятини турли ўқув фанлари ўқитувчилари ва синф раҳбарининг бу соҳадаги ишлари билан уйғунлаштириш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бунинг учун:

– турли ўқув фанлари, фан тўгараклари ва синфдан ҳамда мактабдан ташқари тадбирларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш;

– технологик билимлар, меҳнат ва касбий кўникмалар ёрдамида ўқувчиларни касбга йўналтириш орқали ижтимоийлаштиришга эришиш;

– ўқувчиларнинг муайян мақсадга йўналтирилган ижтимоий аҳамиятлилик даражаси юқори бўлган ўқув топшириқларини бажаришларини таъминлаш;

– жамият ҳаёти учун аҳамиятли бўлган меҳнат ва касб-ҳунарнинг турли соҳаларига ўқувчиларнинг қизиқишларини табақалаштирилган ёндашув асосида шакллантиришга эришиш;

– ўқувчиларни муносиб касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида, мактаб ўқитувчилари, фирмалар, ишлаб чиқариш корхоналари, ижодий жамоалар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда ташхис марказ-



лари ҳамкорлигини йўлга қўйиш. Бундай ҳамкорлик натижасида ўқувчилар орасида ижтимоий аҳамиятлилик даражаси юқори бўлган касблар тарғиботини амалга ошириш лозим.

Табиий-математик ҳамда иқтисодиётга оид ўқув фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчилар муайян иқтисодий ҳудуд учун зурур бўлган касблар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятлилик даражаси билан таништирилишлари лозим. Ўқувчиларни эса, мазкур касбларга йўналтириш, уларни эгаллаш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни сингдиришлари зарур.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида касбларнинг ижтимоий, ғоявий, ахлоқий асослари, шахслараро ва давлатлараро муносабатлар доирасида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш лозим.

Муайян фан ўқитувчиси ўқувчиларни касбга йўналтиришда ўзи ўқитаётган ўқув фани имкониятларидан унумли, ўринли, мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши талаб этилади. Улар ҳам меҳнат ўқитувчиси билан бир қаторда, ўқувчиларнинг майллари, қизиқишлари, касбий танловлари, интилишлари, ижтимоий қарашларини ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Ўқитаётган фани доирасида касбга йўналтириш жараёнини фаоллаштириши учун ўқитувчининг ўзи етарли даражадаги ижтимоий-иқтисодий билимдонликка эга бўлиши керак. Бунинг учун у ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг ижтимоий-педагогик мақсадлари, хусусиятлари, вазифалари ва ўз фани доирасидаги имкониятларини яхши билиши талаб этилади. Шу мақсадда фан ўқитувчилари қуйидаги ишларни амалга оширишлари керак:

– дарс материаллари таркибига мақсадга мувофиқ тарзда ўқувчиларни касбга йўллаш ва ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган ўқув маълумотларини сингдириш;

– муайян мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда ўқувчиларга касблар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида маълумот берувчи ўқув материалларини киритиш;

– мақсадга мувофиқ тарзда кўргазмали ва аудио-видео визуал воситалардан фойдаланиш;

– ўзи ўқитаётган фаннинг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда касблар ва касб эгаларининг ижтимоий мавқеи ҳақида маълумот берувчи адабиётларни ўқувчиларга тавсия этиш;

– ўз фани билан боғлиқ соҳаларда фаолият кўрсатган ёки кўрсатаётган машҳур кишилар билан ўқувчиларни таништириш;

– ўқувчиларнинг ўз соҳаларига бўлган қизиқишлари ва майлларини ўрганган ҳолда, олинган натижаларни синф раҳбарлари, мактаб психологи ва ота-оналар билан муҳокама қилиш;

– ўз фанлари ва шу соҳага оид касбларга бўлган қизиқишларни ўқувчиларда ривожлантириш мақсадида, улар билан якка тартибда ишлашга эришиш;

– мактабдаги касбга йўналтириш хонасида жойлаштирилган материалларни ўз фанига оид ўқув маълумотлари ва кўргазмалар билан бойитиш кабилар.

Буларнинг барчаси ўқувчи-ёшларни истиқболда ижтимоий фаол шахс сифатида шаклланишларига кўмаклашади.

## 2.2-§. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг усул ва методлари

Шахсни касбга йўналтириш асосида ижтимоийлаштириш масаласига дастлаб 1908 йилда Америкада асос солинган. Ўша даврда бу муаммони мумкин кадар ечиш учун Бостонда касбга йўналтириш уюшмаси ташкил этилган. Бироқ ёшларни касбга йўналтириш орқали ижтимоийлаштиришга оид ёндашувлар ундан анча олдин пайдо бўлган эди. Бу муаммонинг ечимига бўлган эҳтиёж кишилик жамиятининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. Чунки, шахсни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш эҳтиёжи жамиятда муайян касбга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир.

Инсон ва унинг касб-кори жамият ҳаёти учун қанчалик зарурлиги асрлар давомида асосланиб, исботланиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда эгаллаган билим, кўникма, малакаларини ташхислаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтмишда ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда турли усул, восита ва шакллардан фойдаланилган. Касбга йўналтириш орқали ижтимоийлаштиришда ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши, билим даражаси, ташки қиёфаси, ўзини тутиши, мулоқот кўникмалари ҳисобга олиниши



лозим. Айниқса, меҳнат кўникмаларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўрганиш асосида улар орасидан у ёки бу касбни эгаллашга иқтидори кучли бўлганларини аниқлашлари лозим. Бундай танловларни мумкин қадар тантанали тарзда ўтказиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бундай тантанали маросимларнинг мавзулари олдиндан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилиши керак.

Азал-азаллардан ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Ўқувчилардаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш мақсадида, турли кўргазмалар ташкил этиш муҳимдир. Кўргазмаларда иштирокчи ўқувчилар ўзларининг жисмоний, руҳий, физиологик хусусиятларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар. Бундай жисмоний, руҳий кўрсаткичлар сирасига ўқувчиларнинг бўйи, вазни, зарба бериш, кўл кучи, эсда сақлаш қобилияти, рангларни фарқлай олиши, кўриш имконияти кабиларни киритиш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини қайси касблар кўпрок жалб этишини турли суҳбатлар, анкеталар, социологик тадқиқотлар ёрдамида мунтазам аниқлаб бориш керак. Ўқитувчи ўқувчиларга тез-тез саволлар билан мурожаат қилиб туриши лозим. Жумладан, “Мактабни битиргандан кейин сен қайси касб-ҳунар коллежига ўқишга борасан?”, “Нима учун айнан шу коллежда ўқимоқчисан?”, “Сен келажакда қандай касб эгаси бўлишни ҳохлайсан?”, “Нега айнан шу касбни эгалламоқчисан?”, “Мазкур касбнинг ижтимоий аҳамияти нимадан иборат?”, “Сенинг ота-онанг қандай касб эгалари, улар ўз соҳаларида қандай ютуқларга эришганлар?” каби.

Ўқитувчилар мазкур саволларга жавоб олиш билан бир каторда ҳар бир ўқувчи ҳақида маълумотлар ҳам тўплашлари лозим. Маълумки, ўқувчиларни касбга йўллаш мақсади, уларни ижтимоийлаштириш ва меҳнат бозорига тайёрлаш мақсади билан уйғун тарзда амалга оширилиши лозим. Ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ва меҳнат бозорига тайёрлаш мақсади қуйидагича аниқланади:

- ўқувчиларни ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатига тайёрлаш, уларда шахсий сифатлар ва ўзига хос хусусиятларни таркиб топтириш;

- жамиятга фойда келтириши нуқтаи назаридан эҳтиёжлар ва имкониятларни муваффақиятли уйғунлаштириш;

- жамиятда ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш учун унумли меҳнат қилиш иштиёқини ҳосил қилиш;

- ўқувчиларда ижтимоий бурч, меҳнатсеварлик, меҳнатга онгли муносабат, жамоавий бирлик, ташкилотчилик, интизомлилик хислатлари, фан асосларидан мустаҳкам билим асослари, техника, технология ва иқтисодиётга қизиқиш ҳосил қилиш зарурдир.

Мактабнинг ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш соҳасидаги вазифаси ёшларни касб-ҳунарга йўллаш ва ижтимоийлаштириш мақсади билан уйғундир. Бу мақсад қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо қилмоқда:

1. Касблар ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида маълумот беришга қаратилган ишларни амалга ошириш; ўқувчиларни профессиограммалар ва муайян касбларга нисбатан жамият эҳтиёжлари билан таништириш, малакали мутахассисларга яратиладиган шарт-шароитлар, уларга бериладиган ойлик маош ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш.

2. Жамиятда кадрларга бўлган эҳтиёж, қайси касб эгалари етишмаётганлиги, мазкур касбларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, меҳнат бозорида тутган ўрни ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиш; бунинг учун ўқитувчилар оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан унумли фойдалана олишлари лозим. Бундан ташқари, касблар ташвиқотига бағишланган махсус хонани плакатлар, турли расмлар, буклетлар, стендлар, видео фильмлар ёрдамида жиҳозлаш талаб этилади.

3. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришнинг муҳим методларидан яна бири – касбий ташхислашдир; бунинг учун ҳар ўқув чораги якунида ўқувчиларни ялпи ташхислашдан ўтказиш лозим. Шу мақсадда ўқитувчилар анкеталар, тестлар, техник воситалар ҳамда олинган натижаларни қайта ишлаш усулидан фойдаланишлари талаб этилади.

4. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш усулларидан яна бири – касбий маслаҳатдир; бу жараёнда ўқитувчи ўқучиларга касб танлаш ва бу соҳада улар дуч келаётган муаммоларни ечишларига кўмаклашади.

5. Ўқувчилар ўзлари танлаган касблари бўйича ҳосил қилган



дастлабки кўникмаларини синовдан ўтказиш усули ҳам алоҳида аҳамиятда эга; бунда улар касб-ҳунар коллежлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, фирмаларда дастлабки касбий кўникмаларни синовдан ўтказадилар. Меҳнат жамоаси ҳаётига мослашишга ҳаракат қиладилар, ўзлари танлаган касб эгалари билан мулоқотга киришадилар ва мазкур касбнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини англай бошлайдилар.

6. Мактабда ўқувчилар танлаган турли касбларга уларни мослаштириш усулидан ҳам кенг фойдаланиш лозим; бунда мактаб устахоналари, ўқув лабораториялари, касб-ҳунарга йўллаш хоналари имкониятларидан унумли фойдаланиш талаб этилади.

7. Мактабнинг ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида уларни ижтимоийлаштириш соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилиш ҳам муҳимдир.

Технологик таълим жараёнида ўқувчиларга касбий таълим бериш ўзига хос йўналишларига эга. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида уларни ижтимоийлаштиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири, ўқувчиларга турли касблар ҳақида маълумот беришдан иборат. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- уларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари билан таништириш ва мазкур соҳада меҳнат қилишга жалб этиш;

- бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланган шароитда турли соҳаларни кадрларга бўлган эҳтиёжидан ўқувчиларни хабардор этиш;

- ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, бирлашмалардаги меҳнат шароитлари билан ўқувчиларни таништириш,

- меҳнат соҳаларига бўлган талаблардан ўқувчиларни хабардор этиш;

- ўқувчилар эгаллаган касблар уларнинг руҳий, физиологик сифатларига қай даражада таъсир этиши ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш;

- касблар ҳақида зарур маълумотларни тўплашнинг йўл ва усуллари билан таълим олувчиларни таништириш;

- муайян касбларга тўланадиган иш ҳақи ҳақида ўқувчиларни хабардор этиш кабилар.

Шу билан бир қаторда ўқувчилар, меҳнатга оид ва технологик

тушунчалар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини ҳам билишлари лозим. Жумладан: меҳнат маданияти, касбий этикет, уларнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатлардаги ўрни, меҳнат интизоми, унинг шахснинг ижтимоий мавқеини белгилашдаги моҳияти, ўз фаолиятини режалаштириш принциплари, келажакда ўзи фаолият кўрсатадиган меҳнат муассасасининг таркибий тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шахс фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари, малакали меҳнатнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ҳоказолар.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш вазифалари, уларни меҳнат бозори эҳтиёжларидан хабардор қилиш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир. Ўқувчиларни касбга йўллаш жараёни уларни касблардан хабардор этиш, муайян касбларни ташвиқот ва тарғибот қилиш каби қисмлардан иборат бўлади. Бу соҳадаги ишлар ижобий натижа беришини таъминлаш учун ўқитувчи кенг кўламдаги педагогик такт, усул ва воситалардан фойдалана олиши керак. Ўқувчиларни жамият ва давлат кучли эҳтиёж сезаётган касбларга йўллаш жараёнида уларга у ёки бу даражада босим кўрсатишдан сақланиш керак. Чунки ўқувчиларга босим кўрсатиш натижасида уларнинг қизиқиш ва интилишларини сўндириш мумкин.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда таяниладиган муҳим принцип уларга тавсия этилаётган касбларнинг ҳаётийлигидир.

Маълумки, ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш тизимида дарс муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараённинг асосий мақсади, ўқувчиларни касбга йўллаш орқали уларни ижтимоийлаштиришдир. Шунинг учун ҳам дарснинг асосий қисми ўқувчиларни касбга йўллаш орқали ижтимоийлаштиришга қаратилиши лозим. Бу жараёнда ҳар бир ўқитувчининг вазифаси касблар ҳақида маълумот бериш ҳамда дарс мавзуси ва мазмунини ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтиришдан иборатдир. Дарсларда ўқувчиларни ижтимоийлаштириш суҳбатлар, ҳикоялар, вазиятли вазифаларни ечиш, адабий манбалардан фойдаланиш, овозли ёзувлар билан ишлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, технологик таълим дарслари ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида



ижтимоийлаштиришда муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда конструкциялаш, режалаштириш, маҳсулотлар тайёрлаш каби амалий методлардан фойдаланиш мумкин. Бундай амалий машғулотлар ўқувчиларнинг касб танлаши ва ижтимоийлашувига ижобий таъсир кўрсатиши учун турли усул ва методларни мужассамлаштирган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, муайян касб эгалари ва уларнинг жамиятдаги мавқеи ҳақидаги суҳбатлар ташкил этиш, замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақидаги видео ёзувларни намойиш қилиш, меҳнат шароитлари ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳақида кўргазмали воситалар ёрдамида ўқувчиларга маълумот бериш, технологик жараёнлар ва уларга қўйилган талаблар билан таълим олувчиларни таништириш кабилар.

Дарсдан ташқари вақтларда ҳам ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришга йўналтирилган самарали педагогик фаолиятни амалга ошириш мумкин. Бунда дарсдан ташқари вақтларда турли тадбирларни ташкил этиш назарда тутилади. Бунда мактабдаги тўгараклар, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари алоҳида аҳамиятга эга.

Муҳим тадбирлардан бири, синф раҳбари, фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш фаоллари билан ўтказиладиган суҳбатлардир. Бундай суҳбатларни муайян касб билан ўқувчиларни таништириш мақсадида, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим. Бундай суҳбатларни қуйидаги режа асосида ўтказиш мумкин:

1. Муайян касб ҳақида умумий маълумот бериш; мазкур касбнинг жамият ҳаёти ва мустақил мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрнини тафсифлаш, мазкур касбнинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари ҳақида маълумот бериш, мазкур касб билан боғлиқ бўлган асосий мутахассисликлар билан таништириш, ушбу касбнинг сара намояндалари ҳаёти ва фаолиятидан лавҳалар келтириш.

2. Муайян касбнинг ишлаб чикариш жараёни билан боғлиқ жиҳат -ларини тавсифлаш; муайян касбнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш, мазкур касбнинг истиқболлилик даражасини тавсифлаш, муайян меҳнат турининг асосий предмети, воситалари ва берадиган маҳсулоти ҳақида маълумот бериш, меҳнат фаолиятининг мазмуни ва тавсифини баён қилиш,

мазкур меҳнат турини автоматлаштириш кўламларини тушунтириш, мазкур соҳа эгаларининг умумий ва махсус билимлари, уларнинг маънавий сифатларини тавсифлаш, муайян касбнинг турдош касблар билан алоқадорлигини очиш.

3. Муайян касбга хос меҳнат шароити ва у касб эгаларига қуйиладиган талабларни баён этиш; меҳнатнинг санитар-гигиеник талаблари билан таништириш, муайян меҳнатнинг шахснинг ёш хусусиятлари ва саломатлиги билан боғлик жиҳатларини кўрсатиш бериш, муайян меҳнат турига хос бўлган ижодкорлик элементларини кўрсатиш, меҳнат турига хос бўлган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларини баён этиш, муайян касб эгасининг жисмоний ҳамда руҳий сифатларига қўйиладиган махсус талабларни кўрсатиш, малакали мутахассиснинг касбдошларидан фарқ қиладиган сифатларини баён қилиш, муайян меҳнат тури билан боғлиқ махсус шарт-шароитларни кўрсатиш, касбнинг мутахассис ҳаёт тарзига кўрсатадиган таъсирини очиб бериш, муайян меҳнат фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, уларни тавсифлаш, меҳнат жараёнини ташкил қилиш, унга хақ тўлаш, меҳнат таътили бериш ва унинг аҳамиятини баён этиш.

4. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоий лаштириш тизими; касбий кўникмаларни эгаллаш йўлларини кўрсатиш, касб-ҳунарга йўналтирилган гурухли ҳамда индивидуал таълимни тавсифлаш, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари ҳақида маълумот бериш, мактабдаги ўқув жараёнининг ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш имкониятларини кўрсатиш.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда касбий маслаҳат муҳим аҳамиятга эга. Касбий маслаҳат ўз моҳиятига кўра ўқувчиларнинг касбий ўз-ўзини аниқлашларига имкон берадиган педагогик жараёндир. У ўқувчиларнинг онгли тўғри касб танлашларига кўмаклашиши лозим. Касбий маслаҳат мактаб таълимининг барча босқичларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир[71; 149-б].

Касбий маслаҳат жараёнида ўқувчининг касбий мойиллиги, мослашувчанлиги, қизиқишлари, руҳий, жисмоний, физиологик хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. 7-9-синфларда бундай маслаҳатлар касбий маслаҳатчилар билан ўқитувчи ҳамкорлигида



ташкил этилади.

Кўпинча мактабларда касбий маслаҳатларни ташкил этишга эътибор қаратилмайди. Касбий маслаҳатларни қуйидаги йўналишларда ташкил этиш алоҳида педагогик аҳамиятга эга: педагогик-психологик, тиббий, ахборот берувчи-таништирувчи, маълумот берувчи-ахборотли кабилар. Педагогик-психологик йўналишдаги касбий маслаҳат ўз мақсадига кўра ўқувчиларнинг ўзларини жамият ва ижтимоий меҳнат жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида ҳис этишларига кўмаклашишдан иборат.

Тиббий йўналишдаги касбий маслаҳат ўқувчининг меҳнат жараёни ва муайян касбга тиббий жиҳатдан яроқлилигини англаб етишига кўмаклашади. Улар ўз жисмларининг физиологик хусусиятларини билишга интиладилар.

Ахборот берувчи-таништирувчи йўналишдаги касбий маслаҳат эса, ўқувчиларда муайян касб-ҳунар, унинг жамият ҳаёти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида кенг кўламли тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

Маълумот берувчи-ахборотли йўналишдаги маслаҳатлар эса, махсус касбий таълим олишнинг аниқ имкониятлари ҳақида ўқувчиларга маълумот беришга қаратилгандир. Ишга жойлашиш, унинг жойлашиш ўрни, таълимни давом эттириш имкониятлари, ўқувчиларга бўлган талаблар, ишга жойлашиш имкониятлари, касбий ва лавозим жиҳатдан ўсиш истиқболлари ва хоказолар.

Ўқувчиларни уларнинг касбий мойилликларига кўра муайян касбларга йўллаш ҳам бир қатор педагогик хусусиятларга эга. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш фаолиятининг таркибий кисми сифатида уларни касблар бўйича табақалаштирган холда танлашдир. Муайян касб билан боғлиқ меҳнат фаолиятини бажара оладиган шахсларни ишонч билан танлаш педагогдан алоҳида масъулиятни талаб қилади. Бу жараёнда шахснинг касбий яроқлилигига таянилади. Касбий яроқлилигини аниқлашда ўқувчиларнинг физиологик, жисмоний, руҳий ҳамда интеллектуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Ўқувчиларни муайян касбларга тўғри йўллаш ва уларни мазкур соҳада самарали фаолият кўрсатишларига эришиш меҳнатни илмий асосда тақсимлаш ҳамда жамият аъзоларини муваффақиятли ижтимоийлаштиришни илмий асосда ташкил этишнинг муҳим бўғинидир.

Касбий танлаш тушунчаси остида илмий, педагогик асосда ташкил этилган жараён тушунилади. Бу жараённинг асосий мақсади илмий асосланган методлар ёрдамида бўлажак мутахассиснинг касбий яроқлилик даражаси ва руҳий-физиологик ҳамда ижтимоий ишчанлик имкониятларини аниқлаган ҳолда уларни муайян касбга тўғри йўналтиришдан иборатдир.

Ўқувчиларни касбий мослаштириш уларни ижтимоийлаштиришнинг асосий босқичи ҳисобланади. Бу ўқувчиларнинг ўз касбий йўналишини аниқлаши жараёнида ҳосил бўлади. Бу босқичда касбий йўналишнинг тўла аниқланмаганлиги ҳамда касбий кўникмаларнинг шаклланмаганлиги намоён бўлади. Шу тариқа янги қизиқишлар, эҳтиёжлар, кўникмалар, нуқтаи назарлар вужудга келади. Бунинг натижасида ўқувчиларда аниқ ҳаётий режалар туғилади. Шунинг учун ҳам мослашиш жараёни ўзининг аниқ мезонларига эгадир.

Ўқувчиларнинг ижтимоийлашиши уларнинг келгусида эгаллайдиган касбларида самарали фаолият кўрсатишларини таъминлайди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнларини мутахассис кадрлар билан самарали таъминлаш имконияти вужудга келади.

Касбий ҳамда ижтимоий мослашув ўқувчиларни ёшлигидан бошлаб меҳнатга ўргатиш имконини беради. Агар ўқувчи мактаб ер участкасида иштиёқ билан ишласа, тирик табиат бурчакларида ҳайвонлар ва қушларни парвариш қилса, уйда ота-оаналарига кўмаклашса унда дастлабки меҳнат кўникмалари, фермерлик касбига иштиёқ шаклланади.

Ижтимоий-руҳий мослашув бўлажак мутахассисни хулқ-атвор меъёрлари билан таништириш, муайян ижтимоий касбий гуруҳда фаолият кўрсатишга ҳозирлигини таъминлайди. Бу тизимда ўқувчи меҳнат жамоасининг мақсад ва вазифалари билан таништирилади, жамоанинг анъаналари, ишчи-ходимлар ва раҳбарлар орасидаги муносабат, меҳнат жамоаси бўлимларининг ўзаро алоқадорлиги, ходимнинг фаолият кўрсатиши ва уни баҳолаш мезонлари билан таништириладилар.

Ўқувчиларни меҳнат жамоасига ижтимоий мослаштиришда қуйидагиларга таяниш лозим:

1) Ўқувчини янги вазиятлар билан таништириш; бу вазиятга мослашишда бўлажак ходим қадриятлар янги тизимининг элементларини эгаллашга йўналтирилади. Масалан, ички тартиб-интизом қоидалари ўгатилади.

2) Вазиятга кириш босқичи; бу жараёнда ўқувчи ўзи келажакда фаолият кўрсатадиган меҳнат жамоасига бир қадар тўлиқроқ мослашади. У ердаги қонунларни ўзлаштириб боради.

Маълумки, ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш жараёни педагогик нуқтаи назардан ёндашилган ҳолда ташкил этиладиган ўқув-тарбия жараёнидир. Бу жараён натижасида микросоциумда эркин фаолият кўрсатадиган, муайян касбий кўникмаларни эгаллашга тайёр ёшлар шаклланади. Бу вазифа ўқув жараёни билан бир қаторда дарсдан ташқари таълим-тарбия тизимида ҳам амалга оширилади. Бу тизимда ўқувчилар муайян касбни эгаллашга йўналтириладилар ва ушбу касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириладилар. Шу тариқа, ўқувчиларда меҳнат ва касбий фаолиятга нисбатан барқарор эҳтиёж вужудга келтирилади. Бу ҳолат мактаб таълимининг якунида вужудга келади.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш жараёнида уларнинг руҳий-физиологик ҳолатлари аниқ ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчи онгли тарзда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касбни танлаши учун бир қатор касбларнинг ўзига хос хусусиятларини етарлича билиши талаб этилади. Бунда ўқитувчилар муайян касбларга хос бўлган қийинчиликлардан ўқувчиларни батафсилроқ хабардор қилишлари лозим. Шундагина улар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан чўчимайдилар. Ўқувчиларни муайян касб-ҳунарга йўллаш учун мазкур касбларнинг профессиограммаси тузилиши ва улар ушбу профессиограммалар билан мунтазам таништирилишлари керак. Ўқитувчи профессиограмма мазмунига, биринчи навбатда, қуйидагиларни сингдириши лозим:

1. Муайян касб эгаси бўлган мутахассисга жамиятдаги эҳтиёж, янги техника ва технологияларнинг қўлланиши билан боғлиқ тарзда ушбу соҳанинг ривожланиш истиқболлари.

2. Тавсифланаётган касбнинг ўзига хос хусусиятлари, меҳнат кўлами, объектлари, воситалари.

3. Мазкур касб эгасига қўйиладиган талаблар; масалан, масъулиятлилик, ташаббускорлик, мазкур касб билан боғлиқ бўлган

иқтисодий ҳолатлар, унинг иқтисодий аҳамияти, жамият ҳаётидаги ўрни, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган санитар-гигиеник шароитлар, мазкур касбнинг тиббий ва психофизиологик кўрсаткичлари, мазкур касбнинг гендир жиҳатлари кабилар.

4. Муайян касбга йўналтирилган ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларига қўйиладиган дастлабки талаблар.

5. Муайян касб эгаларининг иқтисодиётдаги ўрни ва улар меҳнатига хақ тўлаш имкониятлари.

Ўта масъулиятли касблар ва улар билан боғлиқ меҳнат шароитлари ҳақида ҳам ўқувчилар аниқ профессиограммалар ёрдамида хабардор қилинадиар. Шу мақсадда профессиограммалар мунтазам тўлдирилиб борилиши керак (4-иловага қаранг).

Ўқитувчилар профессиограммаларни муайян йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, корхоналар, фирмалар маъмурияти ва мутахассислари билан ҳамкорликда тузишлари ҳамда тўлдириб боришлари лозим. Ўқув суҳбатлари ёрдамида ўқувчилар профессиограммалар билан батафсил таништирилишлари керак. Ўқувчилар уларда алоҳида қизиқиш ўйғотадиган касбларга муваффаққиятли йўналтирилишлари учун эргономик лабораторияларда кузатишлар ва саёҳатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда мактаб ҳамда оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Ўқувчиларда касбий қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ривожлантирилиши ўқитувчи ҳамда ота-оналарнинг мустаҳкам ҳамкорлигини такозо қилади. Ўқитувчи муайян ўқувчи билан боғлик оилавий ҳамда сулолага хос касбий анъаналарни ҳам ҳар томонлама ўрганиши лозим.

Ўқувчиларда касблар ҳамда ижтимоий воқеликка нисбатан кучли қизиқишнинг ҳосил бўлишида китобхонлик ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчилар бадиий адабиёт намуналари билан танишиш натижасида ўзлари севган қаҳрамонларнинг касб-корига ҳавас қиладилар, уларга тақлид кила бошлайдилар.

Ўқувчиларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва баҳолаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш мумкин:

1. Ўқувчиларнинг ўзига хос сифатлари ва касбий интилишлари ўқитув- чилар, ота-оналар ҳамкорлигида таҳлил қилиниши;



2. Ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари ва лаёқатлари аниқ баҳола- ниши;

3. Ўқувчиларнинг ўз баҳолари билан уларга берилган ташқи баҳоларни ўзаро таққослаш орқали ўқитувчилар бу баҳоларнинг декватлилигини аниқлашлари кабилар.

Қиёслаш натижасида вужудга келадиган ўқувчининг касбий қизиқиши ва интилишини етарлича баҳоламаслик, уларга ортиқча баҳо бериш, баҳоларнинг ўзаро мос келмаслигини бартараф этиш керак. Ўқувчилар орасида сўровлар ўтказиш орқали уларнинг берган жавоблари ёрдамида касбий интилишлари ва йўналишларини аниқлаш лозим. Табақалаштирилган ва ихтисослаштирилган синфлар ўқувчилариниг касбий қизиқишлари ва интилишлари аниқланиши лозим.

Ўқувчиларни касбга йўллаш орқали ижтимоийлаштириш мактаб жамоасининг умумпедагогик вазифасидир. Шу билан бир қаторда, технологик таълим дарслари ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг асосий сабаби шундаки, технологик таълим жараёнида меҳнат кўникмалари ўқувчиларни муайян касблар билан таништириш орқали ўзаро уйғунликда ҳосил қилинади. Бу жараёнда ўқувчиларда муайян касблар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлади.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришга қаратилган педагогик фаолият технологик таълим жараёнида муайян изчилликда амалга оширилади. 5-7-синфларда технологик таълим жараёнида муайян касблар ҳақида маълумотлар берилади. Ўқувчилар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган оммавий касблар ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари билан таништириладилар. Бу касбларга хос умуммеҳнат кўникмалари эса, мактаб устахоналарида ҳосил қилинади. Шу тариқа, ўқувчилар умумтехнологик тайёргарлик даврини ўтайдилар. Бу жараёнда касбий таълим ва тарбия уйғун тарзда амалга оширилади. Шу тариқа 7-синфдаёқ ўқувчилар ихтисослашган тайёргарлик босқичини бошлайдилар.

Маълумки, ҳар бир соҳа кўплаб касблар ва технологик жараёнларни ўзида мужассамлаштиради. Ўқувчилар муайян меҳнат турларини танлашларида аксарият ҳолларда мунозарали вазиятларга дуч келадилар. Бундай мунозараларга ўқувчиларнинг ота-оналарини ҳам таклиф этиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Техноло-

гик тайёргарликнинг айрим жиҳатлари баъзан эътибордан четда қолмоқда.

Мактаблар иш тажрибасини кузатиш шуни кўрсатдики, ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларидан келиб чиққан ҳолда уларни касбга йўналтиришга ҳаракат қиладилар. Бу нотўғри ёндашув албатта. Зўрма-зўраки касб танлаш натижасида ўқувчилар жамиятда ўз ўринларини топа олмайдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тўғри касбий йўналиш олган ўқувчи муваффақиятли ижтимоийлашади. Шунинг учун ҳам касбга йўналтириш ва касб танлаш ўқувчиларнинг хоҳиш-иродаси асосида амалга оширилиши лозим.

Бунга қандай эришиш мумкин, деган саволга жавоб топиш учун, биринчи навбатда, ўқувчилар ўзлари қизиққан касбнинг хусусиятларини яхши билишлари талаб этилади. Бизнинг мамлакатимизда касб танлаш соҳасида ҳар бир шахсга муайян эркинликлар берилган. Ўқувчиларнинг касб танлашдаги эркинлик ҳуқуқи мактаб педагогик жамоаси томонидан таъминланиши лозим.

Бу ўта муҳим вазифанинг бажарилишини таъминлаш касб танлаш эркинлиги фуқаролик бурчини тушуниш билан, мамлакатимизда барча касблар ҳам керакли ва фахрланишга лойиқ эканлигини ўқувчиларга тушунтириш зарур.

Кузатишларимиз бугунги кунда ўқувчиларнинг аксарият қисми ишчи касбларда ишлашни ҳохламасликларини кўрсатди. Бунинг асосий сабабларидан бири, улар мазкур касбларнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслигидадир. Ўқувчиларда тенг аҳамиятли касбларга ҳавас уйғотиш муҳимдир. Бундай касблар инсоннинг хар томонлама камол топиши, моддий манфаатдорлиги ортиши, жамиятда ўз мавқеига эга бўлишга имкониятлар яратиши билан ажралиб туради.

Технологик таълим дарсларида амалда барча касблар билан ўқувчиларни таништириш имконияти мавжуд эмас. Бироқ, кўпгина касблар билан боғлиқ бўлган талаблардан ўқувчиларни хабардор этиш эҳтиёжи мавжуд. Уларни худди шундай талаблар билан мумкин қадар таништириш орқали, касблар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йилларда жисмоний меҳнат жараёни жадал технологиялаштирилмоқда. Шахснинг ақлий меҳнат фаолиятига қўйиладиган талаблар ортмоқда. Шахснинг



меҳнат жамоасида ўзини тутиши билан боғлиқ янги талаблар вужудга кемоқда. Ўқувчиларни бу талаблар билан таништириш ҳам технологик таълим жараёнининг вазифаларидан биридир.

Ўқувчиларни касбга йўллаш муҳим ижтимоий-педагогик вазифа бўлиб, умумий ўрта таълим тизимида бунга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кўпинча синф раҳбарлари ҳар бир ўқувчи учун алоҳида варақа очиб, ҳар бир таълим олувчи ҳақидаги маълумотларни қайд этади. Жумладан, ўқувчининг ўзлаштириш даражаси, қизиқишлари, шахсий сифатлари, у ёки бу касбга бўлган муносабати мазкур варақада акс эттирилади. Агар ўқувчининг қизиқишлари барқарор бўлса, синф раҳбари унда танлаётган касбига нисбатан интилиш, лаёқатни аниқлашга киришади. Ўқувчининг соғлиги у танлаган касб талабларига тўғри келмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Шундай тиббий хулосалар бўлган тақдирда ўқитувчи муайян касбнинг мазкур ўқувчи саломатлигига кўрсатадиган таъсирини унга яккама-якка суҳбат жараёнида батафсил тушунтириши керак. Шундан сўнг ўқитувчилар ўқувчининг ота-онаси билан суҳбатлашиб, болани бошқа касбга қизиқтиришга ҳаракат қиладилар. Лекин бу ишни хушмуомалалик, эҳтиёткорлик билан бажаришлари лозим, акс ҳолда ўқувчиларнинг кўнгли чўкиши, ўзини тўлақонли одам эмасдек ҳис этиши мумкин.

Ўқувчилар касб танлаётганларида ўқитувчилар ўз таъсирларини ўтказишга ҳаддан ташқари интилмасликлари керак. Бу ўринда эҳтиёткор бўлиш ва ўқувчилар ушбу касбга чиндан ҳам қизиқадиларми ёки бу қизиқиш тасодифийми, деган саволга жавоб излашлари лозим.

Касбга йўллаш ишларини амалга оширишда мактабнинг реал иш шароитларини ҳисобга олиш талаб этилади. Мамлакатимиз турли ҳудудларининг ишлаб чиқариш базаси бир хилда эмас. Масалан, агар гап Қора денгизга, яъни курорт зонага яқин жойлашган шаҳар ҳақида борадиган бўлса, ўқувчиларнинг кўпчилик қисми келгусида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш кераклигини эътиборга олиши талаб этилади. Ҳудуд иқтисодиёти меҳнат билан таъминлаш имкониятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бироқ инсоннинг индивидуал хусусиятлари ҳам, одатда, қатор касбий талабларига жавоб беради. Шундай қилиб, касб танлашга йўллаш ишини давлатнинг у ёки бу касбга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга

олган ҳолда ва ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳамда иштиёқларини эътиборга олган ҳолда олиб бориш мумкин.

Касб танлашга йўллаш иши 8-9-синфларда алоҳида ўринни эгаллайди. Бунда бир томондан касб танлашга йўллаш иши бевосита технологик таълим дарсларида давом этиб, ўқувчилар ўзлари танлаган меҳнат тайёргарлиги таркибига кирувчи касблар тўғрисида тасаввур олишади, яъни касбга интилиш гўё "торайиб боради". Бошқа томондан эса "Ишлаб чиқариш асослари", "Касб танлаш" ўқув курсларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни халқ хўжалигининг асосий касблари ва ихтисосликлари билан таништириш юзасидан тизимга солинган касбга йўллаш иши бошланади. Мазкур предметда технологик таълим дарсларида, фан асослари ўрганиладиган дарсларда ўқувчилар касблар тўғрисида олган билимлари умумлаштирилади.

Шундай қилиб, 8-9-синфларда маълум даражада ўқувчилар олдига қарама-қарши вазифа қўйилади. Ўқувчилар кенгайтирилган технологик таълим босқичини ўтаб, қатор ўхшаш касблар элементларини (масалан, металга ишлов бериш учун слесарлик, токарлик, фрезерчилик иши...) ўзлаштириб оладилар. Ҳар бир бўлим бўйича компетенциялар келтирилиши керак.

Бунинг натижасида у бошланғич касб тайёргарлигига эга бўлади ва бу тайёргарликни махсус касб-ҳунар таълими жараёнида давом эттиради. Айни пайтда ўқувчиларда касблар ҳақидаги изчил тасаввурлар шакллантирилади. Ўқувчилар эса, бу касблар орасидан ўзларига мақбулини танлаб олиш имкониятига эга бўладилар. Ўқувчиларда касб танлаш эркинлиги худди шу тарзда вужудга келади. Битирувчи синф ўқувчилари муайян касбий танловга эга бўлишлари лозим. Ўқувчиларни касбга йўллаш жараёнининг мазмуни, шакллари, усуллари, методлари ва воситалари худди мана шу мақсадга хизмат қилиши керак.

Касбга йўналтириш иши икки ёклама характерга эга бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи ҳам, ўқувчи хам муайян вазифаларни бажаради. Шунинг учун ўқувчиларни касбга йўллаш жараёнига қўйиладиган талаб, уларнинг фаоллигига боғлиқ. Мана шу фаоллик натижасида ўқувчилар дастлабки касбий ҳамда ижтимоий кўникмаларни эгаллайдилар. Технологик таълим ўқув фани ўқитувчилари касбий ташхис қўйиш ҳамда касбий маслаҳат бериш маҳоратига



эга бўлсалар, ўқувчиларни касбга йўллаш жараёни фаоллашади.

Технологик таълим жараёнида ўқувчиларни ёғоч, металл ва бошқа материалларга ишлов бериш, электр монтаж ишларини бажариш, машиналарга хизмат кўрсатиш сингари қатор ишчи касблари билан таништириш учун қулай шароит вужудга келтирилади. Устахоналарда машғулотлар ўтказилаётганда у ёки бу мутахассис нима билан шуғулланиши тўғрисида шунчаки маълумот бериш эмас, балки шу касбнинг барча қирраларини баён қилиш, ўзига хос жиҳатларини очиш, меҳнат шароитларини кўрсатиб бериш муҳимдир. Буни амалга ошириш осон эмас, албатта. Бунинг учун ўқитувчи режали тарзда ишлаши лозим.

Ўқитувчилар фаолиятида ўқувчиларни касбга йўллашнинг бир қатор шакл ва методлари қўлланилиши мумкин. Жумладан:

*1. Дарс жараёнида касбга йўллаш.* Масалан, ўқитувчи ўқувчиларни улар устахоналардаги машғулотларида бажарадиган иш билан боғлик касблар билан таништиради. Чунончи, ўқувчилар ёғочга ишлов беришни ўрганаётганларида дурадгор, ёғочсоз, фанера қопловчи, ёғоч кесувчи, ром ясовчи, токарь, пармаловчи касблари ҳақида билиб оладилар. Бундан ташқари, ўқитувчилар корхоналарда ёғочга қўлда ишлов бериш билан боғлиқ ихтисосликлар ўрнини эгаллаган технологлар ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот берадилар, уларнинг иқтисодиётга келтирадиган фойдаси ва жамиятдаги ижтимоий аҳамиятини тушунтирадилар. Ўқувчиларга устахоналардаги машғулотларда металлга ишлов беришни ўргатишда улар қатор чилангарлик ва технологик касблари: тунукачи, асбобсоз, таъмирловчи, йиғувчи чилангарлар, токарь, пармаловчи касблари билан таништириладилар. Шу билан бир қаторда, айрим мавзуларни ўрганиш жараёнида ўсмирларнинг металлга ишлов бериш корхоналари ишчи касблар: термик ишлов берувчи, прокатловчи, пўлат эритувчи ва хоказолар тўғрисидаги тасаввурлари кенгайтирилади. Электр монтаж ишларига бағишланган машғулотларда ўқувчилар электромонтёр, электрочилангар (ремонтчи электромонтёр, электромантажчи чилангар, ўровчи электромонтёр ва хоказо) касблари билан таништириладилар.

*2. Саёҳат дарслари давомида касб танлашга йўллаш.* Саёҳат дарсларида ўқувчиларга ўқув дастури доирасида ва ўқув дастуридан ташқари материал билан таништиришга қулай шароит юзага

келади. Бу имкониятдан ўқувчиларни касб танлашга йўллаш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқувчилар металл ва ёғочга ишлов бериладиган механика цехлари ва фирмаларга саёҳатга борганларида асбоб-ускуналар, замонавий техник воситаларнинг турли турлари билан танишадилар. Бу жараёнда ўқувчиларга цехлар ёки фирмаларнинг ходимлари мазкур станоклар ва техник воситалар билан ишловчи мутахассис-технологлар ҳақида маълумот берадилар. Агар технологларнинг ўзлари ўз касблари ва улари ишлатаётган станоклар, техник воситалар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берсалар, улар мазкур жараёнлар ҳақида анир тасаввурга эга бўладилар.

*3. Тўгаракларда ўқувчиларни касбга йўллаш.* Тўгарак машғулотларида ўқувчиларни турли касблар билан таништириш имкониятлари кенгроқдир. Агар ўқитувчи ўқувчининг техник ижодкорлик, ёғоч, металл кабиларга ишлов беришга мойиллигини сезса, бундай ўқувчилар билан алоҳида ишлаб, уларнинг мазкур касбларга қизиқишларини чуқурлаштиришга кўмаклашиши лозим. Тўгаракларадаги машғулотлар ўқувчиларга битирувчи синфларда меҳнат таълимининг йўналишини танлашда ёрдам беради.

*4. Ишлаб чиқариш илғорлари ва мактабни битиргандан сўнг моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаётганлар билан учрашувлар.* Одатда, мактабни битиргандан кейин саноат корхоналарида ишлаётган кишиларнинг чиқишлари ўқувчиларда катта таассурот колдиради.

Технологик таълим жараёнида ўқувчилар танишадиган касблар анча кўп. Шунинг учун, ўқитувчилар ўқувчиларга ўз касби ҳақида ҳикоя қилиб берадиган ишлаб чиқариш илғорларини топишда қийналмайдилар. Ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда фан асосларига доир билимлардан фойдаланиш тўғрисида ишлаб чиқариш илғорлари баён қилган фикрлар қимматлидир. Умумтаълим билимларига эга бўлмасдан ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг илғор ишчиси бўлиш мумкин эмаслигини ўқувчилар тушуниб оладилар.

Ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар кўпинча тантанали вазиятда ўтади. Ўқувчилар меҳмонларга атаб совғалар тайёрлашади, яхши ўкиймиз, деб мажбуриятлар олишади. Бундай тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Касбга йўллаш муаммосининг муҳимлиги, ёшларни касб-



га йўналтиришга оид бир қанча амалий масалаларни шошилинч равишда ҳал қилишнинг зарурлиги ҳозирги вақтда кўплаб мутахассислар: педагоглар, психологлар, врачлар, иқтисодчилар, социологлар ва ғоят хилма-хил соҳаларда ишловчи амалиётчи ходимларнинг эътиборини ўзига жалб этади. Бу борада кўплаб мутахасисларнинг иштирок этиши ва иш олиб бориши муаммони тўғри ва коплекс тарзда ҳал этиш учун замин ва шароитлар яратиб беради.

Барча касб эгалари олдига аниқ талаблар қўйилади. Касбга йўналтириш жараёнида ўқувчилар мана шу талаблар билан яқиндан таништирилишлари лозим. Биз қуйида 3.1-жадвалда худди шу талабларни келтириб ўтамиз.

Ўқитувчи ўқувчини дарсларда кузатиш, у билан суҳбатлашиш, унинг фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш жараёнида баъзи бир хусусиятлари майлларини аниқлайди ва уларни ривожлантиришга йўналтирилган педаго гик чора-тадбирларни қўллайди.

**3.1-жадвал**

| № | Жамиятда муайян касб эгаларига қўйиладиган талаблар | Касб |
|---|---|---|
| 1 | меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, мутахассислар ва меҳнат аҳлига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш зарурлигини тушуниш ва англаш, ўз ишини режалаштира олиш, назорат қила билиш, иш жойини тўғри ташкил қилиш, ишда тартибли бўлиш, интизомли бўлиш, тоқатлилик, саботлилик, топшириқларни ўз вақтида бажариш, оқилона усулни танлаш, материалларни тежаш, вақтни тежаш | |

Ўқувчининг касбий сифатларини барвақт аниқлаш эса, унга касбни тўғри танлаш, уни муваффақиятли равишда ўзлаштириш, меҳнатда самарали натижаларга эришиш ва жамият ҳаётига мослашиш имконини беради.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда ўқувчиларнинг учдан бир қисмида танлаган касбига нисбатан барқарор қизиқишлар бошланғич синфлардаёқ шаклланар экан. Ўқитувчининг вазифаси – ўқувчиларнинг қизиқишларини мумкин қадар олдинроқ аниқлаш ва ушбу қизиқишларни жамият талаблари даражасида ривожлантириш ва мувофиқлаштиришдан иборат.

Технологик таълим жараёни ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда алоҳида педагогик

имкониятларга эга.

Касбга йўллаш ва технологик таълим жараёни олдига ўқувчиларда дастлабки меҳнат ва касб кўникмаларини ҳосил қилиш асосида уларни ижтимоийлаштиришга қаратилган аниқ мақсад қўйилган. Тажриба-синов жараёнида ушбу мақсад доирасида қуйидаги вазифалар бажарилди:

– 1-4-синф технология дарсларида ўқувчиларда инсон учун меҳнат ва ижтимоий фаолиятнинг асосий зарурият эканлиги, ҳар бир бир инсон жамият олдида ижтимоий бурчга эга эканлиги, ҳар қандай касбни эгаллаш учун мустаҳкам ва чуқур билимлар зарурлигини англатиш;

– ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш орқали уларни жамият фаровонлигини таъминлашга ундаш;

– технологик таълим дарсларида ўқувчиларнинг амалий ҳамда ижтимоий фаолиятини кучайтириш, уларни ижтимоий фаолликка йўналтириш;

– технологик таълим дарсларида ўқувчиларни одамлар меҳнат фаолиятининг асосий соҳалари, уларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашуви саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид энг кўп тарқалган касблар билан таништириш;

– ўқувчиларни хилма-хил материаллар (қоғоз, картон, табиий материаллар, тунука, сим, ёғоч, фанера, пластмасса, толали материаллар) билан ишлашга одатлантириш;

– ўқувчилар билан техник, технологик масалаларни ечиш устида изчил ишлаш;

– турли материалларни ҳосил қилиш, уларни қўллаш ва одамлар турмушидаги аҳамиятини ўқувчиларга ўргатиш;

– ўқувчиларни муайян технологик жараёнларни бажариш учун мўлжалланган асбоблардан фойдаланиш йўллари билан таништириш ва тегишли касблар ҳақида маълумотлар бериш;

– ўқувчиларни профессиограммалар ёрдамида касблар билан таништириш ва уларнинг касбий қизиқишларини аниқлаш;

– технологик таълим дарсларида ҳикоя қилиб бериш, суҳбатлар ўтказиш, касб намояндалари билан учрашиш, диафильмлар кўриш, альбомларни кўздан кечириш ва саёҳатлар уюштириш орқали ўқувчиларда муайян касблар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;



– ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари ва майлларини барвақт аниқлаш ёрдамида уларни муайян касб-ҳунарга йўллаш орқали ижтимоийлаштириш ва ҳ.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда суҳбат методи алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчи суҳбат жараёнига ўқувчиларни жалб эта олиши керак. Шу мақсадда ўқитувчи касблар тўғрисида, айниқса, ота-оналари, қариндошлари ёки таниш-билишлари мазкур касбларда ишлаётганларнинг болалари синфда бўлса шу кишиларнинг касблари ҳақида маълумотлар тўплаш юзасидан ўқувчиларга топшириқлар бериши лозим. Суҳбатлар ҳикоя қилиб бериш, фотосуратлар, техник воситалар ёрдамида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Суҳбатлар жараёнида информацион технологиялардан фойдаланиш алоҳида афзалликка эга. Дарснинг амалий қисми муайян касб эгаларининг меҳнат ва ижтимоий ҳаёти билан боғланиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, “Толали материаллар билан ишлаш” бўлимини ўрганиш жараёнида, ўқувчилар тикувчи, бичиқчи касбларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириладилар. Ўқувчилар орасида муайян касбларни тарғиб қилиш, уларни муайян ҳудуд учун зарур бўлган касблар билан таништириш, уларда барча касбларга нисбатан ҳурмат туйғусини қарор топтириш учун касбларнинг жозибали жиҳатларини намойиш қилишга эришиш лозим.

Бу соҳада дарсдан ташқари вақтларда уюштириладиган саёҳатлар муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришга яхлит педагогик ҳодиса сифатида ёндашиш уларни ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади. Бу тадбир ўқувчилар шахсининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уларни касбга йўналтиришнинг самарали шаклари ва методларини қўллаш имконини беради. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда самарали методларни қўллаш кутилган натижага эришиш имконини беради.

Бу борада кузатиш методи алоҳида афзалликларга эга. Кузатиш - ўқувчиларни ўрганишнинг кенг оммалашган методидир. Бу метод муайян мақсадларни кўзлаган ҳолда қўлланилади. Кузатиш жараёнида якуний натижалар қайд қилинади. Меҳнат ва технологик таълим дарсларида ўқувчилар фаолиятини кузатиш бир қадар қулайдир.

Бу жараёнда ташхисловчи суҳбатлар ҳам ўтказилади. Бундай суҳбатлар алоҳида бир ўқувчи, ўқувчилар гуруҳи ёки бутун синф жамоаси билан ҳам ўтказилиши мумкин.

1-4-синфларда технология дарсларида ўқувчилар фаолияти натижаларини таҳлил қилиш бир қадар қулайдир. Чунки турли ашёларни тайёрлаш чоғида ҳар бир ўқувчининг имкониятлари, умуммеҳнат кўникмалари ва шахсий хусусиятлари яққол намоён бўлади. Бир гуруҳ ўқувчилар техник конструкторлик кўникмаларига эга, иккинчи гуруҳга мансуб ўқувчилар эса, чокларни тикиш кўникмаларини яхши эгаллаган бўлиши мумкин. Яна бир гуруҳ ўқувчилар мактаб ер участкасида ишлаш лаёқатига эга бўладилар.

Ўқувчиларнинг ҳужжатларини ва амалий иш-ҳаракатларини таҳлил қилиш ҳам улар шахсини ўрганишда ўқитувчига муҳим восита бўла олади. Ўқувчилар шахсини ўрганиш уларни касбга йўналтириш ва ижтимоийлаштириш билан узвий боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчининг алоҳида хусусиятларини аниқлаб, унда мавжуд бўлган истеъдод нишоналарини ривожлантирувчи методларни қўллай олиши, унинг хулқ-атворидаги салбий жиҳатларни бартараф этиши лозим. Баъзи ўқувчиларда касбий майллар яққол кўринади, аксарият ўқувчиларда эса, касбий майллар яширин бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларидаги касбий майллар ва истеъдодни аниқлай олиши, бу ҳақида уларнинг ота-оналарини хабардор этиши ҳамда бу майл ва истеъдодларни ривожлантиришда кўмаклашиши лозим.

Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш жараёни уларни муайян касб-ҳунарни онгли равишда танлашларига кўмаклашиш, уларнинг ижодий кобилияти ва ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, жамиятдаги моддий ишлаб чиқариш, фан, техника, технологияларга нисбатан кучли қизиқишни таркиб топтириш имконини беради.

Синфдан ташқари машғулотларда амалга ошириладиган касбга йўналтириш ва ижтимоийлаштириш фаолияти ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва ёш хусусиятларига асосланган ҳолда бир неча босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич - ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш мақсадида, бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш. Бу даврда ўқувчиларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат фаолиятига бўлган қизиқишлари



шакллантирилади. Ўқувчиларда меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш, ишчи номини ҳурмат қилиш, қўлидан келадиган ўз меҳнати билан атрофдаги кишиларга қувонч бағишлаш ва бундан маънавий қониқиш ҳисси таркиб топтирилади.

Бу борада амалга ошириладиган ишлар муайян режа асосида ташкил этилади. Мазкур режага биноан, фермер хўжаликлари, ширкатлар, завод ва фабрикалар, қўшма корхоналарда саёҳатлар уюштирилади. Бошланғич синф ўқувчилари билан мактаб ошхонаси, ўқув устахоналари, технологик таълим хоналари, кутубхоналар, музейлар, ўқув-ишлаб чиқариш лабараториялари, корхоналар, касб-ҳунар коллежларига саёҳатлар уюштирилади. Бундай саёҳатлар даврида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ходимларнинг меҳнати, ушбу меҳнатнинг иқтисодиётда тутган ўрни, хом ашёдан тайёр маҳсулот олишга ёрдам бераётган техник воситалар, технологик жараёнларга ўқувчилар эътибори қаратилади.

Иккинчи босқич 5-7-синф ўқувчиларини меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш устида ишлаш. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда билиш эҳтиёжи, касб танлаш эҳтиёжидан аввалроқ вужудга келади. Шунга кўра, ўқувчиларга уларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришга қаратилган иш турларига қизиқиш уйғотиш муҳимдир. Бу даврда ўқувчилар техника, янги технологиялар, дизайнлик, конструкторлик, ихтирочилик ва кўплаб замонавий касбларга оид синфдан ташқари машғулотлар, муайян мавзуларга бағишланган йиғинлар, викториналар, танловлар ҳамда турли ўйинларда астойдил иштирок этадилар. Натижада уларда ижтимоий мақсадлар шаклланади, иқтисодий манфаатдорлик ҳақида ўйлай бошлайдилар.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришнинг учинчи босқичи 8-9-синф ўқувчилари билан амалга оширилади. Бу даврда ўқувчилар ўз куч-қувватлари, иқтидорлари ва салоҳиятларини аниқ фаолият орқали синаб кўришга ҳаракат қиладилар. Уларда аста-секин тадбиркорлик кўникмалари шаклланa бошлайди. Бу даврга келиб, улар муайян касбни танлаш, уни эгаллашга интила бошлайдилар, микросоциумда муносиб фаолият кўрсатиш, жамиятда ўз ўринларини эгаллаш кайфияти кучаяди.

Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни меҳнат ва касб кўник-

малари воситасида ижтимоийлаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилиши мумкин. Жумладан:

– ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш, меҳнат аҳлига ҳурмат туйғусини сингдириш, унумли меҳнат қилиш ва жамият фаровонлигини таъминлашга нисбатан кучли хоҳиш ва майл уйғотиш;

– ўқувчиларда мавжуд бўлган касбий майлларни барқарорлаштириш;

– мутахассислик ва касб танлаш имкониятлари ҳақида маълумот бериш кабилар.

Техник ижодкорлик ва конструкторлик тўгаракларида амалга ошириладиган касбга йўналтиришга оид тадбирларнинг мазмуни ўқувчиларни мазкур йўналишга мувофиқ келадиган касблар, бу касб эгалари бажарадиган ишлар ҳамда меҳнат жараёни билан боғлиқ технологиялар, ушбу касб эгаларига қўйиладиган талаблар, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш имкониятлари ва уларни тайёрловчи ўқув муассасалари, соҳанинг ривожланиш истиқболлари, бутунжаҳон ихтирочилари, рационализаторлари, конструкторлари жамиятлари ва бирлашмалари билан таништиришдан иборат. Бунинг учун ўқувчиларга, биринчи навбатда, меҳнат соҳалари ва касб доиралари рўйхати тақдим этилади. Шу билан бир қаторда, ишлаб чиқариш жараёнида кадрларга бўлган эҳтиёж, муайян соҳа ходимларини тайёрловчи касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари ҳақида маълумот берилади.

Тўгарак машғулотлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, ўқув дастурларидаги мавзулар ҳамда жамиятнинг иқтисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим. Буниг учун мазкур тўгараклар техник ижодкорлик дастурлари билан таъминланиши лозим.

1-2-синф ўқувчилари ўзлари учун махсус ташкил қилинадиган “Моҳир қўллар”, “Ўйинчоқлар фабрикаси”, “Ёш техник”, “Кичик ўқувчиларнинг эркин устахонаси” каби тўгаракларда шуғулланишлари мақсадга мувофиқдир. Ушбу тўгараклар бошланғич синфларнинг меҳнат хонасида ташкил этилиши лозим. 3-5-синф ўқувчилари бошланғич техник моделлаштириш тўгаралари дастурлари асосида иш кўришлари талаб этилади. Касбга йўналтириш мақсадида ташкил этилган тўгаракларнинг дастлабки ўқув йили дастурлари 6-7-синф ўқувчилари, таълимнинг иккинчи йили



дастури 8-9-синф ўқувчиларига мўлжалланади. Ҳар бир тўгарак бўйича намунавий дастурлар назарий материал ва амалий ишларнинг етарли даражадаги мазмуни ва тавсифини қамраб олиши керак. Мазкур дастурларга кўзда тутилмаган, бироқ у ёки бу мавзуга мувофиқ бўлган конструкциялар ёки моделларнинг иш режасини ҳам тўгарак машғулотлари мазмунига киритиш мумкин. Маҳаллий шароитлар ва тўгарак аъзоларининг қизиқишларига қараб ўрганиладиган материални қисқартириш ёки кўпайтириш талаб этилади.

Тегишли тўгаракда ўқувчиларнинг муваффақиятли шуғулланишлари натижасида уларда фаолиятнинг муайян турига бўлган қизиқиш ортади, ўзлари бажарадиган ишга нисбатан ижобий муносабат қарор топади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари уларнинг касбий майллари ва интилишлари билан боғлиқ бўлади.

Тўгарак машғулотлари даврида ўқувчиларда умумтехникавий, умуммеҳнат ва махсус билимлар ҳамда кўникмалар шакллантирилади.

Ўқувчилар тўгаракларда оддий кўринишдаги ишлаб чиқариш асбоблари ва техник мосламалар билан ишлайдилар. Бундай асбобларни баъзан уларнинг ўзлари тайёрлайдилар. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик тўгаракларидаги фаолияти кўпгина ҳолларда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муайян буюмларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлиши керак.

Техник ижодкорлик тўгараклари машғулотлари учун муҳим вазифалардан бири, ўқувчиларни техникага оид касблар ва соҳаларга йўналтиришдир. Тўгарак машғулотларида ишчилар ва технологлар фаолиятини тавсифлаш, ишлаб чиқариш соҳалари мутахассисларининг вазифалари, иш мазмуни, шунингдек ишчининг самарали ишлаши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, меҳнат қуроллари ва объектлари билан таништиришдан иборат. Техника тўгараги машғулотларида касбга йўналтириш иши тўгарак ишлаб турган бутун давр мобайнида узлуксиз амалга оширилиши учун юқорида кўрсатилганларни ҳисобга олган ҳолда, намунавий дастур бўйича иш режасини тузиш талаб этилади. Қуйида тўгарак машғулотларида ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш тизимини тавсия қиламиз.

## Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоийлаштириш тизими

**3.2-жадвал**

| № | Педагогик жараён | Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш мазмуни | Ижтимоийлаштириш методлари ва усуллари | Ижтимоийлашганлик даражасини ифодаловчи компетенциялар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Кириш машғулоти | Жамият ҳаётида техника ва технологияларнинг ўрни ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари. Фан, техника ва технологияларнинг жамият ҳаётини ривожлантиришдаги ўрнини кўрсатувчи ижтимоий роликлар мазмун, моҳиятини англаш. | Ўз ғояси ва касбий танловини ҳимоя қилишга ўргатиш, махсус адабиётлар мазмунини шарҳлашга ўргатиш | |
| 2. | Техник восита лар ва асбоб-ускуналар | Янги технологиялар бизнинг бойлигимиз ва инсон ақл-заковати маҳсули. Янги техника ва технологиялардан жамият фаровонлигини таъминлашда фойдаланиш ва ўқувчиларнинг уларни ўзлаштириш соҳасидаги мавжуд имкониятлари. Технолог касби билан таништириш.<br>Бугунги кунда қайси касб эгалари янги техника ва технологияларни қўллайдилар. Сиз қандай техник воситаларни ясай оласиз. | Гапириб бериш, намойиш қилиш, суҳбат, савол-жавоб, ясаб кўрсатиш. | |
| 3. | Чизмачилик ва бадиий саводхонлик | Чизмалар ва техник ифодалар. Рассомчилик касби билан таништириш. Материалларни тежаш учун ишни режалаштира олиш. Ясси шаклларни белгилашда ижодий масалаларни ечиш намуналари. | Суҳбат, ҳикоя қилиш, намойиш қилиш, чизиб кўрсатиш. | |
| 4. | Техник, технологик ва конструкторликка оид масалалар | Корхона, фирма, илмий тадқиқот муассасаларининг лабараторияларии ҳамда конструкторлик бюроларига саёҳат. Машиналар, станокларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари билан таништириш. Қўл меҳнатини машиналар хизмати билан таққослаш. Ўзаро ёндош асбоблар, уларнинг вазифаси, асбоблар қандай материаллардан ясалганлиги ҳақида фикр алмашишга ундовчи суҳбатлар. | Саёҳатлар, суҳбатлар, дидактик ўйинлар, лойиҳалар. | |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5. | Ясси бўлакларни конструкциялаш | Республика ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг аъзолари билан учрашувлар ташкил этиш. Техник қурилма бўлакларини оқилона жойлаштиришнинг аҳамияти тўғрисида суҳбат. Ясси шаклларнитайёрлаш термасидан ясси моделлар йиғиш бўйича "Ким тезроқ йиғади" ўйинини. | Учрашув, суҳбат, ҳикоя, ўйин. | |
| 6. | Кичик хажмдаги буюмларни констурукциялаш | Оддий геометрик жисмлардан ташкил топган буюмларни конструкциялаш чоғида лойиҳачининг ижодий иш босқичлари. Конструкторларга бағишланган фильм намойиш қилиш. Турли шаклдаги катта хажмли лойиҳаларданташкил топган транспорт воситалари моделларини йиғишга бағишланган дидактик уйин. | Ҳикоя, суҳбат, намойиш қилиш, лойиҳалаш, дидактик ўйин. | |
| 7. | Техник моделлаш тириш | Моделлаштиришнинг аҳамияти, моделлаштириш билан конструкциялаш орасидаги алоқадорлик. Мавжуд моделлардан илмий тадқиқот жараёнида фойдаланиш имконияти. Тўгарак машғулотларида тайёрланган моделлерни намойиш қилиш ва улардан фойдаланиш. | Суҳбат, намойиш қилиш, изланиш, лойиҳалаш, моделлаштириш. | |
| 8. | Техник ўйинлар ва аттракционлар. | "Ота-оналарингизнинг қайси касб эгаси" мавзусида суҳбат. Ота-оналар меҳнат фаолияти жараёнида фойдаланадиган ускуна ва асбоблар асосида ясалган моделларни намойиш қилиш. Моделлаштиришга бағишланган дидактик ўйинлар. | Суҳбат, ҳикоя, моделлаштириш, дидактик ўйинлар. | |
| 9. | Якунловчи машғулотлар. | Тўгаракда ўқувчилар томонидан амалга оширилган ишларнинг кўргазмасини ташкил қилиш. Кўргазма учун экспонатлар тайёрлаш. Ёзги таътил давомида ўзи танлаган касбига оид материалларни йиғишга доир топшириқлар тизимини белгилаш ва уларни тақсимлаш. | Материалларни тўплаш, вазифалар тақсимлаш, далилларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш. | |

## 2.4. Меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг таҳлили

Тажриба-синов ишларининг якунловчи босқичида ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиб уларнинг касб-ҳунар танлашдаги шахсий мавқеларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда қуйидаги мазмунда суҳбатлар ўтказилди. Масалан, "Мен танлаган касб" мавзусидаги суҳбатда ўқувчилар қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳаракатчан кишилар одатда омадли бўладилар, аксинча қиладиган ишларини ҳадеб ўйлайверадиган ва сусткашлик қиладиганларга омад камдан- кам насиб этади. Бирор-бир ишни бажара олмайман деб кўнгилга келтирдингизми, шу пайтдан бошлаб уни амалга ошириш сиз учун ғоят мушкул бўлиб қолади. Яшаш учун бирор бир ишни билмоқ керак. Бунинг учун энг аввало хар бир ёш авлод билим олиб, касб-хунар эгаллаши лозим.

Муваффақиятни киши хаётда эришган мавкейи билан эмас, балки ўша мувоффақиятни қўлга кирита туриб у қандай тўсиқларни енгиб ўткани билан ўлчаш керак. Хар бир инсон қадр-қиммати унинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланиб ўқишидадир. Хар қандай чуқур билим, фақат мустақкил ўқиш йўли билан орттирилади. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳамма юксалишлар кашфиётлар одамнинг олган билими билан ўлчанади экан.

Билим ёдлаш билан эмас, фикрлаш билан орттирилади. Касб танлашда ҳам инсон энг аввало ўз билимига, кучига таянган холда касб танлайди, хунар эгаллайди. Бу эса ўз навбаттида кишини янада олдинга юксакликка эришишига ундайди. Айтадиларки, "билимим хақида чуқур ўйласам, билдимки хеч нарса маълум бўлмаган". Бу гапнинг тагида олам-олам маъно бор.

Инсон меҳнат қилса, қанчалик ўз устида ишласагина юксакликка кўтарилади. Хар бир одам ниманидир бажармоқ учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган хар бир инсонинг хаётда ўз вазифаси бўлади, олдига қўйган мақсадлари бўлади. Буларга эришиш йўлида хеч нарсадан қўрқмаслик керак. Зое кетган хар бир дақиқа, бой берилган иш, бой берилган фойда десак янглишмаган бўламиз. Вақт олий ҳакам хиобланади. "Ёшликда олган билим, тошга ўйилган



нақш" деб бекор айтмаганлар.

Ота-она фарзандини дунёга келтирар экан, аввало уни қандай инсон бўлиши, жамиятга фойдаси тегадиган қилиб тарбиялаш хақида, илм ўрганиб, яхши касб эгаси бўлишини истайди. Бунинг учун фарзандга ёшлигидан тўғри йўлни кўрсата билиши керак. Ота-онанинг орзуси албатта фарзандининг камолини кўриш, фойдаси тегадиган қилиб тарбиялаш ҳақида ўйлайди.

Мана битта ўқувчининг фикри: Менинг ота-онам ёшлигимдан шифокор бўлишимни хохлашади. Ўзим хам бу касбни эгаллашим учун қанча ўқишим, меҳнат қилишим керак. Мана хозир абутуриентман. Шу касбни эгаллашимда менга ота-онам яқиндан ёрдам бериянди. Шифокор бўлишим учун авваломбор олийгохга "грант" асосида ўқишга киришим керак. Ундан кейин ўз устимда кўпроқ шуғулланишим керак. Шундагина мен ота-онам, балки яқинларим олдида юзим ёруғ бўлади. Бунинг учун мен тинмай ўқишим, изланишим, ўз устимда кўпроқ ишлашим керак.

Ҳеч нарса ҳаётни ягона мақсадга қаратилган фаолиятдек завқли қила олмайди. Мақсад аниқ бўлмаса хеч бир ишни кўнгилдагидек бажариб бўлмайди. Бунинг учун тўхтамай илм олиш, изланиш касб эгаси бўлиш керак.

"Расулоллох" айтганлар " тушимда менга бир идишда сув келтирилди, қонгунумча ичдим, хатто тирноқларимдан сут чиққанини кўрдим". Сахобалар сўрадилар "Ё Расулоллох, сутни нимага йўйдингиз?" деб сўрабдилар, шунда Расулоллох "илмга" деган эканлар.

Шундай деганларидек мен ҳам тўхтамай билим олишим керак. Етук мутахассис бўлишимда ўз кучим, билимимгагина ишона оламан.

Шифокорлик касбини танлашимдан мақсадим, аввалombор жамиятга керакли, фойдаси тегадиган инсон бўлиш, хеч ким касал бўлмагай. Касални даволаш эмас, балки уни олдини олган маъқул бўлганидек инсон ўз соғлиги хақида ўзи қайғуриши керак.

Ҳамма касбни ўз маъсулияти бўлади. Хар бир инсон касб танлашда янглишмаслиги керак. Худо хохласа шу йил ўзим хохлаган шифокорлик касби бўйича йўналтирилган олий ўқув юртига хужжат топширмоқчиман. Бу йил талаба бўлиш бахтига муяссар бўлгайман. Олдимга қўйган мақсадларимга эришиш учун, инсон фақат олдинга интилмоғи зарур.

Хулоса, хеч бир инсон касб танлашда хатога йўл қўймаслиги керак. Тушкунликка тушиш инсон табиати учун хос тушунча десам, муболаға бўлмайди. Лекин бу тушунчани йўқотиш инсоннинг ўз қўлида. Тушкунликка берилиб, олдинга қўйган мақсаддан воз кечиш дегани эмас-ку. Ахир хар бир инсон тақдири ўз қўлида. Бунинг учун у ўзи ҳаракат қилиши керак. Шундагина олдига қўйган буюк мақсадларига эришиши осонроқ бўлади.

Суҳбат якунида ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик ва бир қадар аниқ жавоблар олдик:

1. Касб-ҳунар эгаллашда илмнинг аҳамияти қандай?

2. Ота-онангиз қайси касб эгаси бўлишингизни орзу қилади?

3. Сиз ўз олдингизга қандай мақсадлар қўйгансиз, бу мақсадларга эришишингизда эгалламоқчи бўлган касбингиз қандай аҳамият касб этади?

Тажриба-синов ишларида 1762 нафар ўқувчилар иштирок этдилар. Респондентларнинг саволларга берган жавоблари, ёзма ишларининг таҳлили, уларнинг касб-ҳунар эгаллаш орқали ижтимоийлашиш кўникмалари тажриба синфларида сезиларли даражада ривожланганлигининг гувоҳи бўлдик. Биз респондентларнинг мазкур кўникмаларини қуйидаги мезонлар асосида аниқлашга муваффақ бўлдик:

– ўқувчилар касбларнинг ижтимоий ҳаёт учун зарур эканлигини англаб етганликлари;

– касб ва меҳнат турларини танлаш соҳасида мустақил фикрга эгаликлари;

– касб ва меҳнат турларини мустақил танлаш имкониятига эгаликлари;

– меҳнатсеварлик ва касбий мойилликларини намоён қила олишлари;

– касбий қизиқишларининг барқарорлиги;

– ота-оналарининг меҳнат турлари ва касбларни танлаш борасидаги маслаҳатларини мустақил таҳлил қила олишлари;

– замонавий касбларнинг ижтимоий – иқтисодий имкониятларидан хабардорликлари; касбий танловлари билан ижтимоийлашганлик даражаларининг мувофиқлиги;

ўзлари танлаган касбларининг ижтимоий аҳамиятини очиб бера олишлари.



# ХУЛОСА

1. Касбга йўналтириш жараёни ўқувчиларни муайян касб-ҳунарни онгли равишда танлашларига кўмаклашиш, уларнинг ижодий кобилияти ва ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, жамиятдаги моддий ишлаб чиқариш, фан, техника, технологияларга нисбатан кучли қизиқишни таркиб топтириш имконини беради.

2. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари ёрдамида ижтимоийлаштириш ўзига хос педагогик жараён бўлиб, муайян назарий-амалий асосларга эга.

3. Болаларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни мустақил ҳаётий фаолиятга тайёрлаш соҳасида аждодларимиз томонидан жуда катта педагогик мерос қолдирилган бўлиб, технология фани ўқитувчилари, синф раҳбари, мактаб психологларни ушбу меросдан хабардор қилиш зарурияти кучаймоқда.

4. Касб ва меҳнат кўникмалари воситасида ўқувчиларни фаоллаштириш ва ҳаётий фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос дидактик тизимит вам еханизмларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

5. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга ошириладиган касбга йўналтириш ва ижтимоийлаштириш фаолияти ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва ёш хусусиятларига асосланган ҳолда бир неча босқичда амалга оширилади.

6. Дарс ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни касбга йўналтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилади: а) ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш, меҳнат аҳлига ҳурмат туйғусини сингдириш, унумли меҳнат қилиш ва жамият фаровонлигини таъминлашга нисбатан кучли хоҳиш ва майл уйғотиш; б) ўқувчиларда мавжуд бўлган касбий майлларни барқарорлаштириш; в) мутахассислик ва касб танлаш имкониятлари ҳақида маълумот бериш кабилар.

7. Техник ижодкорлик ва конструкторлик тўгаракларида амалга ошириладиган касбга йўналтиришга оид тадбирларнинг мазмуни ўқувчиларни мазкур йўналишга мувофиқ келадиган касблар, бу касб эгалари бажарадиган ишлар ҳамда меҳнат жараёни билан боғлиқ технологиялар, ушбу касб эгаларига қўйиладиган талаблар, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш имкониятлари ва уларни тайёр-

ловчи ўқув муассасалари, соҳанинг ривожланиш истиқболлари, бутунжахон ихтирочилари, рационализаторлари, конструкторлари жамиятлари ва бирлашмалари билан таништиришдан иборат. Бунинг учун ўқувчиларга биринчи навбатда меҳнат соҳалари ва касб доиралари рўйхати тақдим этилади. Шу билан бир қаторда, ишлаб чиқариш жараёнида кадрларга бўлган эҳтиёж, муайян соҳа ходимларини тайёрловчи касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари ҳақида маълумот берилади.

8. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш жараёнини бир қатор усуллар ва методлар ёрдамида ташкил этиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

9. Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришда дарс жараёни билан бир қаторда дарсдан ташқари таълим-тарбиявий тадюирлар ҳам муҳим аҳамиятта эгалигини амалга оширган тадқиқотларимиз натижасида яққол исботланди.

10. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида қўлланилган методлар педагогик экспиментнинг репризентативлигини таъминлаш имконини берди.

11. Тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлигини асослаш учун амалга оширилган статистик таҳлиллар таклиф этилаётган дидактик тизимнинг самарадорлиги ҳаққонийлигини кўрсатишга хизмат қилди. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқот фарази тўғрилигини тасдиқлаш имконини берди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни *тавсия* қиламиз:

1) Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида технология фани ўқитувчилари, синф раҳбарлари ва мактаб психологлари учун дидактик материаллар тўпламини яратиш.

2) Ўқув дастурлари мазмунига ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган мавзуларни киритиш.

3) Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида иккиламчи дидактик лойиҳалар, машқлар, савол ва топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиш.

4) Ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган тренинглар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ташкил этиш.



5) Аждодларимиз меросига таянган ҳолда ўқувчиларни меҳнат ва касб кўникмалари воситасида ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган ўқув материаллари, машқлар, синфдан ташқари тадбирларнинг сценарийлари тўпламини яратиш.

## ИЛОВАЛАР

**1-илова**

**Кайковуснинг “Қобуснома”асарида ёшларни меҳнат ва касб кўникмаларини ўргатиш асосида уларни ҳаётга тайёрлаш ҳақидаги фикрлар**

### БЕШИНЧИ БОБ. ОТА ВА ОНА ҲАҚИНИ БИЛМАК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билгилким, акд юзасидин фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман, деб кўнглингға келтурмағил, билғилки, улар сенинг учун ўлимға ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вахт ота- онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағусидур. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ургатмокдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил.

Айтишларича, амиралмўъминин Алидан сўрадиларки, “Фарзандда ота-онанинг ҳақи қанчадур?” Хазрат Али деди: “Ҳақ, таоло бу адабни Расулнинг ота-онаси ўлумида кўргузди. Нединким, бу ҳазрат ота-онасининг ҳаётлик айёмин топса эрди, уларни ўзидан илгари тутмох, уларнинг ҳақини билмоқ ва уларга фарзандлик юзидан тавозеъ кўргузмоқ вожиб бўлур эрди”.

Бас, ота-онанинг ҳақига дин нуктаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзидан, мурувват юзидан риоя қил ва кўрғил: ота-она аслида сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким, ҳар киши аслини яхшилиғин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилиғин билмағусидур. Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким, сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ булур. Ота-



онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимин тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота- она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризк, максумдур[1] ва у ҳар йўл била восил бўлур. Рўзий насиба учун ўзингни кўп ранж-машаққатга қўймағил, рузий ранж ва азоб-укубат била зиёда бўлмағусидур.

Ҳоли-аҳволи сендан яхшироқ бўлгон кишиларга қарамағил, ҳоли-аҳволи сендан ёмонроқ бўлгон кишиларга қарағил.

Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа сайъ кўргузғилки, мол била бой бўлғондан, ақл била бой бўлгон яхшироқдур, нединким, ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас.

Бас, агар аклинг бўлса, ҳунар ўрганғил, нединким, ҳунарсиз ақл — бошсиз тан, суратсиз бадандекдур. Ундоқким дебдурлар: ал-адаб — суратил-ақл.

### ОЛТИНЧИ БОБ. ҲУНАР АФЗУНЛИҒИ БИЛА БАЛАНД ҚАДР ВАОЛИЙ ТАБЪ БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билур- санки, хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур.

Ҳунарсиз киши хам хори мугилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур.

Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур.

Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам ҳунар зевари бўлмаса, ундан баттарроқдур. Жаҳд қилғил, агар гавҳаринг ҳар нечаким асл бўлса, унга ғарра бўлмағил, нединким тан гавҳари ҳунар зевари била музайян бўлмаса, у уеч нарсага арзимагусидур. Андоқким дебдурлар: “Улуғлик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва насаб била бўлмас”.

Отни ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил, нединким, ул от маҳзи бир нишондин ўзга нарса эрмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил. Ўзингни “Жаъфар”, “Муҳаммад”,

“Аҳмад”, “устод”, “хўжа”, “фозил” оти била атаб, аммо унга лойиқ бўлмасанг, у от эрмасдур. Агар кишида насаб гавҳари бўлса, аммо ҳунар зевари бўлмаса, у ҳеч кишининг суҳбатига лойиқ бўлмагусидур. Гарчи бу икки гавҳар ҳосил қилғон кишини топсанг, этагини маҳкам тутғил ва ундин илкингни чекмағил, билки у барча кишиларнинг мушкулин осон қилғай.

Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдур, нединким, ҳамма махлуқотдин одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардин одам ун даража зиёдадур ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордур. Беши ташида зоҳирдур, беши ичида пинҳондур. Ул пинҳон нарсалар: биру бор нарсани ёд олмоқ; бири ҳамиша эсда сақламоқ; биру тахайюл; бири таҳаввур; бири такаллум. Аммо ул бештаким ташида зоҳирдур, бу — заву, яъни эшитмоқ, кўрмоқ ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпаламоқ, яъни сезув. Булар гарчи бошқа жониворларда бўлса ҳам, одамда бўлғондек эмасдурлар. Бу сабабдан одамзод ўзга жониворларга подшоу манзаласидандур.

Шуларни билғонингдан кейин тилингни яхши ҳунар била ўргатғил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатғил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур. Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздур, Бундай бефойда сўз зиён келтирур ва уар сўзки ундан ҳунар иси келмаса, бундай сўзни гапирмаслик лозим. Ҳакимлар дебдурлар: “Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур“.

Аммо сўралмағон сўзни айтмағил ва беҳуда сўздан парҳез қилғил, ҳар бир сўзни сўрасалар, рост айтғил, Сендан талаб қилмаса, кишига насиҳат қилмағил, панд бермағил, хусусан, сени тингламағон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмағайлар. Кўп кишиларнинг орасида бир кишига панд-насиҳат қилмағил.

Агар бирор киши кажликка одат қилғон бўлса, унинг ёнига бормағилки, у ҳаргиз рост сўзламас. Нединким, бир дарахт эгри бўлса, то уни чопиб йўнмагунча у туғри бўлмас.

Мулойим сўзга бахил бўлмағил, халқ мулойим сўз эшитмаса, мол ва дунёга мағрур бўлур. Қаттиқ сўз демағил, токи яхши сўз эшитгайсан. Шўристонға тухум сочмағилким ҳосил бермағай,



меҳнатинг беҳуда бўлғай, яъни яхшиликни билмағон кишига яхшилик қилмоқ шўристон ерга тухум сочмоқдур. Аммо яхшиликка лойиқ кишидан яхшиликни дариғ тутмағил ва унга ҳам яхшиликни ўргатғил.

Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилғон яхшиликдин ҳаргиз пушаймон бўлмағил. Бир кишиға бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етғон бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва хуррамлик етишур. Агар бир кишига ёмонлик қилсанг, унга нақадар ранж етса, сенинг кўнглингга ҳам ул миқдор танглик етишур. Демак, бу жаҳонда яхшилик ва ёмонлик мукофоти, албатта, етгусидур. Менинг бу сўзимға мункир бўлмағилки, ҳар киши бутун умрида бир кишига яхшилик ё ёмонлик қилғон бўлса, бу ҳақда андиша қилсин, менинг бу сўзим ростдур. Бас, агар қила олсанг ҳеч кишидан яхшиликни дариғ тутмағил, яхшиликнинг фойдаси бир куни руёбга чиқар.

Ҳикоят. Андоқ эшитибманки, Мутаваккил у айёмда Бағдод халифаси эрди. Унинг Фатҳ отлиғ бир бандаси бор эрди, у ғоятда донишманд, гўзал сиймоли, адаблиғ ва таваккалчи эрди. Ҳамма илм ва санъатни ўрганганди. Мутаваккил Фатҳни фарзанд атаб, ўз фарзандларидан ҳам азизроқ тутарди. Бир куни Фатҳ сувда юзмоқни ўрганмоқ тилади ва кемачилар келиб, унга Дажла дарёсида сувда юзишни ўргатдилар. Аммо Фатҳ ёш бола эрди, сувда юзишни ҳали у қадарли яхши билмасди, шунга қарамай: “Мен энди юзишни яхши ўрғондим”, — деб кемачиларга айтмай, танҳо ўзи Дажла дарёси қирғоғига бориб, ўзини сувға ташлади. Сув тез оқарди. Фатҳни оқизиб кетди. Фатҳ юзмоқдин ожиз эрди ва сувнинг юзида қалқиб борарди. Ниҳоят, тўлқин зарбидан қирғоққа чиқиб қолди. Бир айланмада дарё қирғоғида сув мавжининг қилғон ўнгирликлари бор эрди. Фатҳ шу ўнгирликларнинг бирига тушиб ўтирди ва “Жонимни ҳалокат гирдобидан қуқардим, энди Худойи таоло ҳар не хоҳласа, уни кўргумдур”, деб етти кун муддати мазкур ўнгурда ўтирди. Бир неча кундан кейин: “Фатҳ сувга ташлаб ғарқ бўлди ва сувнинг юзида қалқиб қолди. Билмадик, қирғоққа чиқдиму ё чиқма- диму”, — деб Мутаваккилга хабар еткурдилар. Мутаваккил кемачиларни чақириб деди: “Ҳар киши Фатҳнинг улугин ё тиригин келтурса, унга минг динор берурман” ва ўзи “То Фатҳни кўрмагунимча таом емагайман”, — деб онт ичди. Кемачилар ўзларин дарёга ташлаб шўнғиб ва

юзиб, ҳар тарафга бориб Фатҳни аҳтарур эрдилар. Еттинчи куни иттифоқо бир кемачи ул ўнгурга етиб, Фатҳни кўриб шод бўлди ва унга деди: "Ушбу ерда турғил, то мен бир қайиқ келтуруб, сени халифанинг қошига олиб кетай" ва тезда Мутаваккил халифанинг олдига қайтиб келиб, деди: „Эй амиралмуъминин, агар мен Фатҳни сенинг олдингга тирик олиб келсам, менга нима берурсан?" Мутаваккил деди:" Беш минг динор берурман". Кемачи кайтиб бориб Фатҳни тирик келтурди. Халифа унга ваъда қилғон динорни берди ва вазирга деди: "Хазинага борғил, қанча мол бўлса, ярмини дарвешларга берғил". Ондин сўнг деди:" "Таом келтуринг, Фатҳ етти кундан бери очдур". Фатҳ деди: "Мен тўқдурман". Халифа деди: "Дажла дарёси суви билан тўйғондурсан?" Фатҳ деди: "Йўқ, етти кун муддатида ҳар кун бир табак, ичида йигирма чоғлик нон сувнинг юзида оқиб келур эрди ва мен чустлик била ундан икки- уч нон олиб ер эдим. Менинг тириклигимга сабаб ул эрди".

Ҳар нонга бундоқ хат ёзилмиш эрди: "Менким, Муҳаммад бинни Ҳусайн ал-Аскоф, яъни бу нонларни дарёга ташлоған киши Ҳусайн кафшдўзнинг ўғли Муҳаммаддур".

Мутаваккил: "Ҳар куни Дажла дарёсига нон ташлағон кимдур? Амиралмўъминин уни қадрлайди ва бахтиёр қилади, ўзин маълум қилсун" деб шаҳарга жар солдирди. Сўнгги кун бир киши келиб: "Мен эрдим", — деди. Халифа: "Нишонинг борму?" — деб сўради. Ул: "Нишоним улдурки, уар ноннинг юзида "Муҳаммад бинни Хусайн ал-Аскоф" деб ёзилғон хат бор", — деб жавоб берди. Халифа: "Нишонинг дурустдур, аммо неча муддатдин бери дарёга нон ташларсан?" — деб сўради. Ул: "Бир йил бўлди, — деб жавоб берди. Халифа: "Бундан муддаонг нима эрди?" — деб сўради. Ул одам: "Бундок, эшитиб эрдимким, "Яхшилик килиб дарёга нон ташлағил, то бир кун сенга фойдаси етғай", аммо менинг қўлимдан бошқа яхшилик келмас эрди ва қудратим етғони ушбу нон эрдики, дарёга ташлаб, ундин менга қандай фойда етушғай? — деб кўз тутар эдим", — деди. Халифа деди: "Ҳар нимани эшитдинг — Қилдинг, ҳар нимаким қилдинг — унинг фойдасини топдинг". Дарҳол унга Бағдодда кўп мулк ва асбоб берди ва у оз вақт ичида муҳтарам ва муҳташам бўлди. Унинг авлоди ва иҳфоди ҳануз Бағдодда бордур. Мен ал-Қойим би-амриллоҳи замонида ҳажга бормиш эрдим. Байтуллоҳни зиёрат қилиб Бағдодга келдим ва



Бағдодда ҳам у кишининг фарзандларини кўрдим ва бу хикоятни ҳам шу тариқа эшитдим.

Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарк этмағил, ҳамиша яхшиликни халойиққа кўргузғил ва асло унинг аксин кўргузмағил, бошқа тил била сўзламағил. Бошқа кўнгил била фикр этмағил, буғдойни кўргузиб арпани сотмағил ва барча ерда ўзингдин дод берғил. Ҳар кишиким ўзидин дод берса, доди мустағни бўлур. Агар ғаминг бўлса, ғам ва шодлиги бор кишининг ёнида айтғил ва шодликни ношод кишиларнинг кошида зоҳир қилмағил, ҳар турлуқ иш учун дилтанг бўлмағилким, бу иш ёш ўғлоннинг ишидур.

Билғилки, донишмандлар охири гам бўлғон шодликни шодлик билмаслар ва охири шодлик бўлғон ғамни ғам ҳисоб қилмаслар. Ноумидлик вақтида умидворроқ бўл ва ноумидликка боғлиқ қилмағил. Ҳеч кишининг меҳнатини зоеъ қилмағил ва ҳар кишининг холиға лойиқ ҳақини бажо келтурғил. Хусусан, ўзингнинг яқин қариндошларингга имкон борича яхшилик қил ва ўзингнинг қабила ва уруғинг қариларини иззат, ҳурмат қил, лекин уларга буткул мухлис блмагил. Уларнинг ҳунарини кўрсанг, айбларига ҳам қарағил. Агар бегонадан хавфсиз бўлсанг, мазкур хавфсизлик даврни ўзинг сақла, хавфсизликни хавфлилик гумон қилмағил. Гумон қилиб заҳар ичиш нодонликдан ёмонроқдур.

Халқнинг оз ҳунарини кўп кўрғил, ҳаққин яхши билғил. Беҳунарликдан, бехирадликдан яхши от ва яхши таом қўлға келтура олсанг, беҳунар, бехирад бўлғил, йўқ эрса ҳунар ўрганғил. Ўрганмак, эшитмакдин номус қилмағил, то хижолат ва пушаймонлиғдин қутулғайсан.

Халойиқнинг айби ва ҳунарига боққил, уларнинг наф ва зарари на чоғлиқдур. Бунинг фойда ва зиёнлари қайси ерга қадар борур, ундан сўнг ўз манфаатингни талаб қил. Кўрғил, қайси нарса халқни манфаатға яқин қилур. Ўзинг ана шундоғ ақл ва ҳунарни ўрганмоқ била баландликка кўтарилурсан. Бу иш сенга икки нарса била ҳосил бўлур: ё билғон ҳунарга яраша иш қилмоқ била ё билмағон ҳунарни ўрганмоқ била. Сукрот ҳаким айтурки: "Ҳунардин яхшироқ нарса йўқтур ва донишдан улуғроқ нарса йўқтур, шармдин яхшироқ зевар йўқтур ва бадхўйликдин ёмонроқ душман йўқтур". Ҳунарни ул вақтда ўрганурсанки, агар бир соатни ҳам бекор ўтказмасанг. Агар ул вақтда доно киши ҳозир бўлмаса, нодондин ўрганғил, чунки

ҳунарни нодондин яхшироқ ўрганса бўлур. Бу шул жиҳатдинки, ҳар вақт кўнгул кўзи ва ақл назари била нодонга боқсанг, унинг нописандида ишларин кўруб, ундин парҳез қилурсан. Искандар деди: "Барча дўстлардин худ манфаат топарман, аммо душманлардин ундин кўпроқ манфаат топарман. Сабаби, менинг ёмон феълимни дўстлар манфаат юзидин пиҳон тутарлар ва мен уни билмай қолурман. Душманлар душманлик жиҳатидин ул феълни менга айтурлар ва мен ул феълни ўзимдин йироқ тутарман".

Эй фарзанд, сен ҳам ҳунарни донодин ўрганмасанг, нодондин ўрганғил. Барча катта, кичикка ҳунар ўргатмак вожибдур, нединким, киши ҳунар ўрганмоқ била ўз ҳамроҳларидин баланд мартабада бўлур. Чунки ўзингда ҳунар кўриб ўз тенгларингда ул фазилатни кўрмасанг, ўзингни улардин баланд кўрарсан ва улар яна сени ўзларидин баланд мартабада билурлар. Ҳунарманд киши улдурким, фазли ва ҳунар сабаби била қадр ва мартабаси ўзгалардин баланд бўлғон эканини билиб, фазл ва ҳунарга аввалгидин зиёдрод даракат дшшай ва бурунгидин зиёдрод фозил ва ҳунарманд бўлғай. Ҳар кишики бундоқ қилса тезда халқнинг орасида азиз ва улуг бўлғай. Бас, буни билғон киши фазл ва ҳунардин қўл тортса, бу ақлсизлик нишонасидур. Ҳунар ўрганмоқда меҳнат қилмоқ, баданни ялқовлик, яъни бекорчиликдин қутқармоқ фойдалидур нединким, бекорчилик баданнинг фасод ва беморлиғига сабаб бўлур. Агар баданга ранж бериб, уни ўзингга мутеъ килмасанг, каҳр била мартабали бўла олмассан, нединким, бадан коҳилликни ва роҳатни дўст тутғони жиҳатидин ҳам ўз ихтиёри била сенга фармонбардор бўлмас. Ул сабаб билаким, баданда асли ҳаракат йўқтур. У ҳаракатни фармон била қилур, ўз муроди била қилмас ва то сен буюрмагунча баданнинг хеч ишга рағбати бўлмас.

Бас, эй фарзанд, баданни ўзингга мутеъ қил ва уни қахр била итоатга буюрғил.

Ҳар киши ўз баданин ўзига мутеъ қилса, ўзгаларнинг баданин ҳам мутеъ қила олур, чунки ҳар киши ўз баданин ўзига фармонбардор қилса, фазл ва ҳунар ўганмак била икки жаҳоннинг саломат ва шарофатин ҳосил қилур.

Барча дониш ва ҳунарнинг сармояси: адаб, тавозе, ҳаё, покдиллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатлиғдур. Лекин кўп вақтлар бўлурки, шарм кишига зиён еткарур. Шундай шармли



бўлмағилки, бу ишингга халал еткармасин, нединким, кўп вақтлар бўлурки, бешармлик била мақсуд ҳосил бўлур. Агар қила олсанг фаҳш, ёлғон ва ножувонмардликдин шарм қилмағил, салоҳиятлик сўз ва манфаатлик ишдин шармни қўйғил. Кўп кишилар бўлурки, шарм қилиб ўзларининг барча мақсудларидин айрилурлар. Сен ул миқдор шарм қилғилки, бу имон субути ҳосилига сабаб бўлсин. Ўзингга зарар ва зиён етказур даражада шарм қилмагил.

Сенга шарм жойин ва бешарм жойин билмак лозимдур, токим қайси яхшироқ бўлса уни қилгайсан. дебдурлар: "Яхшилик муқаддимаси шармдур, ёмонлик муқаддимаси бепарҳезкорлик ва бешармликдур".

Нодон била ҳамсуҳбат бўлмағил, хусусан, сени доно гумон этгон била.

Ўз жаҳлингга хурсанд бўлмағил ва некном кишилар била суҳбат тутғил, некномлар суҳбати шарофатидин некном бўлғунг ва ҳамиша саъй ва қўшиш қилғилки, олимлар маҳбуби бўлғайсан ва жоҳиллар марғуби бўлмағайсан. Ундоққим, бир ҳикоятда эшитгонман:

Ҳикоят. Бир кун Афлотун ўлтурмиш эрди, шаҳар халқининг улуғларидин бир киши унинг саломига келиб ўлтурди ва ҳар турлук сўз айтиб туриб, сўз орасида деди:

– Эй ҳаким, бугун фалон одамни кўрдим. Ул сени таъриф этиб, ҳаққингга кўп дуолар қилди ва мен унинг шукрин сенга еткурмакдаман.

Афлотун ҳайрон бўлди. Ул киши деди:

– Эй, менинг бу сўзимдин ҳайрон ва дилтанг бўлдингму?

Афлотун деди:

– Йўқ, хўжа, менга сенинг сўзингдин ҳеч ранж ва танглик етушмади. Лекин менинг фикримда улуғ мусибат мавжуд бўлди. Нединки, мени бир жоҳил таъриф қилмиш ва менинг ишим унга мақбул тушмиш. Гуё мен бир жоҳилона иш қилмиш эрманки, мени бир жоҳил тавсиф этгай. Мен шулваждин ғамгинманки, жоҳилларнинг маргуби бўлмишман. Нединким, жоҳилнинг марҳуби жоҳил бўлғусидур.

Яна бу маънода бир ҳикоят ёдимга тушди.

Ҳикоят. Эшитибманки, Муҳаммад Закариёйи Розий ўзининг шогирдларидин бир жамоа била ўлтурмиш эрди, бир девона уларнинг олдига келди ва ҳеч кишига қарамади. Аммо бир кун

Муҳаммад Закариёйининг юзига қараб кулди. Ундан сўнг Муҳаммад Закариёйи бир яхши таом буюриб, пиширтириб еди. Шогирдлари сўради.

— Эй ҳаким, бу таомни бурун емас эдингиз, ҳозир нечук ерсиз?

Ҳаким деди:

— Ул девона менинг юзимга қараб кулғони учун ерман, нединким, ул то бу вақтача менга илтифот қилмас эрди ва юзимга қараб кулмас эрди. Энди билдимки, ул мени ўз аҳдидин ҳисоб қилди. Андоқким дебдурлар:

"Кабутар бо кабутар ғоз бо ғоз,
Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз"

Тундлик ва тезликни одат қилмағил. Лекин ул миқдор ҳам мулойим бўлмағилки, сени одамлар ёмон кўрмасунлар ва дурушт бўлмағилки, сендин қочмасунлар. Дўст ва душманға мувофақат қилмоқдин мурод ҳосил қилса бўлур деб барча била мувофиқ бўлмағил.

Ҳеч кимга ёмонлик ўргатмағил, ўргатмак ҳам ёмонликнинг биридур. Агар бир киши сенга ҳеч гуноҳсиз озор берса, сен унга бермағил, одамнинг асили кам озорликдур.

Агар одам эрсанг, кам озор бўл, халойиққа хулқингни яхши қил. Одамга дийдор керакдур, нединким, ойинага қарағон агар дийдори яхши бўлса, кирдорини ҳам дийдоридек қилғай. Чунки яхшидин ёмонликнинг чиқмоғи яхши эмасдур, яъни буғдойдин арпа кўкармоғин номуносибдур. Агар киши ойинага қарағонда юзи ёмон кўринса ҳам яхшилик қилсун, йўқ эрса ёмонлиқ устига ёмонлиқни зиёда қилмиш бўлғай ва икки ёмоннинг бир ерда жамъ бўлмоғи ниҳоятда ёмондур.

Мушфиқларни қабул этғил ва улар била ҳар вақт хилватда суҳбат қилғил, нединким, улардин кўпроқ фойда сенга хилват вақтда етар. Бу сўзларни мен сенга баён қилдим, агар уқиб, билиб, фазл ва ҳунарлар ҳосил қилсанг, унда ҳам фазл ва хунарингга ғарра бўлмағил ва ўзингни нодон санамағил. Доно ул вақтда бўлурсанким, нодонликдин хабардор бўлсанг.

Ҳикоят. Эшитибманким, Хисрав Парвезнинг подшоҳлиғи замонида ва Абузуржмеҳрнинг вазирлиғи вақтида Румдин бир элчи келди. Хисрав уни олдиға чақириб Абузуржмеҳрнинг донолигини



унга маълум этмак истади ва элчининг қошида Абузуржмеҳрга деди: "Эй фалони, ҳар нарсаки оламда бордур, сен унинг барчасин билурсан". Хисравнинг бу сўздан муддаоси: "Абузуржмеҳр биламан деб ҳозир жавоб беради", деб ўйларди. Аммо Абузуржмеҳр: "Билмасман" деб жавоб берди. Хисрав бу жавобдин танг бўлуб, элчининг қошида кўп хижолат чекди ва яна сўради: "Унда ҳамма нарсани ким билур?" Абузуржмеҳр: "Ҳамма нарсани ҳамма билур, аммо ҳамма нарса ҳануз онадин туғилмамишдур", —деди.

Эй фарзанд, сен ҳар нечаки доно бўлсанг, ўзингни халқдин донорок, билмағил, нединким, ўзингни нодон билдинг —доно бўлдинг. Рост, доно ул кишидурким, қачон ўзин нодон ва ожиз ҳисоблар. Чунки Суқрот ҳаким айтурки: "Агар бир киши десаким, Суқрот ҳаким донишманддур ва жаҳон донишининг даъвосин қилур. Дарҳол айтур эрдимки, мен ожизман ва ҳеч нарсани билмасман. Лекин бу сўзни ҳам айта олмағумдур, нединким, бу сўз мен томондин айтилгон улуғ даъво - дур".

Демак, эй фарзанд, донишлиғингга ғарра бўлмағил. Киши донишлиғига ғарра бўлса, албатта, ул хамиша пушаймон бўлур.

Ҳар ишда машварат қил, нединким, машварат қилмоқни айб билмағил, оқил ва мушфиқ дўстларга машварат қил, ҳар ишда ўз ёрларингга машварат қил.

Билғилким, бир кишининг раъйи икки кишининг раъйи чоғлиқ бўлмағусидур ва бир кўз икки кўз янглиғ кўра олмағусидур. Кўрмасмусанким, бир табиб бемор бўлса, ўз муолижасига эътиқод қилмағусидир. Бошқа бир табибни келтуриб, унинг машварати била даво қилғусидир. Агар ўз ҳамжинсингдин бирининг сенга иши тушса, унинг ишини биткурарга жонинг била ҳаракат қилғил. Агар ул душман бўлса ҳам мол харжин ва тан мушкулин осон қилғонингни билса, бул жиҳатдин унинг душманлиғи дўстликка айланур.

Сухандон кишилар сенинг саломингга келсалар, уларни хурмат қил ва эҳсон кўргазғил. Шунда сендин улар хушҳол ва миннатдор бўлғайлар ва ҳамиша саломингга келгайлар. Жаҳонда нокасрок, киши ул кишидурким, ҳеч ким унинг саломига келмагай.

Сухандон кишилар била ҳам суҳбатда бўлғил ва қандай қилиб сўзлаш кераклиги шартларин ҳам билғил.

**2-илова**

## Ўқувчилар томонидан ёзилган иншолардан намуна.
## Мамлакат учун устувор йўналишдаги касблар

**Режа:**

1. Яхши касб эгаси бўлишимдаги масъулиятларим
2. Мамлакатимиз учун устувор йўналишдаги касблар таснифи
3. Мақсадимга эришиш йўлида саъй-ҳаракатларим

Ҳар бир инсоннинг туғилиб ўсган жойи унинг ватани, макони ҳисобланади. Ҳар ким ўз мамлакати тараққиётига ва жамятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига муносиб ҳиссасини қўшмоғи даркор. Чунки ҳар бир кимса ўзини ватандан айро тасаввур қилолмас.

Ватан равнақига ҳисса қўшмоқчи бўлган инсон муносиб хулқ-атвор, яхши касб-ҳунар эгаси бўлиши, зарур билим ва кўникмаларни эгаллаши лозим.

Тарққиёт йўлида шахдам одимлаб бораётган мамлакатимизда ҳам етук ва малакали мутахассисларга, янги ихтисослик эгаларига талаб ортиб бормоқда.

Жамиятда ўз ўрнини топмоқчи ва ўзи танлаган соҳаси бўйича муваффақиятга эришмоқчи бўдлган инсонлар, айниқса, биз ёшларнинг олдимизга улкан мақсадлар қўйиб, шу мақсадларимизни рўёбга чиқаришимиз учун катта имкониятлар яратилмоқда ва масъулиятимизни оширмоқда. Бунинг учун биз ўз устимизда тинмай ишлаб, изланишимиз, янги техника ва технологияларни, чет тилларини мукаммал эгаллашимиз, мамлакатимиз тараққиётини янада жадал ривожлантиришимиз учун даркор.

Аввало, биз мамлакатимиз жадал суръатлар билан ривожланиши учун зарур бўлган касблар ҳақида маълумот тўплашимиз, ўз имкониятларимиз ва қобилиятларимиздан келиб чиқиб, шу касблардан бирортасини онгли ва тўғри танлашимиз керак.

Бугунги кунда ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш мақсадида намунали уйлар, саройлар, йўлар қурилмоқда. Бу ишларни тез ва сифатли бажариш учун қурилиш саноати ва ишлаб чиқаришни аутоматлаштириш шиддат билан риожланмоқда. Бу



жараёнда муҳандислар, технологлар, уй қурувчи усталарнинг ўрни беқиёс.

Эҳтимол, ҳеч бир бошқа касб эгаси қурувчи касбидек ўз меҳнат натижаларини, ўз қўли билан қилинган ишни шунчалик яққол кўриб туриш имконини бермаса керак. Чунки ҳеч нарса йўқ жойда иш бошлаган қурувчилар ўзларидан кейин асрлар давомида "яшайдиган" ҳашаматли бинолар, улкан иншоатлар қолдирадилар. Бунинг яққол намунаси сифатида Сарқанд, Бухоро, Хивадаги тарихий обидаларнинг юртимиз чиройига чирой қўшиб, сайёҳларни лол қолдириб келаётганинни айтсак бўлади.

Муҳандислик коммуникациялари, санитария техникаси қурилмаларини қон томирларига ўхшатиш мумкин: улар орқали одамларнинг яшаши учун зарур бўлган сув, газ, иссиқлик келади.

Ўқитувчилик. "Дунёда муаллим бўлмаса агар, ҳаёт бўлмас эди шу қадар гўзал". Бу ҳикмат замирида катта маъно бор. Чунки инсон қайси касбни эгалламасин, қанчалик катта ютуқларга эришса ҳам илк сабоқни ўқитувчидан олади. Ўқитувчи ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бирга улар ҳаёт сабоқларини беради, тўғри касбга йўналтиради.

Шифокорлик. "Шифокорнинг аввал ўзи шифоли, қолаверса, шириш сўзи шифоли". Шифокорлар ширинсўз, қўли енгил бўлиши, касбига садоқатли, касбининг етук мутахассислари бўлиши керак. Чунки иссиқжон борки, касал бўлиши табиий ҳол. Қолаверса, икки олам ўртасида турган ҳомиладор аёл шифокорлар ёрдамида фарзандини дунёга келтиради. Гўдак дунёга келибоқ шифокорларни кўради. Соғлом фарзанднинг дунёга келишида шифокорларнинг ўрни беқиёс, ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида қўлланилаётган замонавий техника ва технологиялар ташхис ва муолажа жараёнини енгиллаштириб, аниқлик даражасини кучайтирмоқда. Бундай техника ва технологиялардан фойдаланиш учун шифокор тиббий билимлардан ташқари замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш малакаларига эга бўлишлари керак.

Гид (экскурсовод). Сайёҳларга тарихий ёдгорликларни диққатга сазовор жойларни кўрсатиб, тушунтириш олиб борувчи шахс.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида сайёҳлик соҳасининг аҳамияти катта.

Одамларнинг турмуш даражаси ошиб, моддий аҳволи

яхшиланган сари саёҳат қилиш истаги кучая боради. Бу борада муҳтарам Пезидентимиз томонидан янги қарорлар чиқарилмоқда. Юртимиз тарихи ва бетакрор тарихий обидаларини сайёхларга чиройли қилиб тушунтириш гидлардан катта маҳорат талаб қилади. Улар хорижий тилларни мукаммал билиши, нотиқлик санъатини эгаллаган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кимёгар технологлар. Инсон онгли мавжудот. У ҳар доим яхши яшашга интилиб келган. Айиқнинг қорни тўйса, инига кириб ухлайди. Инсон эса эришган нарсаси ва мавқеи билан қаноатланмайди. У яхшироқ овқатланишга, яхшироқ кийинишга, яхшироқ турмуш шароитига эга бўлишга, юқорироқ мартабага эга бўлишга, табиат ва жамиятда рўй бераётган ҳодиса ва жараёнларни яхшироқ тушунишга, яхшироқ билим олишга интилади. Унга доим нимадир етишмайди. Инсон эхтиёжларини чеки-чегараси йўқ. Бу эхтиёжларни қондириш учун турли хил неъматлар керак бўлади, лекин табиат ресрслари чекланганлиги боис улардан оқилона фойдаланиш учун тежамкор усулларни ишлаб чиқариш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаб, янги махсулот олиш учун кимёгарларга талаб кучли бўлиб бормоқда.

Иқтисодиёти ривожланган, аҳолисининг турмуш шароити юқори бўлган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Жумладан, ҳозирги кунда мода олами кундан кунга ўзгариб бормоқда. Халқнинг талабини қондириш учун дизайнерларга, тикувчиларга эхтиёж кўпайиб бормоқда. Улар халқнинг талабига мос янги моделлар устида иш олиб боради.

Хулоса. Биз ёшлар қайси касбни танласак ҳам ўз устимизда мунтазам ишлашимиз, ўқиб-ўрганишимиз, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида устувор бўлган касблар ҳақида маълумотга эга бўлишимиз келажакда бизнинг ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга замин яратилади. Мен ҳам келажакда гид бўлишни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Чунки юртимиз тарихини, бетакрор обидаларини сайёҳларга чиройли қилиб етказишни хоҳлайман. Бунинг учун мен француз тилини ўрганиб, “Билимлар беллашуви”да қатнашиб фахирли ўринларни эгаллаб келмоқдаман. Бундан ташқари тарихни, юртимиз тарихий обидалари ҳақидаги маълумотларни ўрганмоқдаман.



## Бозор иқтисодиёти ва касблар

**Режа:**

1. Бозор иқтисодиёти ҳақида
2. Бозор иқтисодиёти даврида юртимизга кириб келган касблар
3. Масъулиятлилик – тарақиёт омили

“Иқтисод узра ҳаракатли кишилар фақир бўлмас”

Табиатда тайёр ҳолда нон, киёим-кечак, уй-жой йўқ. Инсон эхтиёжи учун керакли, табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган барча нарсаларни ўзи яратишга мажбур. У шу мақсадда табиат қўйнида иқтисодиёт деб аталмиш улкан хўжаликни барпо этади.

Иқтисодиётнинг энг асосий таркибий қисми бу одамлардир. Инсон ўз меҳнати, ақл-идроки орқали иқтисодиётни ҳаракатга келтиради. Бозор иқтисодиёти хусусий мулкчиликка асосланган, барча иқтисодий қарорлар эркин қабул қилинадиган, иқтисодий нематлар эса бозорлар ёрдамида тақсимланадиган иқтисодий тизим. Ҳурматли биринчи Президентимиз Ислом Абдуғанийвич Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш ўзбек моделини яратади. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан турли хил касбларга ҳам эхтиёж туғулган. Масалан; тадбиркор, ишбилармон, бизнесмен, менежер, маркетолог ва ҳокозолар.

Тадбиркорлик деганда кишиларнинг фойда олиш мақсадида ўз маблағлари, мулки, билими ва имкониятларини ишга солиб, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш фаолиятидир.

Соҳибқирон Амир темур, Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир деган. Тадбиркор бўлишни истаган кишида қуйидаги фазилатлар бўлиши керак: ҳалоллик, мехнатсеварлик, ғайратлилик, ташабускорлик, масъулиятлилик, таваккалчилик, интилувчанлик, қонунларга риоя қилувчанлик. Тадбиркорлик жамият учун керак, чунки бу фаолият натижасида янги қўшимча иш жойлари яратилди. Натижада трли-туман товар ва хизматлар ишлаб чиқариш кўпайиб, уларни истеъмол қилиш ҳам ортади. Тадбиркорлик истеъмолчилар учун уларнинг эхтиёжларини қондириш билан биргаликда фаолиятидан олинадиган солиқлар ҳисобига давлат хизмати бойийди. Шунинг учун тадбиркор

бўлишни хоҳлаган биз ёшлар учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгаларини уқувли, ишбилармон, тадбиркор бўлишлари билан кифояланиб қолмай, балки истемолчилар бозор талабини ва бозор талабини ўрганиб, янги техника ва технология асосида арзон, сифатли товорлар ишлаб чиқариб бозорни турли маҳсулотлар билан тўлдиришни талаб этади. Бунинг учун истеъмолчилар эҳтиёжларини ўрганиш маҳсулотларни етказиб бериш, қандай ва қанча маҳсулот ва хизматларга эхтиёж борлигини аниқлаш зарур бўлади. Шу иш билан шуғулланувчиларни маркетолглар дейилади. Маркетолог бозор бўйича мутахассис, лекин савдогарлар турли буюмлар билан савдо қиладиган йирик майдон бўйича эмас. Маркетолог – бозор маконида кечадиган жараёнларнинг кузатувчиси ҳисобланади.

Маркетолог турли ташкилотларда, тижоратга оид тузулмаларда фаолият олиб бораётган ташкилот ёки фирма мижозларининг талабларига мос ҳолда товар ва хизматларнинг у ёки бу турлари гуруҳларидаги товар, хизмат ва нархлар тўғрисида маълумотларни тўплаши, керакли инсонлар билан алоқани йўлга қўйишни, касбий қизиқишлар доирасида сўровлар ўтказиши, бозордаги ўзгаришларни кузатиши, иложи борича, кўпроқ турғун харидор-истеъмолчи топиши керак бўлади.

Маркетологда юқори ишчанлик, кўркам ташқи кўриниш, киришимчилик, ихтиёрий холатда олиш, мантиқий фикрлаш, ривожланган кузатувчанлик, эслаб қолиш қобилияти юқори, таъсирчан идоравий чидамлилик, ўзига хос қилувчилик, ташкилотчилик, редактор, журналист, психолог, социологга тегишли бўлган сифатлар уйғунлиги бўлиши лозим.

Бу касбни танлаган инсонлар, она тили, чет тиллардан бирортасини, информатика, тарих, география, тасвирий-санъат, эстетика, психология каби фанларни яхши ўзлаштирган, нутқ маданияти ривожланган бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ касблардан бири –менежер.

Менежер – бу махсус тайёргарликни кўрган, бошқаришнинг сир-асрорлари, қонун-қоидаларини чуқур билувчи мутахассис.

Менежерлар йўлланма бошқарувчилар бўлиб, аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламини ташкил этади.



“Ёмон корхона ёни ташкилот йўқ, лекин ёмон раҳбарлар бор”. Бу иборанинг маъноси шуки, ёмон ишлаб турган корхонага жамоани яхши бошқарадиган, ташкилотчилик қобилияти юроқи меҳнатсевар, талабчан раҳбар қўйилса, у корхона тезда яхши ишлаб турган корхонага, тезда яхши корхона сафига қўшилади. Агар яхши ишлаб турган корхонага тасодифан ташкилотчилик қобилияти паст одам келиб қолса, аксинча, у корхона аста-секин ёмон ишлайдиган корхонага айланади. Бир ношуд раҳбарнинг беғамлиги юзлаб, минглаб кишилар тақдирининг бедахл қирраларига таъсир этиши мумкин. Менежерлар қуйидаги хислатларга эга бўлиши, ташаббускор, мақсад сари интилувчан, техника ва технологияни, иқтисодни пухта ўзлаштирган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришимиз учун ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб хиссамизни қўшишимиз даркор. Бунинг учун, аввало, яхши ўқишимиз, яхши касб-ҳунар эгаллашимиз лозим. Ўз танлаган касбингизни чин дилдан севишимиз, касб масъулиятини хис қилишимиз керак.

## Муайян касбларнинг инсондан талаб қиладиган кўникма ва малакалари

**Режа:**

1. Кўникма ва малака тушунчалари.
2. Турли хил касблардан талаб қиладиган кўникма ва малакалар.
3. Мен танлаган касбдан талаб қиладиган кўникма ва малака-лар.

Инсон ҳаётда қайси касбни танламасин, шу касбга доир кўникма ва малакаларни эгалламаса, ижобий натижаларга эриша олмайди.

Кўникма – ўрганганларини таниш вазиятларда қўллай олиш маҳорати.

Малака – ўрганганларини нотаниш вазиятларда қўллай олиш маҳорати.

Маълумки, ҳамма касбларни ҳам, аввало, устоз-муаллим ўргатади. Дастлабки сабоқни ҳам ўқитувчи беради. Она-ватан қўзларининг маъноси, моҳиятини ҳам ўқитувчи ўргатади. Шунинг учун

ҳам барча касблар ичида ўқитувчилик – муаллимлик касби ўта шарафли ва масъулиятли ҳисобланади. Мана шу ўринда табиий равишда савол туғилади. Хўш, ўқитувчи ким? У қандай сифатларга эга бўлмоғи лозим? Хусусан, бугунги кун ўқитувчиси қандай малакаларга эга бўлиши керак ва бошқалар. Ўқитувчи жамиятнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қўйилган ижтимоий буюртмасининг асосий иштирокчиси. Шунинг учун ҳам биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Тарбиячи – устоз бўлиш учун энг аввало, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифий зиёсидан баҳраманд этиш тарбичининг ўзи айнан юксак талабларга жавоб бериши лозим”, - деган эди. Дарҳақиқат, ўқитувчилик касбида чуқур билимдонлик, зукколик ўз касбий маҳоратини мунтазам шакллантириб бориши, ҳар куни янгиликлардан хабардор бўлиб таҳлил қила олиши, ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиши, чет тилларни ва компюретни билиши лозим.

Менежер – бу махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир-асрорлари, қонун-қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассислардир. Менежерлар йўлланма бошқарувчилар бўлиб, аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламини ташкил этади. Менежерлардан қуйидаги қуйидаги малака кўникмалар талаб қилинади: иқтисодиётни билиши, техник ва технологияни билиши, бошқариш илми, функциялари ва структурасини билиши, ташкилотчилик қобилияти юқори бўлиши, ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлай олишлиги; қўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбияланишни билиш; жиплашган жамоани вужудга келтира олиш; мақсад ва интилувчанлик; кутулмаган вазиятлардан бошқариш қобилиятини йўқотмаслик; бошқариш қобилиятини йўқотмаслик; бошқариш самарадорлигини таъминлай олиши; новаторлик ва ораторлик қобилияти бўлиши лозим. Менежерларга қўйиладиган талаблар: маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий етуклик; юқори савия ва онглилик; маърифатчилик, маданиятлилик; ташаббус ва илғорликни қўллаб – қувватлай олиш; меҳнатсеварлик.

Брокер (инглизчи брокер), маклер-фонд, товар валюта биржаларида олди – сотди битимлари тузишда воситачилик қиладиган айрим шахс ёки фирма. Брокерлар, одатда, мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритилади, кафолат беруви хисобига ўз номидан савдо битимлари ҳам тузиши мумкин. Воситачилик битим-



лари, асосан, брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади.

Брокерлар юқори ишчанликка, кўркам ташқи кўринишга, киришимлилик, оқ кўнгиллик, мантиқий фикрлаш, ривожланган кузатувчанлик, катта ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолиш, гаплаша олиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Мен келажакда дизайнерлик касбини эгаллашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Чунки дизайнерлик инсонларга гузалликни кўра билишга, ҳаёт янада ёрқинроқ, жозибали бўлишига ёрдам беради. Мен яратган замонавий либослар инсонлар кўркига кўрк қўшишини хоҳлайман. Бунинг учун мен чизмачилик, тасвирий санъат, математика, технология, физика, кимё фанларини пухта эгаллашим лозим.

Шунингдек, қуйидаги сифатларга эга бўлишим керак. Жумладан, кучли хотирага эга бўлишим, чиқишимли, мантиқий фикрлай олиш, диққатни тўплай олишим, тасаввурга эга бўлишим, эстетик дидли, хушмуомала ва бошқаларни тинглай олишим керак бўлади. Ҳозирданоқ шу хислатларни ўзимда ривожлантиришга ҳаракат қиляпман.

## Халқ хўжалиги учун зарур бўлган касблар

**Режа:**

1. Касб танлашда нималарга эътибор бериш керак?
2. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган айрим касблар ҳақида маълумот.
3. Ҳудудимизнинг касбларга эхтиёжи.

Касбни тўғри танлаш ҳар бир инсон ҳаётида муҳум аҳамиятга эга.

Касбни тўғри танлаш учун инсон биринчи навбатда, соғлигини танлаётган касбига мос келиш-келмаслигини, қобилиятини, шу касбда ишлашдаги шароитларни ўрганиши лозим. Шундагини инсон касб танлашда хатоликка йўл қўймай ўзи учун ҳам, мамлакат тараққёти учун ҳам муносиб хисасини қўша олади.

Замонавий техника ва технологиялар ривожланиб бораётган ҳозирги даврда халқ хўжалигини жадал ривожлантириш, ишлаб

чиқаришнинг самарали, тежамли усулларидан фойдаланиш тез суратлар билан ривожланмоқда. Табиийки, бундай ҳолатларда янги касбларга эхтиёж туғулади.

Товаршунос – турли махсулотларни (озиқ-овқат, дори-дармон, парфюм ва косметика, таъмирлаш а безаш материаллари ва ҳоказо) сифатли етказиш ва сотиш бўйича мутахасис. Товаршуниснинг асосий иш фаолиятига бир неча соҳа фаолиятини қамраб олувчи тадбирларнинг барчаси киради.

Бу касбнинг пайдо бўлишига сабаб, XX асрда рақобат кураши оқибатида савдо соҳаси мисли кўрилмаган даражага етдики, бу эса ўз навбатида ташкилотларни ҳар қандай йўл билан мижозларнинг қалбига йўл топишига олиб келади, натижада малакали мутахассис – товаршуносларга эҳтиёж туғилди. Улар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар билан савдо корхоналари ўртасидаги алоқани таъминлаб туришди. Товаршунослар сифатли маҳсулот бўйича муҳандис, маркетолог сотиб олиш бўйича менежер каби касбларда фаолият юритади.

Мамлакат иқтисодий ривожланишида саноат ва ишлаб чиқаришнинг ўрни беқиёс. Саноат ва ишлаб чиқариш ривожланиб, истеъмол ҳажми ортган сари экалогия ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам ортиб бораверади. Атроф-муҳитни асраш учун экологларга эхтиёж ортаверади.

Замонавий корхоналарда дастгохлар ва бичиш-тикиш жараёнлари программа асосида ишлайди. Бу дастгоҳ ва машиналарни оператор бошқаради. Шунинг учун корхоналар малакали операторга муҳтож.

Аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб борган сари уйларини янгидан замонавий услубда таъмирлатишни истайди. Ёруғ уйлар яхши безалган саройлар, кинотеатрлар, дўконлар, корхоналарнинг кенг ва тоза цехлари кишиларга қувонч бағишлайди. Ана шуларнинг барчаси кўп жихатдан бўёқчи – пардозчининг касбий маҳорати ва дидига боғлиқ.

Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла ёки қисман қондириш фермернинг хўжаликни қандай бошқаришига боғлиқ.

Тажрибали фермерлар дехқончилик билан бирга чорвачилик ва бошқа бир қанча йўналишларда иш олиб бормоқда.

Барча даврларда қишлоқ шароитида айрим касбларга эхтиёж бор, айрим касблар учун эхтиёж йўқ.



Тракторчи – қишлоқдаги энг оммавий касб бўлиб, ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланади. Дизайнер янги, замонавий кийим моделларини яратади. Мода кундан-кунга ўзгариб бораётган бу даврда дизайнер учун эҳтиёж бор.

Аёллар сартароши учун ҳам эҳтиёж юқори. Чунки, аёл гўзаллик тимсоли. Улар ўз кўринишларини ўзгартириб туришни хоҳлайди.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи уста. Бугунги кунда аксарият хонандаларда юртимизд ишлаб чиқарилган автомобиллар бор. Уларга хизмат кўрсатувчи касб эгаси йўқ.

Биз ёшлар касб танлаётганимизда ҳудудимизнинг беш-ўн йилликлардаги эхтиёжини ўрганиб онгли равишда ёндашишимиз керак.

## Касбларга яроқлилик

**Режа:**

1. Касбни тўғри танлашнинг аҳамияти
2. Касбга яроқлилик даражалари
3. Инсонда касбга яроқлиликни шакллантириш

Инсон дунёга келиб теварак-атрофни англай бошлагандан бошлаб орзу умид билан яшайди. Жумладан ўз ўрнини топиш, обрў-эътиборга эришиш учун олдига мақсадлар қўяди, яхши касб танлашга ҳаракат қилади. Инсон ўзи ёқтирган касбни танлаётганда касбнинг инсонга қўядиган талабларини шу танлаётган касбларининг педагогик, психологик ва таббий таснифлари ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, ўзи ёқтирган касб инсонга роҳат бағишлаш ўрнига ташвиш келтириши мумкин. Масалан, тиббий таснифда танлаётган касбимизга соғлиғимиз тўғри келадими? Соғлиғимиз қандай бўлиши керак? Соғлиғимиздаги қандай нуқсонларни чеклайди? Деган саволларга ечим топишимиз керак бўлади. Шундагина биз танлаган касбимизга мос келиш ёки келмаслигимизни билишимиз мумкин.

Касбга яроқлилик – одам билан унинг касби ўртасидаги мувофиқлик. Ҳар қандай кишининг ўзигагина хос бўлган муайян шахсий фазилатлари, хусусиятлари бўлади.

Агар кишининг саломатлиги яхши бўлмаса ёки соғлиғига путир етадиган бўлса, танлаган касбига яроқли бўлмайди. Касбни тўғри ва онгли танлаш учун ўқитувчи, руҳшунос ва шифокорлар билан маслаҳатлашиб, танлаган касбига қай даражада мос келишимизни билишимиз лозим бўлади.

Яроқлилик, у ёки бу касбга яроқлилик. Касбга яроқлиликнинг ушбу даражаси шу билан ажралиб турадики, бунда бирор соҳадаги меҳнатга нисбатан монеълик қилувчи омиллар бўлмайди.

Яроқсизлик, мазкур касбга яроқсизлик. У вақтинча ҳам бўлиши мумкин, амалий жиҳатдан рўёбга чиқмайдиган бўлиши мумкин. Кишининг саломатлиги ёмон бўлганда у ёки бу соҳадаги кишига ўша кишининг соғлиғи, шифокорларнинг нуқтаи назарига тўғри келмайди деб топилган ҳолларда касбга яроқсизлик тўғрисида гапириш мумкин.

Мос келиш, у ёки бу фаолият соҳасига мос келиши. Бундай ҳолларда одамнинг айрим шахсий фазилатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бирор кишида муайян бир соҳада, масалан, биология, техника ва ҳоказо обектларга нисбатан қизиқиши бўлиши ёхуд бир соҳада ўзини амалий ишда синаб кўриши вақтида баъзи бир ютуқларни қўлга киритган кишилардаги мувофиқлик ўз касбига мос келиши бунинг мисолидир.

Ҳавас – мазкур касбга, фаолият соҳасига. Ишга ҳаваси бўлган бундай кишини меҳнати сифатида инсон тараққиётининг маскур босқичида касбга яроқлиликнинг олий доираси деб ҳисоблаш мумкин.

Бу ерда гап одамни бошқалардан ажратиб турадиган сифатлар тўғрисида бормоқда. Киши тахминан ўзи билан бир хил шароитда ишлаётган ва ўқиётган тенгдошларидан яққол ажратиб туради шунинг учун касбга яроқлиликни қуйидаги 4 унсур орқали аниқлашимиз, танлашимиз мухум рўл ўйнайди.

Касбга яроқлилик туғма сифат эмас, у меҳнат фаолиятида шаклланиб боради. Меҳнат жараёнида фақат касбий идрок, хотира ва тафаккур ривожланибгина қолмай, одамда муайян хулқ-ктвор типи ҳам, унинг жамоада ишлашга хос йўналиши ҳам, бурчини англаш хисси ҳам, шахснинг бошқа шу сингари фазилатлари ҳам ривожланиб боради. Бутун бир гуруҳни ташкил этучи бир қатор касблар одамга нисбатан жуда катта талаблар қўяди. У касбларга



фақат махсус қобилиятга эга бўлган кишиларгина мувофиқ келиши мумкин. Агар кишида мана шундай махсус қобилият йўқ бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. бундай ҳолларда кишига ўз касбига нисбатан яроқли бўлиш талаб қилинади, деб айтадилар. Масалан, санъат билан боғлиқ бўлган касблар тўғрисида айтиш мумкин. Агар кишининг тасвирий санъат соҳасида ишлаши учун қобилият бўлмаса, рассом, архитектор, ҳайкалтарош бўлиб етишиши амри маҳолдир. Демак, одамнинг касбга яроқлилиги ўзгарувчандир. Касбга яроқлиликни шакллантириш бу фақат одамдаги муайян фазилатларни, масалан, ўз-ўзини тарбиялаш воситалари билан бирга, меҳнат шароитини, ишлаб чиқариш воситаларини ўзгартиришни ҳам тақозо этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.// . – Т.:, 2020.

3. Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси, 1998. – 48 бет

4. Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – 34 бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштирии чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги №140-сонли Қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги "2017-2018 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш, уларни қисқа муддатда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва таълим муассасаларига етказиб берилишини таъминлаш тўғрисида"ги 803-Ф-сонли фармойиши

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами, 2017й, 14 сон, 230-модда

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида» ПҚ-3138-сонли қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги "2017-2018 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф ўқувчиларига касб-ҳунарни ўргатиш бўйича ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш тўғрисида"ги 286-сонли буйруғи.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни

14. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти: Халқаро конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 184 б.

15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.

16. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.

17. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.

18. Абдуллажонова М., Исақова М., Зокирова М., Исроилжонов С. Ижтимоий психологик тренингдан практикум. – Фарғона: ФарДУ,2003. – 68 б.

19. Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчиларм тайёрлашга интегратив ёндашув. – Т.: Фан, 2005. – 160 б.

20. Абу Наср Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 255 б.

21. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.

– Т.: Фан, 1989. – 365 б.

22. Авесто // Тарихий-адабий ёдгорлик: Асқад Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 400 б.

23. Акбаров Б.А. Ўқувчилар касбий тафаккурини шакллантириш воситасида касб-ҳунарга йўналтириш // Халқ таълими, 2014. №2 Б.46-49.

24. Акрамов А.А. Шахсга йўналтирилган таълим технология-лари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ри-вожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллашти-риш: Пед.ф.н. ... дис. – Т.: ТДПУ, 2016.

25. Андреева Г.М. Социальное познание: проблемы и перспективы. М., 1999.

26. Асадов Ю.М. Ўқувчиларни онгли касб танлашга тайёрлашнинг психологик омиллари. Мактаб ва ҳаёт. – 2004. №3.

27. Асадов Ю.М., Мусурманов Р. Ўсмирлар девиант ҳатти-ҳаракатининг ижтимоий-психология хусусиятлари: (диагностика, профилактика, коррекция). – Тошкент: Сано-стандарт, 2011. – 210 б.

28. Асамова Р. З. Касб танлаш мотиватцияси ва унинг динамикаси. Авт.-Т.: 2002. – 28 б.

29. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари.-Т.: Ўқитувчи. 1996.-56 б.

30. Беляев А.В. Социально-педагогические основы формирования гражданственности учащейся молодежи [Текст] / А.В.Беляев Дис... д-ра пед. наук. – Ставрополь, 2007.

31. Блонский П. П. Психология и педагогика. Избранные труды. – М.: «Юрайт», 2016.

32. Борытко Н.М. Воспитание профессионально-трудовой направленности учащихся старших классов гимназии: Дисс. … канд. пед. наук. – Волгоград, 1994. – 192 с.

33. Булатов С., Ҳайдаров М, Ҳунармандчилик дуолари,-Т.: ТДПУ, 1994.- б.

34. Газман О.С. Каникулы: игра, воспитание: О педагогическом руководстве игровой деятельностью школьников: Книга для учителя / Под ред. – М.: Просвещение, 1988. – 160 с.

35. Гидденс Энтони. Социология. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2002. – 848 б.

36. Давлатов К.Д. ва бошқалар. Меҳнат ва касб таълими назарияси



ҳамда методикаси.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-320 б.

37. Давлатов К.Д. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш.-Т.: Ўқитувчи, 1978.-144 б.

38. Джураев Р.Х. Личностно-ориентированные технологии в образование // Мактаб ва ҳаёт. № 7. 2015. Б. 27-30

39. Джураев Р.Х. М.Цой. Внедрение интерактивнҳх ресурсов в практику школьного образования// Научно-методическое пособие. –Т.Сано-стандарт, 2012. 152 б.

40. Джураев Р.Х. Мактаб ўқувчиларининг касбий қизиқишларини шакллантириш// Методик қўлланма. Тошкент: ЎзПФИТИ. 2011. 160 б.

41. Джураев Р.Х. Основные методы профильного обучения в школе// Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан/ Сборник научно-методических статей. УзНИИПН. 2018. Часть 6.

42. Джураев Р.Х. Совместная работа школы, семьи и педагогов внешкольного образования в профориентации детей// Узлуксиз таълим // – Тошкент. "Шарк", 2016 № 6. Б.31-35

43. Джураев Р.Х. Ў. Толипов Ш. Шарипов Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари// Монография. Т.: 2004. 120 бет

44. Джураев Р.Х. Условия успешной профориентационной работы среды школьников// Мактаб ва хаёт ж. № 6.2017 Б.27-30

45. Джураев Р.Х. Ш.Мардонов. Меҳнат таълими дарсларида бадиий конструкторлик фаолиятини ташкил қилиш// Мактаб ва ҳаёт. 2012, № 7-8.

46. Джураев Р.Х.,.Толипов Ў.Қ, Сафарова Р.Ғ., Тўрақулов Х.О., Иноятова М.Э., Диванова М.С. Педагогик атамалар луғати / Р.Х.Джураев таҳрири остида. – Т.: Фан, 2008. – 196 б.

47. Джураев Р.Ҳ. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларни касб – хунарга йўналтириш тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг муаммолари. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтиришнинг илмий – педагогик асослари мавзусидаги республика илмий – амалий конференция материаллари. – Т.:ЎзПФИТИ, 2003.

48. Жалолов А. Касб қандай танланади. – Янги аср авлоди, 2010. – 68 б.

49. Ирисов А. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: Ўқитувчи, 1995. -Кайковус. Қобуснома / Кайковус. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У Долимов. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ, 2006. – 208 б.

50. Каримов И. Меҳнат таълими ўқитиш технологиялари. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: 2007. – 85 б.

Collins, Tai A.; Hawkins, Renee O.; Nabors, Laura A. Introduction to the Special Issue: Interventions to Improve Children’s Social and Emotional Functioning at School // BEHAVIOR MODIFICATION Том:40 Выпуск: 4 Специальный выпуск: SI Стр.:487-492 Опубликовано: JUL 2016 http://webofscience.com

51. Климов Е.А. Как выбирать профессию. Кн.для учащихся ст.классов средней школы. – М.: Просвещение. 1990.

52. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. – Ростов-на-Дону. Финикс. 1996. – 264 с.

53. Мир профессий: Человек- природа /Сост. С.Н. Левиева.-М.: Мол. Гвардия, 1985.-383 с.

54. Мавлонова Р., Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 512 б.

55. Магзумов П.Т. Проверка и оценка качества знаний и умений учащихся по трудовой подготовке.-Т.: УзНИИПН, 1990.-42 с.

56. Магзумов П.Т., А.Ф.Антонов ва бошқ. «Ўқувчиларни меҳнат ва касб танлашга тайёрлаш» Т., Ўқитувчи. 1991.

57. Маслоу А. Мотивация и личность. Питер: СПб., 2003. -Маъмуров Б.Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари: пед. фан.ном.дис. ... – Тошкент, 2009. -126 б.

58. Муранов Б.И. Ҳозирги шароитда ёшларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида халқ ҳунармандчилигининг ўрни // Промлемы профессионального образования. – Т.: Фан, 1996. – Б.279-284.

59. Муслимов Н.А. ва б. Касб танлашга йўллаш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎзРОЎМТВ, 2007.

60. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.

61. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.ф.д. ...дис. – Т.: 1993. -Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Пед.ф.д. ... дис. Т.: 1998. -Неъматов Ш.Э., Тохиров Ў.О., Ядгарова Г., Ташбаев Н. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узвийлигини таъминлашнинг назарий методологик асослари. – Т.: 2015. – 152 б.

62. Орлов А. Б. Склонность и профессия. – М.: Знание, 1981. – 96 с.

63. Орлов Ю.М.“Самопознание и самовоспитание характера, Профессиональное самоопределение и трудовой путь молодежи”

64. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

65. Педагогика энциклопедия. 1-жилд / тузувчилар: жамоа. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2015, 320-б.

66. Педагогика: энциклопедия. 2 – жилд./ тузувчилар: Жамоа.- Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2015, 368 б.

67. Педагогика: энциклопедия. III жилд. Жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.

68. Сазонов А.Д., Симоненко В.Д. Профессиональная ориентация учащихся. Под ред. А.Д.Сазонова - М., 1988.

69. Санақулов Ҳ.Р. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунарга қизиқишларини меҳнат анъаналари асосида тарбиялаш. – Т.: 2001. – 314 б.

70. Сафарова Р.Г., Иноятова М.Э., Акрамова Г.Р., Нуржанова Р.Ў., Неъматов Ш.Э., Юсупова Х.И., Қаландарова М.К., Шакирова С.Қ., Қосимова Д.Ҳ. Истиқболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари. – Т.: Фан, 2009. – 240 б.

71. Сафарова Р.Г., Мусаев У., Мусаев П., Салаева М. Умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асослари /Монография. Т.: Фан, 2005. – 136 б.

Sears R. Your ancients Resisted: A History of Child Psychology // E. N.Heterington (ed). Review of child development research. V. S. Chicago, 1975....” http://psychlib.ru/mgppu/ODe/ODe-001.htm

72. Симоненко В.Д.“Профессиональная ориентация учащихся в процессе трудового обучения”,

73. Ситаров В.А. Проблемное обучение как одно из направлений современных технологий обучения // Знание. Понимание. Умение. 2009. - №1. С. 148–157.

74. Тайлаков Н.И., Акбаров.Б., Жамолов А. Ўқувчиларни касб – ҳунарга самарали йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб – ҳунарга таълими узвийлигини таъминлаш механизмлари. // Методик тавсиянома. – Т.: 2017.- 64 б.

75. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими: Пед.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс.автореф. – Т., 2018. – 42 б.

76. Толипов Ў.Қ. ва бошқалар. Касб таълими педагогикаси. – Тошкент.: 2003. – 88 б.

77. Тоҳиров Ў.О. Меҳнат таълими: Ўқитувчилар учун методик қўлланма (5-7 синфлар, "Технология ва дизайн" йўналиши бўйича). – Т.: "Тафаккур бўстони", 2013. – 292 б.

78. Тоҳиров Ў.О. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Т.: РТМ, 2017.- 72б

79. Турғунов А. "Касб ҳунарга йўналтириш" Т. 2019 й

80. Усмонов С. "Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш тажрибасидан" Т., Ўқитувчи 1987.

81. Усмонов Х., Шодиев Н., Абдураҳмонова М. Марғилон ҳунармандлари. – Фарғона, 2000. – 32 б.

Фрагулис Х. Роль социального партнерства в профессиональном образовании и обучени // Социальное партнерство в профессиональном образовании и обучени и подготовке кадров: Доклад. – Масква, 1998. www.geoehress.ru/observatory

Franco, Clemente; Amutio, Alberto; Lopez-Gonzalez, Luis; и др. Effect of a Mindfulness Training Program on the Impulsivity and Aggression Levels of Adolescents with Behavioral Problems in the Classroom // frontiers in psychology. – switzerland sep 22 2016. Том: 7. http://webofscience.com

82. Хайитов О. Тадбиркорлик фаолияти мотиватциясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Авт.-Т.: 2005. -25 б.

83. Хакимов Р.Р. Касб–ҳунар коллежлари ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари. Авт.-Т.: 2005.-23 б.



84. Хасанов С. Мутаффакирлар меҳнат тарбияси ҳақида,-Т.: Ўқитувчи, 1993.-144 б.

85. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2016. – 314 б.

86. Холмухамедов М.М. Кичик мутахассисларнинг профессиограммалар тўплами. Тошкент: - 2016.

87. Чистякова С.Н. Профессиональное самоопределение и профессиональная карьера молодежи // Профессиональное самоопределение и профессиональная карьера молодежи / Под ред. С.Н.Чистяковой и А.Я.Журкиной. М., 1993. С.3– 10.

88. Чориев Э.Т. "Система работ профессиональной ориентации учащихся общеобразовательных школ". Т., "Фан" 1981.

89. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ...дис. – Т., 2012. – 307 б.

90. Шарипов Ш.С. ва бошқалар. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф учун дарслик. –Т. "Шарқ", 2015 – 240 б.

91. Шарипов Ш.С., Қўйсинов. О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф учун дарслик. –Т. "Шарқ", 2017 – 240 б.

92. Шарипов Ш.С., Қўйсинов. О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф учун дарслик. –Т. "Шарқ", 2017 – 240 б.

93. Шарипов Ш.С., Қўйсинов. О.А., ва бошқалар. Технология фанини ўқитиш ва психологик хизматни ташкил этиш инновацион технологиялардан фойдаланиш.// Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т. "Муҳаммад полиграф", МЧЖ, 2017 – 80 б.

94. Шодиев Н.Ш. Внеклассная и внешкольная работа по профориентации учащихся. Т.: - Фан. – 1988.

95. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2010. – 332 б.

96. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т.: Юлдузча, 1990, -Ўзбек

педагогикаси тарихи / А.Зуннунов таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 271 б.

97. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А – Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 679 б.

98. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.

99. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. – 687 б.

100. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот – Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 606 б.

101. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Шукрона – Ҳ / 5 жилдли. Бешинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 591 б.

102. Ўқувчиларни касб - ҳунарга йўналтириш ҳамда дефектологлар иши фаолиятини ривожлантириш бўйича услубий ва методик қўлланмалар тўплами (учинчи китоб). Тузувчилар: Жамоа. Т.: Komron PRESS MChJ. 2015 208 бет.

103. Ўринов У.А. Касб – ҳунарга таълимида ижтимоий хамкорликни амалга ошириш методикаси. . // Методик қўлланма. – Т.: 2017.- 81б

104. Қосимов У.А. Комил инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Псих.ф.н. ...дис.автореф: - Т.: ТДПУ, 2004. -Қўйсинов О.А. ва бошқалар. Меҳнат таълими. 1-4 синф ўқитувчилар учун методик қўлланма .-Т.:2017. -136 б.

105. Қўйсинов О.А. ва бошқалар. Меҳнат таълими. 8-синф ўқитувчилар учун методик қўлланма .-Т.:2017. -74 б.

106. Қўйсинов О.А. ва бошқалар. Меҳнат таълими. 9-синф ўқитувчилар учун методик қўлланма .-Т.:2017. -128 б.

107. Қўйсинов О.А. ва бошқалар. Полимер материалларга ишлов бериш технологияси.-Т.:2017. - 67 б.

108. Қўйсинов О.А. ва бошқалар. Рўзғоршунослик асослари. .-Т.: 2017. -67б.

109. Қўйсинов О.А. ва бошқалар. Электротехника ва электроника



асослари. .-Т.: 2017. – 116 б.

110. Ғозиев Э. Психология. Ёш даврлари психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. -Ғозиев Э., Жабборов А. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. Ўқув.қўлл/ Т.: М.Улуғбек номидаги УзМУ,- 2003.- 124 б.

Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996. -http://www.dissercat.com/content/vospitanie-grazhdanskoi-pozitsii-starsheklassnikov-v-deyatelnosti-molodezhnykh-obshchestvenn

https://ru. wikipedia.org /wiki

www.tdpu.uz

www.pedagog.uz

www.Ziyonet.uz

www.edu.uz

Texnologiya fani o'qituvchilari portal: www.Texnologiya.zn.uz

111. Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси" тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони.

-13799/96-

O'ZBEK... OLIY TA'LIM, FAN VA ... VAZIRLIGI
CHIRCHIQ ... PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

**МАҲМУДОВА ДАРМОНЖОН БОЗОРБОЕВНА**

# ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Муҳаррир: Х. Тахиров
Техник муҳаррир: Т. Рахматуллаев
Мусаҳҳиҳ: Н. Исматова
Саҳифаловчи: А. Мухаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.
Босишга рухсат этилди 21.01.2022 й.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 7,5.
Адади 100 дона. Буюртма № 18.

«MALIK PRINT CO» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент вилоят, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси.